

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб  
ва  
жамият*

Мирзо КЕНЖАБЕК

# ЁШЛАРГА ДИЛ СЎЗЛАРИМ

*Ёш ижодкорларга самимий  
тавсиялар*

ТОШКЕНТ  
“АДАБИЁТ”  
2021

821.512.133-32

84(5Ў)7

**К 37**

К 37

**Кенжабек, Мирзо.**

**Ёшларга дил сўзларим** [Матн]: *Ёш ижодкорларга самимий тавсиялар* / Мирзо Кенжабек. – Т.: «Adabiyot» 2021. – 224 б.

ISBN 978-9943-6483-2-3

**Таҳрир хайъати:**

Сирожддин Саййид (хайъат раиси),	Кенгисбай Каримов, Эркин Аъзамов,
Иброҳим Ғафуров,	Усмон Азимов,
Умарали Норматов,	Баҳодир Каримов,
Аҳмаджон Мелибоев,	Нурбой Жабборов,
Минҳожиддин Мирзо,	Шухрат Ризаев,
Нодир Жонузок,	Рустам Мусурмон,
Ғайрат Мажд,	Мухиддин Абдусамад

Шоир, таржимон ва публицист, исломий асарлар мусаннифи ва таржимони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби Мирзо Кенжабекнинг «Ёшларга дил сўзларим» рисоласида Шахс ва Ижод, субут ва виждон, қалб ва иймон-эътиқод тамойиллари билан боғлиқ фикрлари самимий баён этилган.

Рисола барча ёш қаламкашлар, айниқса, ижод мактабларининг талабалари учун сеvimли ва дастурул-амал асар бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
“Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN 978-9943-6483-2-3

© Мирзо Кенжабек, 2021  
© «Адабиёт», 2021

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Азиз китобхон!

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаат-номасида: **«Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадларни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак»** деган сўзлари билан халқимизни нурли келажак сари олиб берадиган йўлимизни белгилаб бердилар. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 580 йиллигини, шунингдек, замонавий маданиятимиз ва адабиётимизнинг улуғ намояндалари Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов ва Ботир Зокиров таваллудининг қутлуғ саналарини кенг нишонлаш тўғрисидаги Президент қарорлари моҳиятида ҳам ёшларни буюк аجدодларимизга муносиб авлод қилиб тарбиялаш назарда тутилган. Шунинг учун ҳам 2021 йил номи **«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»** дея аталди ва **«Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади»** деган ғоя асосида кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширишга киришилди.

Ушбу улуғвор вазифаларни амалга оширишда ижодкор-адибларимиз зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланади. Бадиий адабиёт – ёшларнинг юрагига кириб бориш, уларнинг диди, фаҳм-фаросатини гўзаллаштириш, билим ва савияларини оширишнинг энг самарали воситасидир. Жонли ва ҳаётий мисолларга бой асарлар мутолааси орқали ўқув-

чи-ёшлар Ватанимизнинг улуғ тарихини, буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини ўрганади ва улардан ўрнак олишга интилади.

Ёшларимизга мутолаа учун тавсия этиладиган ушбу китоб Президентимиз Мурожаатномасига лаббай дея жавоб берган фаол адибимизнинг айни шу йўлдаги ижодий меҳнати самарасидир.

Ушбу китобни ўқир эканмиз, миллий адабиётимизнинг атоқли намояндалари Абдулла Қаҳҳорнинг “Ёшлар билан суҳбат”, Асқад Мухторнинг “Ёш дўстларимга” сингари рисоалари эсга тушиши табиий ҳол. Ўтган асрнинг 60–70-йилларида яратилган бу китоблар ўз даврида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов сингари улуғ адиблар ҳамда бугунги кунда устоз мақомига эга бўлган нечача адабий авлодлар илҳомига қанот бағишлаган, десак муболаға бўлмас.

Бугун Янги Ўзбекистон ёшлари севиб ўқийдиган, уларни таъсирлантирадиган, улуғ мақсадлар сари бошлайдиган асарлар керак.

Китобда атоқли устоз адибларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, ижодий тажрибахонаси, сўз устида ишлаш интизоми, асарлари таҳлили таъсирчан ва қизиқарли мисоллар билан баён қилинган.

Мирзо Кенжабекнинг ушбу китоби ижод ва илм толиби бўлган ёшларга адабий-маънавий, ижтимоий-маърифий сабоқ берувчи китоблардан бири сифатида кенг ўқувчилар оммаси юрагидан муносиб ўрин олади, деган умиддамиз.

*Таҳрир ҳайъати*

## ҚИСҚА МУҚАДДИМА

*Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм.*

Азиз ва муҳтарам ёш ижодкорлар! Севикли дўстларим, ўғилларим ва қизларим!

Балки, бу китоб сизнинг тақдирингиздан бирор нарсани ўзгартира олмас. Лекин инсоннинг замирида кўплаб яхшиликлар ва кўплаб ёмонликлар яширингандир. Ўша яхшиликларни рўёбга чиқариш ва ўша ёмонликлардан сақланиш учун башар зоти бир эслатмага, бир маънавий мактабга муҳтождир.

Инсон тоза фитратда туғилади, кейин муҳити уни ё яхши томонга, ё ёмон томонга буради. Инсон нафсида жамланган кўплаб гўзал хислатларни юзага чиқариш учун одамзодга таълим зарур, гўзал эслатма зарур. Камина сизларга дил сўзларимни ана шу яхши ниятда баён қилмоқдаман.

Устоз Абдулла Орипов ёзади:

*«Равон йўллар қаршингизда турибди муштоқ, –  
Дерди бизга ҳарф ўргатган ёш бир муаллим».*

Мен «Сизнинг қаршингизда равон йўллар турибди», демайман. Аксинча, сизни келажакнинг синовларидан, ҳаёт сувларининг тўлқинлари ва гирдобларидан огоҳлантираман. Чунки устоз яна айтганлар:

*«Ҳаёлларнинг гирдобида қолганда аммо  
Алам билан хотирлайман муаллимимни».*

## ДИЛ СЎЗЛАРИМНИ АЙТИШГА САБАБ НИМА?

Ўтган улуғ адибларнинг баъзилари ўзларидан кейин келаётган ёш ижодкорларнинг келажагини ўйлаб, уларнинг истиқболига қайғуриб, ўз ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда нодир сўзларни ёзиб қолдирганлар. Улуғ ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг адабиёт ҳақидаги фикрлари, атоқли адиб ва шоир Асқад Мухторнинг адабий ўйлари, буюк шоир Эркин Воҳидовнинг ибратли нақл ва ҳикоятлари шулар жумласидандир.

Каминангиз ўзимни ёшларга насиҳат қиладиган бир мақомга эришган шахс деб ҳисобламайман, лекин асл адабиётнинг дўсти ва фикрли китобхон сифатида ёш ижодкорларга баъзи зарур сўзларимни айтмоқчиман. Бу сўзлар жаҳон адабиётини кузатган бир камтарин дўстингизнинг Шахс ва Ижод, субут ва виждон, қалб ва иймон-эътиқод тамойиллари билан боғлиқ дил сўзларидир. Токи адабиёт майдонига кириб келаётган ҳар бир истеъдодли ёш ижодкор бу сўзларни ақл ва тафаккур элагидан ўтказиб, ўз ҳаёт ва ижод йўлини тўғри белгиласин, ижод жараёнида зарур маънавий тамойилларни ўзига дастурул-амал қилиб, камолот чўққиларига юксалсин, бир умр ҳаваскор қаламкаш бўлиб қолмасин, даврлар ўзгариши билан ёзган нарсалари беҳуда кетиб, беобрўй ва беиззат бўлмасин, Худо берган истеъдодидан тўғри ва унумли фойдалансин.

Ушбу рисолада юксак бадий сўзларни тизишим, юксак ташбеҳли ифодалар билан сўзлашим мумкин эди. Йўқ, мен оддий, содда, лекин зарурий сўзларни лозим кўрдим.

## АДАБИЁТ АДАБ ДЕМАҚДИР

Адабиёт «адаб» сўздан олинган, гўзал ахлоқ ва чиройли адаб манбаидир.

Адабиёт – миллат руҳий ҳаётининг бир қисми, халқнинг маънавий ҳаётини акс эттирувчи, айна вақтда, халқнинг руҳий-маънавий ҳаётига таъсир ўтказувчи сўз санъатидир. Адабиётнинг моҳияти адабдан иборатдир. Адабиёт инсон қалбини, виждонини, иймонини, ахлоқини, маънавиятини, адолати ва ҳақиқатини ҳамда бошқа инсоний хислатларини тарбият қилиб борувчи ҳикмат манбаидир.

Бир ҳадиси шарифда: «Албатта, шеърда ҳикмат, баёнда сеҳр бордир», дейилади. Ҳазрат Алишер Навоий бу сўзни назмий ва насрий адабиётга тааллуқли, деб ажойиб ҳукм билдирганлар.

Шоирлар ҳақида келган Илоҳий оятларнинг шарҳида айтиладики: «Саҳобалардан бўлган бир шоир келиб Пайғамбар алайҳиссаломга: «Аллоҳ тало шоирлар ҳақида айтган бу танқидий сўзлардан кейин бизларнинг ҳолимиз не кечади?» – деганларида, ул Ҳазрат бундай жавоб берганлар: «Мўъмин киши ҳам тиғи билан, ҳам тили (яъни, қалами) билан Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилади. Яратган Эгамнинг номига қасамки, сизлар отадиган ўқнинг тиғи ўткироқдир».

Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт атомдан кучли.

Лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак», деган сўзининг маъноси мана шу ҳадис билан очилади.

Шоир Ҳассон ибн Собит деган саҳоба-шоир ҳақида ҳазрати Пайғамбаримиз: «Агар у иймон-эътиқод муҳофазасида бардавом бўлса, Ҳақ таоло унга Рухул-қудс, яъни фаришта Жаброил алайҳиссалом орқали ёрдам қилади», деган маънода ҳадис айтганлар.

Демак, покликни, эзгуликни, ҳақиқат ва адолатни куйлайдиган асл истеъдод соҳибларига Яратган Зотдан маънавий ёрдам етиб туриши шубҳасиз экан. Бежиз эмас, Алишер Навоийнинг «Рухул-қудс» деган шеърий асари ҳам бор.

Шундоқ экан, адабиётнинг ўткинчи воқеликка, сохта мафкураларга, истибдод ва зулмга хизмат қилишга ҳаққи йўқ. «Давр овози» деганда ўз даврида, керак вақтда овози чиқиб, кейинги даврларда овози ўчадиган адабиётни эмас, балки овози узоқ замонларга борадиган асл адабиётни тушунмоғимиз лозим.

## **ИЖОД АҲЛИНИНГ ЎЗ АХЛОҚИЙ МЕЗОНИ БЎЛИШИ КЕРАК**

Ижод аҳли халқнинг пешқадам вакиллари, миллат зиёлиларидир. Пешқадам ва зиёли бўлган, айниқса, халққа яхшилик ва эзгуликни ўргатадиган кишида устун бир ахлоқ, ўрнатилган бўларли феъл-атвор, юксак маънавият бўлиши зарур.

Албатта, шоирнинг ўсиб-улғайган муҳити, кейинги изланиш даври шарт-шароитлари унинг ижодига ва ахлоқига таъсир қилади.



Хожагон-Нақшбандия силсиласининг улуғ муршиди Хожа Аҳрори Валий ҳазратлари «Волидийя» рисоласида коинотнинг улуғи бўлган зотга эргашиш маънавий мартаба боиси эканини бундай ифода қиладилар:

«Тобеъ бўлиш – эргашиш улуғ мартабанинг ҳосил бўлиш сабаби экани маълум бўлдими, демак, киши бундай боғловчи саодат ўзига тез ёр бўлишини истаса, суҳбатдошликни шундай тоифа билан қилмоғи керакки, уларнинг зоҳирлари муборак шариятга мувофиқ бўлиши ва ботинлари тобеълик (эргашиш) сабабли айтилган мартабаларда камолга эришган бўлиши лозим. Чунки Ҳақ таоло кўнгилни шундай яратганки, одам ким билан суҳбатдош бўлса, ўша одамнинг суҳбатидан таъсир олади».

«Волидийя» асарини шеърий йўл билан таржима қилган Заҳируддин Муҳаммад Бобур баъзи матнларни бундай ифода этадилар:

*Бу киши соҳиби ҳолот ўлғай,  
Мазҳари ушбу камолот ўлғай.*

Яъни: «Сен суҳбатдош бўлган у киши маънавий ҳолларга соҳиб бўлсин, ушбу зикр қилинган камолотга мазҳар бўлган – эришган бўлсин».

*Тенгри кўнгулни яратти андоқ,  
Бу сифатни анга қотти андоқ;  
Ҳамнишин ҳар ким ила бўлса кўнгул,  
Суҳбатидин мутаъассир ўлур ул.*

«Зотан, Аллоҳ таоло кўнгилни шундай ҳолда яратган ва шу сифатни унга қўшиб қўйганки, киши ким билан ҳамнишин, суҳбатдош бўлса, кўнгли унинг суҳбатидан таъсир олади».

Яна Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари **«Мотамда қайғу, шодликда қувонч таъсири бор»** эканини баён қиладилар: «Шу нарса ҳамма одамга маълумки, агар киши мотамзада одамнинг олдида ўтирса, унда ҳам ғамгинлик пайдо бўлади. Агар шодлиги ғолиб одамнинг олдида ўтирса, унда ҳам шодликнинг ғолиб сифати юз кўрсатади».

### МУҲИТНИНГ ИЖОДГА ТАЪСИРИ

Қаламкаш қандай доирада ҳаёт қурса, ўша доиранинг ахлоқий-маънавий таъсирида бўлади. Шоирнинг дўстлари қандай кишилар бўлса, ўзи ҳам ўшандай бўлади. Адибнинг суҳбатдош улфатлари қандай хулқдаги инсонлар бўлса, у ўша улфатлар мақомидан чиқиб кета олмайди. Шоир Ҳамид Олимжон ёзади:

*Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда  
Кўп эртак эшитгандим,  
Сўзлаб берарди Бувим.  
«Тоҳир-Зухра», «Ёрилтош»,  
Ойни уялтирган қош...*

Улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин «Евгений Онегин» шеърий романида ёзади:

*Бир пайт Лицей боғлари аро  
Мен барқуриб гуллаганда тинч,  
Апулейни хушлардим, аммо  
Цицеронни ўқимасдим ҳеч;  
У кун сирли водий қўйнида,  
Сокин, шаффоф сувлар бўйида  
Янграганда оққушлар саси,  
Юз кўрсатди илҳом париси.*

*Талабалик ҳужрам ногаҳон  
Нурга тўлди: пари-ла кирдик,  
Ёшлик ўйлар базмини қурдик,  
Болаликни куйладик шодон,  
Ўтмишинг шон, камолини ҳам,  
Дилнинг титроқ хаёлини ҳам.*

Апулей – эрамиздан аввалги 125-йиллар атрофида туғилган Рим ёзувчиси. «Олтин эшак» деган асари машҳур бўлиб, Пушкин уни фаранг тилида ўқиган. Цицерон эса – машҳур Рим нотиғи, ёзувчиси ва сиёсий арбоби.

Лекин Пушкиндек даҳо шоир ҳам лицей боғларига келгунича, болаликда ўз энагаси Арина Родионовнанинг ялла ва лапарларини эшитиб улғайган. Ҳамма шоирлар қатори Пушкин, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Эркин Воҳидов қалбга ва руҳга яхши таъсир қиладиган нарсаларни – эртак, қўшиқ ва яллаларни тинглаб улғайганлар.

Лекин ўша шоир ва адиблар ҳозирги беўхшов ашулаларни, шаҳват ва беҳаёлик уфурган эстрада-ларни эшитиб улғайсалар эди, аҳвол қандай бўлар эди? Бу саволга улуғ рус шоири Евгений Евтушенко сўзи билан жавоб берамиз.

Евгений Евтушенко: **«Агар Пушкин болалигидан энагаси Арина Родионовнанинг яллаларини эмас, ҳозирги эстрада қўшиқларини эшитиб улғайса эди, ундан Пушкин чиқмас, балки ундан Пушкиннинг қотили бўлган Дантес чиққан бўлар эди»,** деб ёзган эди.

Бу гап, шубҳасиз, ҳозирги замон ўзбек эстрадасига ҳам тегишлидир. Шоир айтмоқчики, шаҳват ва бузуқлик эстрадаси инсонларни ўз-ўзининг маъна-

вий қотили қилиб тарбия қилади. Дарҳақиқат, гўнг устида бойчечак унмайди.

Баъзи қаламкашларнинг ёзган хотира ёки кечинмаларини ўқисангиз, гўё унга бошқа одамлардан фарқли бир имтиёз берилгандек катта кетаётганини сезасиз.

Инсофдан гапирадиган одамнинг ўзи инсофли бўлиши керак. Тарбия қиладиган инсоннинг ўзида тарбия бўлиши шарт. Юксак инсоний фазилатларни тавсифлайдиган қаламкашнинг ўзида юксак инсоний фазилатлар бўлиши лозим. Раҳматлик Асқад Мухторнинг бир шеъри бор, сўнгги сатрлари:

*Ёшлигидан бошланг бола тарбиясини,  
Туғилмасдан бошласангиз, яна ҳам яхши.*

Яъни, болани тарбия қилувчи киши ҳали боласи туғилмасидан ўзи тарбияли бўлиши зарур.

Қисқаси, ижодкор одам ҳар жиҳатдан гўзал ахлоқ ва маданиятга, юксак инсоний хислатларга, бой маънавиятга, пок, ибратли ҳаёт тарзига эга бўлиши керак. Токи унинг сиймосидан ҳам, асаридан ҳам оламга маънавият нурлари таралсин.

Шоир ва ёзувчининг ахлоқий ҳолатини белгилаб берган бирор асар ёки бирор қоида йўқ. Лекин қалам неъматига эга эканлиги, халқнинг маънавий муаллими эканлиги унга етарли қоида, етарли ибрат мактабидир.

Вафо, садоқат, тўғрилиқ, поклик, оилага, ёрдўстларга, фарзандларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, ҳар қандай вазиятда ўзини юксак мақомда тутиш, камтарлик, хокисорлик ва тавозуъкорлик ижод аҳлининг доимий ахлоқ ўлчовлари бўлиши лозим.

## АДАБИЁТ ЎТКИНЧИ ТАШВИҚОТ ВОСИТАСИ ЭМАС

Улуғ устоз Абдулла Орипов:

*Мен ҳам яшаяпман ўз замонимда,  
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ? –*

деганлар. Ҳар бир ижодкор ўз замонасининг дарду ташвиши билан елкадош яшайди. Албатта, адиб ўз даври билан ҳамнафас яшаши керак. Лекин бу ҳамнафаслик адабиётни ўткинчи нарсаларга қурбон қилиш дегани эмас. Адабиёт ноғора, ижодкор эса ноғорачи бўлиб қолмаслиги даркор. Содда қилиб айтганда, вақтли матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг вазифасини адабиётга, шеъриятга юкламаслик лозим. Ижодкор ижтимоий ҳаёт билан бирга яшайди, лекин бу биргалик бадиий ижоддан ташқари инсоний-ижтимоий фаолиятдир. Дейлик, бу фаолият адибнинг мақолалари, суҳбат ва мушоабалари, нутқлари бўлиши мумкин. Адабиётда давр руҳи акс этади, лекин бу руҳ адабиётни ўлдирадиган ўткинчи нафас эмас, балки адабиётга ҳаёт берадиган абадий руҳ бўлмоғи керак.

Улуғ рус шоири Сергей Есенин шеъриятини бутун олам ўқийди, лекин орадан неча йиллар ўтиб, Демьян Беднийнинг ташвиқий битиклари қайси пучмоқда қолиб кетганини ҳеч ким билмайди. Ҳолбуки, иккаласи замондош, ўз даврида, сиёсат оламида Демьян Бедний обрўйи Есениннинг обрўйдан баланд бўлган. Энди-чи, Бедний деган шоир ўтганини инсонлар билмайди ҳам. Шунинг учун вақтида Сергей Есенин пичинг ва кесатиқ билан ёзган:

*Мана, кўринг қишлоқ йигитчаларин,  
Булар ёш фирқалар – марш билан келар.  
Гармонни янгротиб баралла улар,  
Куйлар Бедний Демьян агиткаларин<sup>1</sup>.*

Улар, яъни ёш фирқалар, «ура-ура»чилар Бедний Демьяннинг, яъни бахтсиз, шўрлик Демьяннинг ташвиқий шеърларини бақириб куйлаб келаётир.

Бу сатрларда икки нозик нуқта бор: биринчиси, муаллиф Демьяннинг «агитка»лари, яъни «ташвиқча»лари ўткинчи ва сохта эканига ишорат қилмоқда; иккинчиси, шоирнинг «Демьян Бедний» деган исм ва насабини «Бедного Демьяна» деган ибора билан қўллаб, уни «бахтсиз, шўрлик, бахтиқаро Демьян» деб атамоқда. Яъни, ўткинчи ва сохта мафқурани сурнай ва «ташвиқча» билан олқишлаётган шоирни бахтсизликка ҳукм қилмоқда. Адабиёт ноғора, ижодкор ноғорачи бўлмаслиги керак, деган сўзимизнинг маъноси ана шудир.

Сергей Есенин яна ёзади:

*Шоирлар кўп Русда оташин,  
Маяковский ҳам зўр шоир.  
Масселпром қопқоқчаларин  
Шеърга солиб юргандир ҳозир...*

Шубҳасиз, Владимир Маяковский буюк шоир, но-дир истеъдод соҳиби эди. Лекин ёғ заводининг қопқоқ-тиқинлари шеъриятга ярашадиган нарса эмас. Бу сатрларда Сергей Есенин Маяковскийдек буюк шоир ўз нодир истеъдодини ўткинчи сиёсий маъракаларга қурбон қилаётганини танқид этаётир.

<sup>1</sup> Эркин Воҳидов таржималари.

Албатта, ҳаёт ижодкорни машғул қиладиган ва баъзан чалғитадиган долзарб масалалардан холи эмас. Давр талаб қилиб турган мавзулардан сақла-ниш қийин. Лекин асл истеъдод соҳиби ҳар қандай мавзудан яхши асар чиқариши мумкин. Масалан, шубҳасизки, санъаткор ёзувчи Тошкент–Термиз темирйўли қурилиши тарихидан ўлмас асар ёзиши мумкин. Ахир, бу ишнинг ортида қанча тақдирлар, қанча фидоликлар, қанча қаҳрамонликлар бор, шу билан бирга ўғрилиқ, ноҳақлик, талончилик ва зиддиятлар ҳам йўқ эмас.

Хуллас, гап фақат мавзуда эмас, гап истеъдодда, гап санъатдадир.

## **ҲАР БИР ҚАЛАМКАШНИНГ ҚАТЪИЙ ИЖОДИЙ ИНТИЗОМИ БЎЛИШИ ЗАРУР**

Ҳар бир ижодкорнинг хизмат тасарруфлари, уй-рўзғор ташвишлари, дўсту ёр зиёратлари каби ҳаё-тий машғулотли орасида жуда қатъий ижодий ин-тизоми, узлуксиз меҳнат тамойили бўлиши зарур.

Қаламкашнинг, хоҳ шоир, хоҳ ёзувчи бўлсин, ижодсиз, изланишсиз ўтадиган бирор куни, бирор кечаси бўлмаслиги керак. Ҳазрат Навоий ҳар жиҳат-дан ижод аҳлининг пешвоси, устози, ўрнак-наму-насандирлар. Тасаввур қилинг, у зот Хуросон давла-ти идорасида деярли бош вазир мақомида хизмат қилганлар, подшоҳ Ҳусайн Бойқаро сафарларда юрган чоғларида давлатни бошқарганлар, тиним-сиз, буюк ихлос ва муҳаббат билан халқнинг хиз-матида бўлганлар. Шунга қарамай, тўхтовсиз ижод қилганлар. Ана шу узлуксиз меҳнатлари туфайли жаҳон адабиётида мисли ва назири йўқ буюк мута-

факкир ижодкор бўлиб етишганлар. Устоз Абдулла Орипов бекорга ёзганми:

*Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...*

Ёки яна:

*Темур тиғи етмаган жойни*

*Қалам билан олди Алишер...*

«Руҳнинг озуқаси маънавият бозорларидадир» деган суҳбат-мақоламда айтган баъзи сўзларимни шу ўринда иқтибос қилиб келтираман:

«Шоир Миразиз Аъзам: «Кўп улуғ шоирлар фақат қатъий интизом билангина улуғлик даражасига етганлар», деб таъкидлар эди...

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» таҳририятида хизмат қилганимда обуна ишлари билан Нукус шаҳрига сафар қилгандим. Тўлепберган Қаипбергановнинг уйида унинг иш интизомидан ҳайратда қолганман: эртадан кечгача, ўтириб ҳам, ётиб ҳам ёзаверар эди. Тафаккур қилар эди.

Шукур Холмирзаевни ёзишдан холи ҳолда топиш қийин эди. У киши ўзини адабиёт учун қурбон қилган шахс эди. Маълум бўладики, сўз санъатининг талаби тинимсиз меҳнатдир».

*Кўтармайди ҳаргиз шеърят*

*Баҳонангни, найрангларингни,*

*Қурбон қилгин тўрт девор ичра*

*Сен ҳам гўзал байрамларингни...*

Ижодкор буюк камолот учун шанба ва якшанбаларини, яъни дам олиш кунларини, байрам ва таътилларини, кўз нури ва қувватини қурбон қилишга мажбур. Йўқса, ҳеч қачон камолот чўққисига эриша олмайди.



## **БУЮК ЁЗУВЧИ ЛЕВ ТОЛСТОЙНИНГ ҲАЁТИЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ**

Лев Толстой 22 ёшида ўзи учун ҳаётий тартиб-қоидалар тузади ва унга бутун умр амал қилади. Ирода-сабот, фаоллик, хотира ва ақлий қобилиятни ривожлантирадиган бу йўриқлар ҳаммага, жумладан, ёш ижодкорларга улкан фойда бериши аниқ.

1. Ҳар қандай жисмоний машаққатга чида, қийналганингни бошқаларга билдирма.

2. Ҳар кун заифроқ биладиган тилингда шеър ёдла.

3. Қўлингдаги мулкнинг ўндан бирини эҳсон қил.

4. Ўн баробар бойиб кетсанг-да, ҳаёт тарзингни ўзгартирма.

5. Ҳар қандай нарсага ҳар томонлама назар сол – фойдасини ҳам, зарарини ҳам кўр.

6. Ўзинг билмаган ёки ёқтирмайдиган одамларнинг мақтовини олишга уринма.

7. Ҳар тонг кунлик режа туз ва уни албатта бажар.

8. Бошқаларнинг фикрини ўйлаб ўтиргандан кўра ўз устингда кўпроқ ишла.

9. Шуҳрат учун сарф-харажат қилма.

10. Ўзинг учун иложи борича кўп машғулот ўйлаб топ.

11. Бир ўзинг тугаллашинг мумкин бўлган ишга ёрдамчи талаб қилма.

12. Ҳеч қачон ҳиссиётларингни ошкор қилма.

13. Яқин кишингни ўзингдай яхши кўр, икки яқин кишингни (ота-онангни) эса ўзингдан ҳам кўпроқ яхши кўр.

14. Иложи борича кам ухла.

15. Ҳар тун кундузи ўрганганларингни такрорла.
  16. Ортиқча нарсангни ўзинг учун эмас, жамият учун ишлат.
  17. Яхшилик қилишга имкон изла.
  18. Яхши бўл ва сенинг яхши эканингни ҳеч ким билмаслигига интил.
  19. Ҳаммани бирдай яхши кўр, бу муҳаббатдан ўзинг ҳам четда қолма.
  20. Элнинг муҳаббати учун майда туйғулардан воз кеч.
  21. Шарт-шароит қанча ёмон бўлса, ҳаракатни шунча кучайтир.
  22. Бор нарсаларга қаноат қил.
  23. Бирор ишни бошласанг, охирига етказмай ташлаб кетма.
  24. Яқинларингнинг ҳаёти ширин бўлишига ҳисса қўш. (*«Хотиралар» китобидан «Mehrob.uz» саҳни.*)
- Ҳар бир ижодкор ўз виждонида ўйлаб кўрсин, шу ёшда қайси биримизда шундай мазмунли ва мустақкам иш интизоми бор?

### «МЕНДЕК МЕҲНАТ ҚИЛСА ЭДИ...»

Ўтмишда Чарльз Дарвин деган бир беқадр шахс «Одам маймундан пайдо бўлган» деган ботил ва манфур фикрни айтган. Ҳолбуки, инсоният кечмишида Илоҳий жазо ўлароқ баъзи инсонларнинг маймунга айлангани ҳақида тарихий ҳақиқатлар бор, лекин маймуннинг инсонга айлангани ҳақида тубан башарий гумондан ўзга ҳеч қандай асос йўқ. Ғафур Ғулом «Шараф қўлёзмаси» шеърида оқилона ишорат билан бу ботил ғояни рад этади:

*Қадим ўзбек халқисан,  
Асл Одам авлоди,  
Миср эҳромларидан  
Тарихинг қарироқдир.  
Хоразмнинг ҳар ғиштида –  
Боболарнинг ижоди,  
Англо-саксонлардан  
Анча юқорироқдир...*

Ғафур Ғулом бу тағдор сўзи билан инсониятнинг Одам алайҳиссаломдан тарқалганига ишорат қилган. Шарафли ва муқаррам зот бўлмиш одам ҳақида «маймундан пайдо бўлган» деган гапни гапириш нақадар тубанликдир. Шунга қарамай, ўтмиш сиёсий арбобларидан бири «Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг ўрни» деган китоб ёзган. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ана шу гапга пичинг билан ишора қилиб: «Мендек меҳнат қилса эди, маймун ҳам ёзувчи бўлиб кетар эди!» – деган экан. Яъни, бу сўз билан ўзининг қатъий ижодий интизомини, тинимсиз ва бешафқат меҳнатини назарда тутган.

## **ҲАСАД-ХУСУМАТДАН ПОК БЎЛИШ**

Ҳасад бу – кўролмаслик, рашк, қизғаниш, суқ. Яъни, бировга насиб этган истеъдодни, ютуқни, маънавий ёки моддий давлатни, обрўй-эътибор ёки иззатни кўролмаслик, ўша инсонда ўша яхши неъматларнинг йўқ бўлишини иташ ҳасаддир.

Қаламқаш нурли ижоди – пок ва ҳалол меҳнати билан адабий муҳитга кириб кела бошлар экан, у турли муносабатларга, қарама-қаршилик, ҳасад ва гуруҳбозлик каби ҳолатларга дуч келади.

Ижодкорнинг асосий вазифаси ижодий ютуқлари ёки истеъдоди туфайли катта кетмасдан, ҳар қандай шароитда ўзини мудом камтар тутиб, гўзал ахлоқ ва одобини намоён этмоқдир. Ҳасадчиларнинг ҳасадига дуч келса ёки ўзида ҳам бошқа истеъдодли ва покдил ижодкорга нисбатан ҳасад туйғуси пайдо бўлса, матонат билан бу манфур ҳолатдан ўзини қутқаришга ҳаракат қилмоғи лозим. Ҳасад кўп ёмонликлар, йўқотишлар, хиёнатлар ва маҳрумликларнинг манбаидир.

Ҳадиси шарифда айтилади: **«Олов ўтинни еб тугатганидек, ҳасад – ҳасадчининг яхшиликларини еб тугатади»**. Демак, ҳасад ўз эгасини еб тугатади. Ҳасаддан ижод ҳам, санъат ҳам, илм-фан ҳам зарар кўради. Лекин энг улкан зарарни ҳасадчининг ўзи кўради. Чунки ҳасади унинг ўзини еб тугатади. XX асрнинг 30-йилларидаги қатағон даврида баъзи истеъдодли шоир ва адиблар ҳасад туфайли тухматга учраб, беҳуда ҳалок бўлиб кетганлар. Афсус! Абдулла Орипов ёзадилар:

*Қайлардадир фисқу фасод, ҳасад, хусумат,  
Инсоният фарзандларин тортмоқда дорга.*

Яъни, қаламкашларнинг бир-бирларини «со-тиш»ларига ҳасад ҳам сабаб бўлган. Бу сўзни англаш учун раҳматлик адабиётшунос олим Шерали Турдиевнинг «Танқид душман излаганда» туркум мақолаларини топиб ўқиш зарур.

## БУЮК ШОИРЛАР ҲАСАДДАН ОЗОР ЧЕККАНЛАР

Ҳазрат Алишер Навоий айтадилар:

*Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,  
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам,  
Кўзларни олишмоққа чекиб тийғи ситам,  
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзини ҳам.*

Яъни: «Жоҳиллиги ва нодонлигига ҳасад қўшиладиган жоҳил ва нодон киши ўзининг кўзида одамларнинг кўзидаги нурдан кўра кам нур бор, деб билса, у кўзларни алмаштириш учун жабр ва ситам тиғини ишга солади. Натижада, одамларнинг кўзини ҳам ўяди, ўзининг кўзини ҳам ўйиб, кўзсиз қолади».

Улуғ устозимиз Абдулла Орипов ёзади:

*Идроким борича яшадим фақат,  
Фаҳм этдим дунёни баимкон, қат-қат.  
Ёлғиз бир жумбоққа ақлим етмади:  
Қайдан туғилади, билмадим, ҳасад.*

Яна устоз «Тун манзаралари» деган шеърда: «Қушлар ухлайди, чексиз коинот мудрайди, «ёзувчилар» ухлайди, шабнам ухлайди, ҳукмдорлар, капалаклар, шикоятлар, арзлар, қотиллар, чақалоқлар, ракеталар, йироқ дунёлар ухлайди. Фақат бир нарса ухламайди – биргина ҳасад ухламайди», дейди:

*Фақат битта туйғу ухламас, бироқ,  
Унинг тўшагида мих бор тоабод.  
Уни қийнаб ётар омонсиз сўроқ,  
Фақат ухламайди биргина ҳасад.*

Яна «Ҳикмат садолари» туркумида айтади:

*Ҳасадгўй кимсалар – иблисга ҳамкор,  
Момиққа чўздилар фақат қўлларин.  
Эгасин кафанга айладилар зор,  
Дўзахга бурмоқчи бўлди йўлларин...*

Устоз Абдулла Орипов «Танланган асарлар»ига ёзган ҳасби ҳолида ҳам айтади: «Ҳасад деган балонинг ҳужумига жуда эрта дуч келдим. Буларнинг барчаси сатрларимда қандайдир шаклда акс этган бўлса, ажаб эмас. Чунончи, ҳажвий руҳдаги шеърлар ҳам қандайдир сунъий равишда яратилган эмас. Кўп қатори мени ҳам лақиллатган, алдаган одамларнинг сон-саногии йўқ. Ҳалигидай аччиқроқ шеърларнинг ёзилишига, албатта, ўшалар сабаб бўлган».

Сирожиддин Саййид айтади:

*Кимлар расадхона,  
Кимлар ҳасадхона қурмишдир...*

Ҳазрат Алишер Навоий айтадилар:

*Риёву ужбу ҳасад дафъин эт фано билаким,  
Кетар бу дору ила мунча мухталиф амроз.*

Яъни: «Риёни, хўжакўрсин учун бирор иш қилишни, ужб – манманлик ва худбинликни ҳамда ҳасадни фано мақомига эришиш билан, ўзингни дунёда йўқ санаш билан дафъ эт. Кўплаб хилма-хил дардлар, хасталиклар ана шу фано дориси билан кетади». Фано мақомига етмоқ ўз нафсидаги барча ёмон сифатларни тарк этмоқдир.

## ҲАСАДЧИНИНГ НАСИБАСИ

Ҳамма душманликлар, иғвою бўҳтонлар аввало ҳасаддан туғилади. Юқорида бу мавзуга тўхталдик. Абул-Футуҳ Аҳмад Ғаззолий ҳазратлари «Баҳрул-маҳабба» («Муҳаббат денгизи») китобининг «Ҳасад ҳақидаги фасл»ида ёзадилар:

Ҳазрати Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Олов ўтинни еб битиргани каби ҳасад ҳам мўъминнинг ҳасанотини еб битиради».**

Ҳасадчи Аллоҳнинг раҳматидан узоқдир. У яхшиликлардан маҳрум ҳолда тонг оттиради ва кун боттиради.

Ҳасадчи улуғ зот бўлолмайди.

Ҳасадчи инкор қилувчидир, чунки у якка Аллоҳнинг қазои қадарига рози бўлмаётир.

Ҳасадчи мушрикдир, унга мушрикларнинг гуноҳи бор, чунки у ўз Яратган Эгасининг берганига мункир бўлаётир.

Ҳасадчи ғамгин бўлиб яшайди ва ғамгин ҳолда ўлади. Ҳасадчи фақирдир ва Аллоҳнинг наздида ҳақирдир – хордир.

Ҳасадчининг аломати икки нарсадир: агар унинг олдида бўлсанг, сени ўзингга мақтайди, агар йўқ бўлсанг, сени ғийбат қилади.

Ҳасадчи жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидламайди.

Ҳасадчи куфрони неъмат қилувчидир ва қиёмат куни кечирилмайдиган шахсдир.

## ГУРУҲБОЗЛИК ВА МАҲАЛЛИЙЧИЛИКДАН УЗОҚ БЎЛИШ

Гуруҳбозлик ва маҳаллийчилик инсонни ноҳақлик ва адолатсизликка судраши мумкин. Гуруҳбозлик аслида «оломончилик»нинг бир кўринишидир. Тўғри, ҳар бир ижодкорнинг ўз самимий суҳбатдошлари, давраси, кўнгил тортар дўстлари бўлади. Бу табиий ҳол. Лекин инсонлар ёмонликда ва ноҳақликда бирлашсалар, гуноҳ, адолатсизлик, тубанлик ва эгри ишларда ҳамкорлик қилсалар, бундан адабиётга, жамиятга, халқ ва миллатга улкан зарар етади.

Ундан кўра хайрли ишларда мусобақа қилмоқ керак! Яхши ва савоб ишларда ҳамкорлик қилган авлодир! Нурли ва ҳақ сўз, кучли ижтимоий фаолият билан халқ, миллат ва инсоният манфаати йўлида хизмат қилмоқ лозим! Бирор-бир қавмни, жамоани ёки шахсни ёмон кўриши инсонни адолатсизлик қилишга тортмасин!

Ҳаётда баъзан бирор нарса хусусида гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб, талашиб-тортишиш ёки курашиш бор. Теран тафаккур қилинг-чи, курашаётган нарсангиз ҳақиқат ва адолат йўлими? Ўша нарса вақтни ва кучни сарфлашга арзийдими? Акс ҳолда, гуруҳларга, тафриқаларга бўлиниш халқни, жамиятни, инсониятни ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди.

Ижод оламида ҳар бир истеъдодли шахс мустақил Шахсдир. Истеъдод эса халқнинг мулкидир. Бас, ижодкор ўз шахсини майда, тубан ва беҳуда нарсаларга қурбон қилмасин!



## ШОН-ШУҲРАТ ВА ТАМАЪГА БЕРИЛМАСЛИК

Адабиёт, айниқса, шеърият шундай нарсаки, хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, шуҳрат қозонишга сабаб бўлаверади. Лекин ижодкор шуҳратнинг кетидан қувиб, енгил-елпи мавзуларга берилса, халққа, адабиётга, хусусан, ўз-ўзига катта зарар етказади. «Шуҳрат – офат» деган сўз бекорга айтилмаган. Бу сўзни Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари айтганлар. Энг муҳими, ижодкор асл истеъдод ва асл ижоддан келган шуҳратга кибр қилмаслиги керак. Ҳақиқий асарга фақат ижодкор яшаётган давр эмас, балки келажак даврлар ҳаққоний баҳони беради. Шундай қаламкашлар борки, ўзи ўлмай туриб, сўзи ўлади. Адабий муҳитда ва халқ орасида борлиги ёки йўқлиги маълум бўлмай қолади.

Ижодкор баъзи долзарб замонавий мавзуларга берилса, беихтиёр тамаъга берилади, тамаъга берилса, ўткинчи долзарб мавзуларга берилади. Долзарб мавзу деганда халқ, миллат, ватан тақдирига оид муҳим ва абадий мавзуларни эмас, балки сохта мафкурани олқишлайдиган, ўткинчи ва арзимас воқеликни улуғлайдиган, мавқели шахсларни кўпириб мақтайдиган мавзуларни назарда тутяпман.

Тамаъга берилган ижодкорнинг маънавий мувозанати бузилади, виждонида ихтилоф пайдо бўлади. Виждонга, ҳақиқатга, умуминсоний тамойилларга хилоф нарсаларни ёза бошлайди. Шундай қилиб, адабиётнинг ва қаламкашнинг обрўйини туширади, сўз санъатининг савиясига путур ет-

казади. Ҳақиқий ижодкор фақат нимани ёзишни эмас, балки нимани ёзмасликни ҳам билиши керак. Ҳақиқий қаламкаш фақат қандай ёзишни эмас, балки қандай ёзмасликни ҳам билиши керак.

## **УМРИНИ ИҒВОГАРЛИК ВА ТУҲМАТЧИЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЁТГАНЛАР**

Пойтахт адабий муҳитида шундай кишиларни учратдимки, улар умрини иғвогарлик ва туҳматчилик билан ўтказишни одат қилганлар. Бузуқ аёл илк қилмишидан хижолат чекиб, кейин ўз бузуқлигига кўникиб қолганидек, бу иғвогар шахслар ҳам ўз феълларига кўникиб кетишган. Ор йўқ, уят йўқ. Уларга Яратганнинг Ўзи кифоя қилмаса, оқил одам асло улар билан тенглашмайди. Улар мудҳиш қатағон йилларини эслатиб, сиёсий айб қўйишга ҳам уста!

Фақиҳ Абул-Лайс Самарқандий ҳазратларининг кўплаб сўзлари ҳикмат тусини олган. Чунончи, «Бўстон ул-орифийн» асарининг 31-бобида ушбу қуйма ҳикматлар тортиқ қилинган:

«Яхшиликдан олдин яхшилик қилиш – фазилят.

Яхшиликдан кейин яхшилик қилиш – мукофотлаш.

Ёмонликдан кейин яхшилик қилиш – олийжаноблик.

Ёмонликдан олдин ёмонлик қилиш – жабр-зулм, ноҳақлик.

Ёмонликдан кейин ёмонлик қилиш – тенглашиш.

Яхшиликдан кейин ёмонлик қилиш тубанлик ва бадбахтликдир».

## ВАТАН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ

Ижодкор учун фақат болалик хотиралари ёки маҳдуд туйғулари етарли мавзу бера олмайди. Ижодкор асл ватан фарзанди бўлиши, халқини буюк ғоялар билан таъминлаши, инсонларга юксак фазилатлардан сабоқ бериши учун ўз ватани, ўз халқи тарихини ўрганиши зарур. Тарих чексиз мавзулар манбаидир. Тарих абадий ибрат мактабидир. Лекин унутмаслик керакки, қаламкаш ҳар қандай тарихий асари билан замон аҳлига ўз долзарб-замонавий сўзини айтади. Тарихий асар – бу музей жиҳозлари эмас. Музейда кўпинча бугунги даврда истеъмолдан қолган ашёлар жамланади. Лекин ўша тарихий ашёлар замон аҳлига нималарнидир сўзлайди, нималарнидир гапиради.

Тарихий асар эса, хоҳ наср, хоҳ дoston, хоҳ шеър бўлсин, у давр аҳолисига ижодкорнинг айтаётган янги сўзи, замонавий хитоби, долзарб дардидир.

Ана шундай кенг имкониятга эга бўлиши, кенг мавзуларни қамраши, халққа ҳаққоният сўзини айтиши учун ижод аҳли ўз халқи, ўз ватани тарихини билиши шарт.

Ўз ватанининг шарафли ва шарафсиз даврларини билиш ва англаш шоир ва ёзувчига улкан ғоя ва кенг мавзулар беради.

Улуғ муаррих олим – марҳум Ҳамид Зиёевнинг 14 жилдлик Ватан тарихи асарларини ўқимай туриб, буюк Ватан тарихи, меҳри ва ғоясини қалбга жойлаштириш имконсиздир. «Туркистон Россия ва Чин оралиғида» деган асар бор. Ундан Шарқий Туркистон, Ғарбий Туркистон тарихини билиш,

кўҳна Хуросон тарихини ўрганиш орқали Жанубий Туркистон тарихини билиб олиш мумкин бўлади. Бўрибой Аҳмедовнинг тарихий асарларини ўқимай туриб, ватанпарлик ғоясига эга бўлиш маҳолдир. Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» асарини ўқимасдан туриб, ижодкор соғлом тарихий ҳақиқатларга соҳиб бўла олмайди. Муҳаммад Солиҳхожанинг «Таърихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асарини ўқимай туриб, янги босқинчилик даврининг мудҳиш ёвузликларидан хабардор бўла олмайсиз.

*Сўйласин Афросиёбу  
Сўйласин Ўрхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида  
Битта маржон, ўзбегим.*

*Қайсари Рум найзасидан  
Бағрида доғ узра доғ,  
Чингизу Боту тиғига  
Кўкси қалқон, ўзбегим.*

*Тузди-ю Мирзо Улуғбек  
Кўрагоний жадвалин,  
Сирли осмон тоқига илк –  
Қўйди нарвон ўзбегим.*

Бу сатрларни битиш учун қанча тарихий ҳақиқатлардан хабардор бўлиш керак!

Сарбаст шеърятнинг илк асл намуналари «Олтин ёруқ», «Дулбаржин», «Хўби битик», «Ўрхун-Энасой битиг»ларида мавжуд эди.

Миркарим Осим ва Ойбекнинг тарихий асарлари, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна

дунё» асарлари, Пиримқул Қодировнинг Бобур ва Бобурийлар ҳақидаги туркум китоблари фақатгина ватан тарихини билишнинг маҳсули эмас, балки ватанни севишнинг, миллат муҳаббатининг маҳсули ҳамдир.

## ИЖОДКОРНИНГ СЎЗ БОЙЛИГИ

Асл истеъдод эгаси ўз асарларида ҳар бир қаламкаш ишлатиши мумкин бўлган сўзларни айлантириб юравермаслиги керак. Бундай сўзларни «навбатчи» сўзлар деймиз. Яъни, булар навбати билан ҳар бир қаламкашнинг ижодида кезиб юрадиган сўзлардир. Ижодкор сўз бойлигига жуда диққат қилиши лозим. Шоир ҳар бир шеърида, носир ҳар бир ҳикоя, қисса ёки романида бошқалар ишлатмаган кўплаб сўзларни ишлатишни билиши даркор. Бунинг учун қаламкаш тарихни билиши, халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланиши, маърифий адабиёт ва мумтоз шеърият сўз хазиналаридан зарур миқдорда истифода этиши лозим. Мумтоз шеъриятни, жаҳон адабиётини, тасаввуф манбаларини ўқимайдиган ёки кам ўқийдиган ижодкорнинг сўз ғазнаси ғариб бўлади. Адабиёт сўзга жон бағишламоқдир.

Ҳар бир қалам соҳибининг ўз овозини – ўзи, сўзлардан фойдаланиш услуби, мухтасар айтганда ижодий тили белгилайди. Дейлик, бирор шоир ёки носирнинг асаридан парча ўқиганимизда асар соҳибини билмасак ҳам, унинг бизга таниш овозини, қалами аллақачон очган йўлини таниймиз ва муаллифнинг кимлигини билиб оламиз. Бундай муваффақиятга эришган ижодкорнинг ўзи ҳам,

сўзи ҳам ўзига хос ва ўлмас бўлади. Зеро, ўзбек тилидаги ҳамма ишлатган сўзларни ишлатганда ҳам асл ижодкор ўз овозини ярата олади.

### **«ЙИҒЛАМОҚ»НИНГ ЕТТИ ХИЛ ШАКЛИ...**

Ҳазрат Навоий «Муҳокамат ул-луғотайн» («Икки тил муҳокамаси») асарида: «Шеърнинг биноси – иморати ва мадори, яъни таянчи ишққа (ишқи Илоҳийга) боғланади, ошиқликда эса йиғламоқдан кўра умумийроқ ва доимийроқ иш йўқдир ва унда танаввуъ – хилма-хиллик, навларга бўлиниш бор», дейдилар ва «йиғламоқ»нинг етти хил шаклини тизиб келтирадилар:

1. «Йиғламоқ» – умумий, қамровчи ифода.
2. «Йиғламсинмоқ» – кўзга ёш келмай йиғламоқ.
3. «Инграмоқ» – дард билан яширин, оҳиста йиғламоқ.
4. «Синграмоқ» – бу ҳам дард-алам билан яширин йиғламоқдир, иккисининг орасида тафовут олдир.
5. «Сиқтамоқ» – йиғлашда муболаға қилмоқдир.
6. «Ўкурмоқ» – баланд товуш билан, эътидолсиз, яъни ҳаддан ортиқ йиғлаш.
7. «Инчқирмак» – «ўкурмоқ»нинг муқобилидаги бир йиғи бўлиб, инжа товуш билан йиғламоқдир.

Алишер Навоий бу сўзларнинг ҳар бирига туркий байтларни мисол келтирадилар. Бугунги кунда бу сўзларнинг қайси биридан воқифмиз?

Қизиқ бир маълумот. Кўпгина адабий сўз ва атамалар қатори «Абу» сўзи ўзбек адабий тилида IX–X асрлардан бошлаб туркий сўз ва атамалар билан

ёнма-ён, гоҳо уларнинг ўрнида қўлланила бошланган. Масалан, ҳазрати Алишер Навоий қуйидаги шеърини байтида «бобо» сўзи ўрнида арабча «жадд» сўзини ва «ота» сўзи ўрнида «аб» сўзини қўллаганлар ҳамда ажиб бир сўз ўйини, фавқулодда бир сўз санъатини вужудга келтирганлар:

*Дегач абжад, бошиға уйрулурлар –  
Қамар бирла қуёш, яъни жаду аб.*

Қарангки, буюк шоир «абжад» сўзини иккига бўлиб, ундан «жад» ва «аб», яъни «бобо» ва «ота» сўзларини чиқарганлар.

## НАВОЙНИНГ СЎЗ ХАЗИНАСИ

Ҳазрат Навоийнинг ўн беш жилдлик асарлар тўпламига илова сифатида нашр этилган «Навоий асарлари луғати»дан ўн икки минг беш юзга яқин сўз ва саккиз мингдан ортиқ иборалар ўрин олган. Демак, луғатда жами йигирма минг беш юздан ортиқ сўз ва иборалар жамланган. Мазкур қомус ҳам тўрт жилдлик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да йиғилган сўз ва иборалар ҳар ким ҳам тушуна олмайдиган, хусусан, халқ оммаси англаши қийин бўлган сўз ва иборалардан иборатдир. Лекин энг ажиб маълумот шуки, 1939 йилда Москва шаҳрида Навоий таваллудининг 500 йиллик анжуманига ҳозирлик ишлари бошланган ва Тошкентда Тил ва адабиёт институти Навоий асарларининг мукамал луғатини тузиш учун махсус ҳайъат ташкил этган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (яъни, шу баҳона билан) жамоа тарқатиб

юборилиб, иш тўхтаб қолган. Лекин бу ҳайъат Навоий асарларидан 200 000 (икки юз минг)га яқин сўз ва шу сўзлар ишлатилган матнларни йиғиб чиққан.

Алишер Навоий сўз хазиналарини йиғишда Толиъ Имоний Ҳиравийнинг XV аср охирларида тузилган «**Бадоиъул-луғат**»и, XVI асрда Туркияда тузилган «**Абушқа**» асари, XVIII асрда Мирзо Меҳдихон томонидан тузилган «**Санглох**» луғатларидан истифода этилган. Луғат – давр кўзгуси, қалб бойлиги, миллатнинг жавоҳирлар хазинасидир. Мумтоз шоирлар асарларининг луғати ҳозирги замон луғатларимизга кирса, ижод аҳлининг имконлари янада кенгаяди.

## **ИНСОНИЯТ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУР**

Менинг ёш, севимли дўстларим билсинларки, «ижодкор» деганда камина асл истеъдод соҳибларини назарда тутмоқдаман. Ҳақиқий истеъдод эгаси тафаккур ва тушунчада маҳдуд шахс бўлмаслиги керак. Ҳақиқий ижодкор коинотнинг яралиши ва Абул-башар, яъни башариятнинг отаси бўлмиш Одам алайҳиссаломнинг яралишидан бошлаб, инсоният тарихини, маданиятлар, адабиётлар, динлар ва тиллар тарихини яхши ўрганиши зарур. Бу билими қаламкашни кенг тафаккур юритишга, мавзу қамровининг кенг бўлишига имкон пайдо қилади.

Тасаввур қилинг, агар буюк олмон шоири ва адиби Йохан Вольфганг Гёте Қуръонни, ҳазрати Пайғамбармиз алайҳиссалом ҳаётларини ва шарқ



маданиятини ўрганмаганда эди, неча-неча маърифий туркумларини, хусусан, «Ғарбу Шарқ девони»-ни ёза олмаган бўлар эди. Ҳолбуки, бу асари Гётени жаҳон минбарига олиб чиққан ўлмас асардир. Агар буюк рус шоири Александр Пушкин фаранг тилида бўлса ҳам Қуръони карим маънолари таржимасини ўқимаганда эди, «Подражания Корану» («Қуръон илҳомлари») туркумини ёзмаган бўлар эди. Ҳолбуки, бу туркум Пушкин ижодининг гултожидир.

Ҳазрат Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳаким зотлар тарихи») асарида туркий халқларнинг Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Ёфас пайғамбар алайҳиссаломдан тарқаганини айтадилар ва у зотни Абут-турк (Туркий халқларнинг отаси) деб атайдилар.

Бу сўзимнинг қисқа изоҳи шуки, инсоният тарихи пайғамбарлар ва динлар тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Такрор айтаман, дунёдаги бирор қавмни ёмон кўриши инсонни, ижодкорни адолатсизлик қилишга ундамаслиги керак. Қалб адолати, кенг билими, бағрикенглиги, инсонсеварлиги, шубҳасиз, ижодкорни жуда юксак чўққиларга олиб чиқади.

Тарих бошдан-охир ибратдир. Лекин ундан ҳаққоний ибрат олувчи борми?

## **ЖАҲОН СИЁСАТИНИ БИЛИШ ЗАРУР**

Жаҳон сиёсатини билмаган ижодкор дўст ким, душман ким – била олмайди. Ўз ватани, ўз халқи, ўз миллатининг ҳақиқий дўсти ким, ашаддий душмани ким – буни билиш учун дунё сиёсатини билиш зарур. Дунё сиёсий хариталари қандай чизилган, унда инсонпарвар, тинчликсевар мамлакатларни

бир-бирига боғлаб турадиган қуруқлик йўллари кўрсатилганми? – Буни англамаган ижодкорнинг қалб кўзи боғлиқдир.

Ҳар бир жабҳада сизга ўргатилмайдиган, ҳар бир тафаккурли қаламкаш ўз фаросати, ўз заковати билан билиб олиши зарур бўлган ҳақиқатлар бор. Қаламнинг қоғоз устида тўғри юриши, ижодкор ўз виждонига мувофиқ яшаши учун жаҳон сиёсатини асл ҳақиқатлари билан билиш зарур. Зеро, ушбу мудом ҳаракатда бўлган жаҳон сиёсати уммонида қалам тутган ҳар бир зот зийрак кемачидек сергак бўлиши лозимдир.

## **МУМТОЗ АДАБИЁТНИ КЎП ЎҚИШ ВА АНГЛАШ ЗАРУР**

Мумтоз адабиётни ўқиб ўрганишда қалам аҳли учун улкан фойда ва истиқболлар бор. Мумтоз шеърят икки қисмдан: мажоз ва ва ҳақиқат тариқидан иборат. Мажоз тариқида сўз, истилоҳ ва иборалар кўчма маънода ишлатилади. Ҳақиқат тариқида эса ҳамма нарса ўз ҳақиқий номи билан юритилади.

Яқин-яқингача Навоийнинг беш дostonдан иборат «Хамса» асарини ўқимаган киши тасаввуф арбобларининг даврасида ўтира олган эмас. Ҳазрати Муҳаммад Фузулий, ҳазрати Махтумқули, у зотнинг оталари Давлат Муҳаммад Озодий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бобораҳим Машраб – ҳаммалари Навоийнинг ижод денгизидан баҳраманд бўлган зотлардир. Огаҳий ёзадилар:

*Огаҳий, ким топғай эрди созу назмингдин наво,  
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин санго!*

Бугунги кунга келиб, Навоийдан, Фузулийдан, Ҳофиз Хоразмийдан, Машрабдан, Огаҳийдан узоқлашган бир қавм пайдо бўлди.

Мумтоз адабиётни кўп ўқиш ва кўп билишда қуйидаги фойдалар мавжуд:

1. Мумтоз шеърятни ўқиган киши, шубҳасиз, маърифат ҳосил қилади, дунёқараши, тушунчаси кенг ва соғлом бўлади. Тасаввуф сирларидан хабардор бўлади.

2. Сўз бойлиги ортади, луғат хазинаси кенгаяди, ижоднинг теран маънолар касб этишига замин ҳозирланади.

3. Шеърини санъат турларидан, хусусан, аруз оҳангларидан баҳраманд ва огоҳ бўлади. Ҳаққоний сўз санъатини ҳис этиб яшайди.

4. Ўткинчи нарсалардан, сохта мафкуралардан узоқ бўлади. Абадий мавзуларда қалам тебратиш имконини қўлга киритади.

5. Инсонларга эслатма бўладиган ҳикматли сўз айтиш санъатини ўрганади.

6. Қалби ҳақиқат нури билан жилоланади, ҳақ сўзни гўзал услуб билан айтиш қобилияти тарбият топади.

7. Руҳида ўхшаши йўқ кўтаринкилик пайдо бўлади. Руҳланади ва қўлига қалам олади.

Бир вақтлар китоб чиқариш дегани ҳар бир ижодкор учун энг улкан орзу, энг шарафли неъмат ҳисобланар эди. Энди мактабда ўқийдиган йигит-қизларнинг ҳам китоби нашр этиладиган, шеърлари газеталарда бемалол чоп қилинадиган бўлиб қолди. Бу ҳол уларни юзаки тафаккур ва юзаки мавзуларга ўргатапти. Энг ёмони, баъзи ёшлар

ёш пайтидан тамаъга гирифтор бўляпти. Ҳолбуки, китоби чоп бўлгани билан бир инсон шоир ёки ёзувчи бўлиб қолмайди. Ҳақиқий қаламкаш йиллар чиғириғидан саломат ўтган қаламкашдир. Бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини вақтида олмақ учун ҳам мумтоз адабиёт мутолаасининг аҳамияти беқиёсдир.

### ЖАҲОН АДАБИЁТИНИ КЎП ЎҚИШ ВА ЎРГАНИШ ЗАРУР

Бу гапни ижодга алоқаси бўлган ҳар ким айтиши мумкин: «Жаҳон адабиётини ўқинг!» «Жаҳон адабиётини кўп ўқинг!» – жуда жўн ва оддий гап бу. Лекин ҳаётимизда бу жўн гапнинг татбиқоти қандай? Бу гапга амал қиляпмизми ёки ўз маҳдуд ҳаётимиз билан масрур бўлиб юрибмизми? Тилла балиқчага ўхшаб, дунёни бир кўлмак ҳовуздан иборат деб билияпмизми? Устоз Абдулла Орипов ёзган эди:

*Дунёда кўргани шу тор ҳовузча  
Ва гавжум толларнинг аччиқ хазони.  
Менга алам қилар, тилла балиқча  
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни!..*

Қаранг, ўзи тилла балиқча бўлса-ю, дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билса! Истеъдоди тилладек қимматли бўла туриб, дунёқараши маҳдуд бўлган шахс ўша тилла балиқчага ўхшашдир.

Жаҳон адабиётидан хабардор киши ўз масканида туриб, бутун дунёни кезиб юрган киши каbidир.

Жаҳон адабиётини ўқийдиган қаламкаш ўз ижод мезонини юксак тарзда белгилайди, куй пардасини юқори олади, даражани баланд тутуди; мажозан айтганда, осилса – баланд дорга осилади! Натижада, маҳдуд нарсаларни ёзишдан тийилади.

### **«ХАЛҚНИ ЎЗ ЎЛЧОВИНГ БИЛАН ЎЛЧАМА...»**

Адабиётнинг мистоқи (объекти) инсондир! Ер юзида қанча инсонлар, қанча халқлар, қанча миллатлар, эл ва элатлар бор! Ҳар бир миллатнинг ўз яшаш тарзи, ўз тафаккур равиши, ўз зоҳир ва ботин олами бор! Адабиёт инсоният қалбининг хазинаси, башарият руҳининг манзарасидир. Адабиёт танишув ва дўстлашув манбаидир!

Лекин ўқишда ҳам ўқиш бор. Танлаб ўқишни билиш керак. Таржима қилганда ҳам ўз миллий руҳига таяниб, танлаб таржима қилиш керак. Инсон ахлоқини бузадиган, шаҳватга, бузуқликка, беҳаёликка асосланган адабиёт асло адабиёт эмас!

Агар киши асл нусха тилини яхши билса, ўша тилда, дейлик, инглиз, рус, немис, япон, хитой тилида ўқигани яхши. Агар тил билмаса, ўз она тилимизга таржима қилинган мумтоз асарларни танлаб ўқиганимиз яхши.

Фаридуддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» номли беназир асарида Шайх Абу Али Даққоқ раҳматуллоҳи алайҳнинг ушбу сўзларини келтирадилар: «Халқни ўз ўлчовинг билан ўлчама, аммо ўзингни эранлар – улуғ авлиёлар ўлчови билан ўлчаб, текшир; токи уларнинг фазлию ўзингнинг тубанлигингни билгайсан!»

## «ЛАҲВАЛ-ҲАДИС»НИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЪВИЛИ

Ўрни келганда, мақсадни очиқлаш учун ояти карималар ва ҳадиси шарифларнинг маъноларидан ҳам фойдаланамиз. Қуръони каримда бевосита адабиётга тегишли улуғ бир ояти карима бор. Унда «лаҳвал-ҳадис»ни, яъни беҳуда, пуч сўзни сотиб олувчиларнинг оқибати билдирилади.

Луқмон сураси, 6-оят маъноси: **«Шундай инсонлар ҳам борки, (дин ҳақида) бирор билими бўлмай туриб (одамларни) Аллоҳнинг йўлидан оздириш ва уни (у йўлни) масхара қилиш учун беҳуда сўзларни сотиб олур (ва ўқир ёки эшитиб, томоша қилур). Ана ўшалар учун хорловчи азоб бордир».**

«Файзул-Фурқон» китобида бу ўриндаги **«лаҳвал-ҳадис»**, яъни **«беҳуда сўз»** – «иймон ва диёнатга зид бўлган, шаҳватга ундайдиган тарзда ёзилган ёки ўқиладиган роман, қисса, ҳикоя, қўшиқ, шеър, дoston каби нарсалардир» деб таъвил қилинган.

Биз – Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд, Абул-Лайс Самарқандий каби улуғ зотларнинг маънавий ворислари ва авлодлари бўлган инсонлар адабиётда, сўз санъатида беҳуда сўздан сақлансак, бу ишимиз ўз буюк аждодларимизга бўлган ҳурмат ва муҳаббатимиз ифодаси бўлади. Асарларимиз ҳам узоқ умрли асарлар бўлади.

## НОМУС ВА ИФФАТ ФОЖИАСИ

Номус масаласи бизнинг миллий масаламиздир. Номус масаласи қадимий шарқ халқларида жон масаласи каби муҳим саналган. Бизнинг халқимизда номусни бой бериш ўлим билан баробар бўлган.

«Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз» романлари ёзилганига қарийб бир аср бўляпти. Икки асарда ҳам номус, ҳаё, ибод, вафо каби оламшумул ва миллий туйғулар таълимини топиш мумкин. Лекин салкам юз йиллик «замонавий» ўзбек адабиётида қиз боланинг номуси масаласи алоҳида мавзу қилиб кўтарилган эмас.

Ҳаёт ва ўлим каби муҳим ҳисобланган бу мавзу колумбиялик улуғ адиб Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Ошкора қотиллик қиссаси» асарида қаламга олинган. Бу қадимий мавзу ўз замонавийлиги билан адабиётни бойитди.

Бир денгиз ўз ички тўлқинлари, ўз махлуқот олами, ўз шафқат ва ваҳшийликларига эга бўлганидек, бу мўъжаз қисса ҳам номус масаласидан бошқа маънавий-фожиавий мавзуларга эга. Епископга бўлган муносабатларда тагидан емирилиб, хароб бўлган насронийликнинг мусибатлари яширилган. Аммо бош мавзу – **қиз чиқмай, тўйнинг биринчи кечасидаёқ онасининг уйига қайтариб элтиб ташланган келин** ва орият туфайли жувоннинг эгизак акалари содир қилган қотиллик масаласидир. Шармандаи шармисор бўлган келиннинг онаси – ҳаёт ва ўлим орасида изтиробли умр кечирган бир шўрлик.

Маҳкамада қайд этилган умидворлик сўзлари: **«Қотиллик инсон шаънини ҳимоя қилиш учун рўй берган».**

**«Бу иффату номус масаласи, унга алоқаси йўқларнинг аралашуви ножоиз»...**

Икки қассоб йигитнинг кўнглида ўз қотилликлари бирор зарра пушаймонлик ва надомат уйғотмайди: «Жавобгар ака-укалар маҳкамадаги сўнгги сўзларида, агарда номуслари топталиб, яна минг марта шундай вазият туғилса, яна минг марта шу ишларини (қотилликни) такрор қилажакларини» айтишади.

Ҳибсхонада ҳам... **«ҳеч ким уларнинг пушаймон чекканини ё тавба қилганини сезмади».**

### **ДЕНГИЗЛАР ОРТИДА ЯШАГАН АДИБ...**

Габриэль Гарсиа Маркес – денгизлар ортида яшаган бир адиб. Номус мавзуйи, айниқса, бизнинг шарқ ва ўзбек адабиётимиз мавзуйи эди-ку! Номус масаласи аслида фитрати бузилмаган ҳолатдаги бутун дунё халқларига хос масаладир. Аммо кўп эллар бу инсоний хислатга лоқайд бўлиб кетаётгани ҳаммага маълум. Менимча, ёзувчи номус мавзуйини асарда зикр қилинган араблар ва юз йиллар давомида уларнинг таъсирида яшаган испанлар ҳаётидан ўрганган.

Дунёнинг ҳар ерида фаҳш ва разолат оддий ишга айланиб қолган, фоҳишалар бозори пойтахт марказларигача ишғол этган, пинҳона «номус ямоқчилиги» билан шуғулланадиган «пардоз ва гўзаллик салон»лари яшнаб турган, «Ночной бар»лар ниқобидаги исловатхоналар тобора кўпайиб бораётган, коллежларда номус бузилиши меъёрдан ошган, миллат ахлоқини бузиш, халқнинг маънавиятини хароб қилиш, одамларни дину диёнатдан айириш



«учинчи қўллар» тарафидан режали суратда олиб борилаётган бугунги кунда номус масаласи энг долзарб ҳаётий масаладир.

Кўп такрорлайдиган сўзимиз: **«Инсонни бузуқликка, ёмонликка, шаҳватга, разолатга, ёвузликка ундайдиган адабиёт асло адабиёт эмас».** Бу услуб инсонларга эрмак учун, уларни чалғитиш ёки эътиборини жалб этиш учун ёхуд одамларнинг туйғуларини бузиш учун қўлланиб келинган. Менимча, Мопассан асарлари ҳар қанча «буржуа ахлоқини фoш этган» деб талқин қилинмасин, дунёдаги одамлар ундан бузуқликдан бошқа нарсани ўрганмайди. Ғафур Ғулом:

*«Жавонда Мопассан томи йўқолса,  
Билиб билмасликка олишим мумкин...»*

– дея бекорга ёзмаган.

«Ошкора қотиллик қиссаси»ни шоир Тоҳир Қаҳҳор маҳорат билан тилимизга таржима қилган. Камина бу қиссани бир вақтлар «Лотинская Америка» журналида («История одной смерти, о которой знали за ранее» деган узунроқ ном билан) ва яна машҳур «Новый мир» ёки «Дружба народов» журналида («История объявленной смерти» деган қисқароқ ном билан) ўқиганман. Агар Габриэль Гарсиа Маркес мазкур асарни ўзбек тилида ёзса эди, бундан ортиқ қилиб ёза олмас эди.

## **ТАРЖИМА САНЪАТИНИНГ ГЎЗАЛ СИРЛАРИ**

Таржима – ҳар бир мутаржим учун мустақил ижод туридир. У бегона бир шоирнинг фикр ва туйғуларини ўз фикр ва туйғулари каби ўз халқига тақдим этади. Шеърый таржимада асл нусха мазмунини сақлаган ҳолда асарнинг руҳини бериш муҳим бўлса, насрий таржимада асарнинг мазмунини ҳам, руҳини ҳам сақлаш зарурдир.

Ҳадисшунослик илмида бир қоида бор: жаҳон олимлари томонидан ҳадиснинг маъносини сақлаш муҳимлиги қабул қилинган. Бунга сабаб шуки, бир муборак ҳадисни бир нечта ровий баён қилган бўлиши мумкин. Баъзан ровийлар баёнидаги сўзларда фарқлар учраб қолади. Шунинг учун олимлар: «Сўзни сақлаш муҳимми ёки маъноними?» – деган саволга жавобан: «Баёнда маънони сақлаш муҳим», деган тўхтамга келганлар.

Ана шу қоида адабий таржимага ҳам тегишлидир.

## **УЧ УЛУҒ ЗОТНИНГ ТАРЖИМА МАКТАБИ**

Туркий-ўзбек адабиётида чинакам таржима мактабини барпо қилган уч улуғ зот бор: Муҳаммад Ризо Огаҳий, Усмон Носир, Эркин Воҳидов.

Айниқса, ҳазрати Огаҳий асл санъаткор таржимонларнинг сардори, улуғ маърифат карвонининг сарбонидирлар! Ўз замонасининг Маликул-каломи – Сўз султони бўлган Мавлоно Лутфий атоқли муаррих Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»

асарини форсийдан туркийга ўн минг байт билан назмий таржима қилганлар. Лекин ҳазрат Навоий айтганларидек, «Баёз»га, яъни оққа кўчириб китоб қилмаганлари учун халқнинг эътиборига тушмай қолган. Бу ҳақда ҳазрат Навоий «Мажолис ун-нафос» асарида хабар берганлар.

**Ҳазрати Муҳаммад Ризо Огаҳий** – Шарқ оламининг йигирмадан ортиқ шеърини ва насрий асарларини, жумладан, Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо», «Саломон ва Абсол», Зайнуддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарларини туркий-ўзбек тилига ўгириб, тенгсиз таржима мактабини барпо этдилар. У зот ҳазрат Навоийдан кейин энг кўп ва ҳўб маънавий мерос қолдирган адиб сифатида тарихда қолдилар.

**Усмон Носир** – Александр Пушкиннинг «Боқчасарой фаввораси», Юрий Лермонтовнинг «Демон» асарлари таржимаси билан ўз беназир мактабини барпо қилди.

**Эркин Воҳидов** эса – Гётенинг «Фауст» асари, Сергей Есенин, Александр Блок, Михаил Светлов шеъриятидан қилган нодир таржималари билан, шубҳасиз, янги таржима мактабини бунёд этди.

Бас, мазкур зотларнинг, жумладан, Усмон Носирнинг мутаржимлик санъати ҳам адабиёт оламида очиб берилмоғи керак. Чунки Усмон Носирнинг таржимонлик санъати мутахассислар томонидан етарли баҳоланган эмас. Бу алоҳида ўрганиладиган мавзудир. У янги давр ўзбек шеъриятида беназир таржима мактабини барпо қилган зотдир. Усмон Носир – Пушкин ва Лермонтовдек буюк шоирларни ўзбекча куйлатган шоир! Агар улар «Боғчасарой

фаввораси» билан «Демон»ни ўзбекча ёзсалар эди, ана шу таржимадагидек ёзар эдилар. Пушкиннинг «Боғчасарой фаввораси»дан:

*Қовоқ солиб ўлтирар Гарой,  
Лабларида қаҳрабо чилим.  
Даҳшатли хон атрофида жим  
Бош эгиб, тек турарди сарой.*

Лермонтовнинг «Демон» достонидан:

*Қувғинди руҳ, қайғули Демон  
Гуноҳкор ер узра учарди.  
Масъуд кунлар хаёли шу он  
Кўз олдидан бир-бир ўтарди...*

Усмон Носирнинг таржима санъати эшикларини биринчилардан бўлиб мутафаккир аллома Иброҳим Ғафуров очди. Унинг таржимада «асл нусхадаги руҳ ва ширани сақлашга уринган»ини, шеърда «айнан таржима»нинг моҳирларидан эканини у киши овоза қилди.

Бас, жувонмарг шоирнинг мутаржимлик санъати адабиёт оламида янада теранроқ очиб берилмоғи керак. Бу янги таржимонлар авлоди учун ибрат мактаби бўлажакдир.

## **ТИЛЛАРНИ БИЛУВЧИ КЎПАЙДИ, АММО...**

Бир халқнинг тилини билган киши ўша қавмнинг фитнасидан сақланади.

Ҳозирги даврда инглиз, хитой, корейс, турк ва бошқа тилларни билувчилар кўпайди. Натижада,

таржима билан шуғулланувчи шахслар ҳам кўпаймоқда. Бу бир жиҳатдан яхши. Лекин уларнинг таржимасини ўқисангиз, улар ўзбек тилини яхши билмасликларини англаб қоласиз. Албатта, улар ўзбек хонадонида туғилиб ўсган, мактаб ва бошқа ўқув юртларида ўзбекча ўқиган. Лекин ўзбек тилининг ифода қоидаларини, услубий хусусиятларини, луғат бойликларини яхши ўрганган эмас. Таржимада бегона тилнинг услубларини қўллаётганлари сезилади.

## **ТАСАВВУФ АДАБИЁТИНИ, НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУР**

Тасаввуф адабиёти башарият маънавий камолотининг олий нуқталарини ўзида акс эттирган юксак адабиётдир. Тасаввуф адабиёти инсонга маънавий ҳаёт бахш этадиган, уни руҳий юксакликларга чорлайдиган, қалбни бойитадиган, ақлни нурлантирадиган, шуурни уйғотадиган, замирни ҳикматга тўлдирадиган ҳаётбахш адабиётдир.

Аслида ҳазрат Навоийнинг беш дostonдан иборат «Хамса» асари тасаввуфий адабиёт намунасидир. Яқин-яқингача, аниқроғи, XX асрнинг 80-йилларигача «Хамса»ни, ҳеч бўлмаса, «Ҳайрат ул-аброр» дostonини ўқимаган киши тасаввуф арбобларининг даврасидан ўрин ололган эмас. Яъни, маънавият дарғалари суҳбатида ўтиришга уларнинг маънавий ҳаққи бўлмаган. Демак, мустамлака даври маърифий шеърини вакилларининг савияси шу қадар юксак, талаби шу қадар кучли бўлган.

Мустамлака даври тасаввуф шоирларидан бўлган Фақирий Шаҳрисабзий тўққиз ёшларида Наво-

ий асарларини ўқийдиган бўладилар. Ҳолбуки, Навоийни тушуниш учун туркий-ўзбек тилини пухта билиш билан бирга, араб ва форс луғатларидан ҳам хабардор бўлмоқ зарур. Сўнгроқ Навоий ва Фузулий шеърятини теран ўрганганлар, ҳазрат Навоийнинг «Хамса» дostonларидан баҳра олганлар. Шоир Йўлдошхожа Доғийнинг Наманган шаҳридаги кутубхонасидан вафотларидан сўнг Алишер Навоийнинг «Хамса» асари топилган.

Эшон Қутбуддинхон ибн Муҳйиддинхон (марҳум шоир Абдували Қутбиддиннинг боболари) нақшбандия сулукининг муршиди бўлиш билан бирга, буюк луғатшунос олим ҳам бўлганлар, шўро истибдоди даврида илмий ишни ёқлаб, фан номзоди бўлиб, тўрт жилдлик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»ни тузишда фидойилик кўрсатганлар. «Хамса» («Беш дoston») асари луғатини тузиб, яна «Мажолисун-нафоис», «Лисонут-тайр» асарларининг луғатларини тузишда иштирок этганлар, форсий, арабий, туркий сўз, ибора ва байтларнинг изоҳи ва талқинини берганлар. Ҳолбуки, муҳташам ва беназир «Хамса» асари луғатини тузиш учун тил билишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки Қуръон маърифати ва ҳадис оламидан ҳам хабардор бўлиш шартдир.

## ГЎЗАЛ МАНБАЪЛАР

Ҳазрати Фаридуддин Атторнинг ягона насрий асари – «Тазкират ул-авлиё» ва қатор дostonлари, Абул-Футуҳ Аҳмад Ғаззолийнинг Юсуф қиссаси асосидаги «Баҳрул-маҳабба» («Муҳаббат денгизи») асари, Хожа Муҳаммад Порсонинг «Фаслул-хитоб»

асари, Абул-Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Хожа Нақшбанд» китоби, Хожа Ҳофиз Шерозий девони, Шайх Саъдий «Гулистон» ва «Бўстон»и, Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари, Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс» асари, Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган «Искандар Хирадномаси» ҳамда «Юсуф ва Зулайҳо» дostonлари, Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асари, «Лисонут-тайр», «Руҳул-қудс» дostonлари, Саййид Қосимийнинг Илоҳий ишқ дарж этилган манзумалари, Иброҳим Ҳаққийнинг турк тилидаги «Маърифатнома» назмий асари, Бедил, Машраб, Огаҳий ижод олами, Гётенинг «Шарқу Фарб девон»и, Александр Пушкиннинг «Подражания Корану» («Қуръонга эргашув») туркуми – бу асарларни ўқимай ва англамай туриб юксак мақомдаги ижодкор бўлиш имконсиздир.

Ёш қаламкаш дўстларим мени кечирсинлар, камина мазкур манбалардан, тасаввуф адабиётидан бебахра инсонларни, ҳатто шижоат билан адабиётга кириб келаётган энг истеъдодли шоирларни ҳам маънавий қашшоқ ҳолда кўраман...

### **«МАЪРИФАТНОМА» МАНЗУМАСИДАН БАЙТЛАР**

*Не давлатдирки, дилдорим Сен ўлдинг,  
Анису муънису ёрим Сен ўлдинг.  
Дили пурдариминг дармони Сенсан,  
Шифойи жони беморим Сен ўлдинг.  
Менга хасм ўлса олам халқи, ғам йўқ,  
Не қўрқув! Чун нигоҳдорим Сен ўлдинг!  
Сафолар, гар жафолар топса жоним,*

*Рафиқи жумла атворим Сен ўлдинг.  
 Санга дил бермишам, эй жони олам!  
 Азалдан чунки дилдорим Сен ўлдинг.  
 Десам исми шарифинг ё демасман,  
 Дилимда жумла гуфторим Сен ўлдинг.  
 Сенга таъзим этар дилларда Ҳаққий,  
 Дер: инкорим йўқ, иқрорим Сен ўлдинг!..*

## МАЖОЗ ВА ҲАҚИҚАТ

Баъзи туркий мамлакатларда девон санъати-га асосланган мумтоз адабиёт «Девон адабиёти» деб юритилади. Девон адабиёти дегани, баъзилар ўйлагандек, сарой адабиёти ёки сарой шеърляти деган маънода эмас, балки, бизнинг тушунча-миздаги мумтоз адабиёт деган маънодадир. Девон адабиёти XI асрда Мовароуннаҳрда (бугунги Ўзбекистон заминиди) Қорахонийлар салтанати даврида бошланган, исломий маданиятдан баҳра олган, Куръони карим ва ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган маърифий адабиётдир. Бу мумтоз адабиёт «Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир» деган ҳикматга асосланади; яъни мажоз йўли билан ҳақиқатни куйлайди, мажозий муҳаббатни баҳона қилиб, илоҳий ишқни тараннум этади.

Тасаввуф адабиёти шоирлари икки йўналишда – мажоз ва ҳақиқат тариқиди ижод қилганлар. Мажоз тариқи вакиллари сўз ва истилоҳларни кўчма маънода қўллайдилар. Лекин мажоз санъатида сўзнинг ҳақиқий маъноси тарк этилган бўлиши мумкин эмас, балки мажознинг ортида сўзнинг ўз ҳақиқий маъноси туриши шарт қилинган («Ғиёсул-луғот»). Шунинг учун ҳазрат Навоий айтадилар:



*Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема –  
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.*

Мавлоно Лутфий, Шайхзода Атоий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Муҳаммад Ризо Огаҳий – то XX асрнинг 80-йилларигача етишган тасаввуф шоирлари мажоз тариқида ижод қилганлар.

Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Аллоҳёр, Бобораҳим Машраб, Махтумқули, Ҳазиний, Ҳувайдо сингари мумтоз шоирлар ҳақиқат тариқида ижод қилганлар. Лекин Машраб шеъриятида мажоз тариқидаги ғазаллар ҳам жуда кўп.

Ҳақиқат тариқи сўз санъаткорлари мавзулари ошкор, дунё ва охиратни ўз номи билан атаб, шеърят орқали жўшқин ишқ ва шавқларини, даъват ва чақириқларини очиқ изҳор этадилар.

Мажоз тариқи сўз санъаткорлари эса ўз мақсудларини бошқа сўз ва истилоҳлар билан изҳор этадилар. Лекин моҳиятан икки тариқнинг ҳам мақсуди бирдир.

Мажоз замиридаги ҳақиқатни англаш учун эса тасаввуф таълимоти, тасаввуф адабиёти ва луғатини ўрганиш шарт.

«Масалани мураккаблаштиришнинг нима кераги бор?» дейишингиз мумкин. Адабиётни ҳаётим деб, тақдирим, қисматим деб, бахту саодатим деб билган истеъдодли қаламкаш учун бу масаланинг ҳеч қандай қийин ва мураккаб жойи йўқ. Тасаввуф адабиётидан бебаҳра инсон ҳикмат ва маъно оламидан йироқ бўлади.

## МАЖОЗДАН МАҚСАД – ИШҚИ ҲАҚИҚИЙДИР

Ҳазрат Навоий ёзадилар:

*Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,  
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.  
Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,  
Қилур мажозни нафй улки, беҳақиқат эрур.*

Яъни: «Менга мажоздан мурод башарий-инсоний муҳаббат эмас, балки ҳақиқий ишқ, яъни ишқи Илоҳийдир. Чунки ҳақиқат аҳлига йўл ана шудир. Модомики, ошиқ мажоз орқали ҳақиқатга йўл топар экан, демак, мажозни фақат ҳақиқатсиз кишигина рад этади».

Яна ёзадилар:

*Кўрмаса ҳусни мажози ичра жуз Ҳақ сунъини,  
Ошиқеким, бўлса ишқ атвори ичра покбоз,  
Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким,  
Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз.*

«Бир ошиқ мажоз гўзаллиги ичида Ҳақ таолонинг сунъи – санъатидан бошқа нарсани кўрмайдиган бўлса, агар у ишқ атворида – ишқи илоҳий йўли-равишида покбоз бўлса, яъни ҳақиқий ошиқ бўлса, чин-ҳалол ошиқ бўлса, эй зоҳид, эй ҳамма нарсанинг фақат ташқи томонини кўрувчи зоҳирбин шахс, у ҳолда ошиқни бундай ишқдан асло манъ этма, асло қайтарма. Чунки агар сен идрок айласанг, тушунсанг, мажоз бу айни ҳақиқатдир!»

Муҳаммад Фузулий ёзадилар:

*Тутсам талаби ҳақиқата роҳи мажоз,  
Афсона баҳонаси-ла арз этсам роз;  
Лайли сабаби-ла васфин этсам оғоз,  
Мажнун тили ила этсам изҳори ниёз.*

## ИШҚ ҲАЁТБАХШ ЎЛИМДИР

Яна ҳазрат Навоий ёзадилар:

*Эй Навоий, кўп мажозий ишқ ила машғуфсен,  
Ўткин андин, доғи ён ишқи ҳақиқий сори бот.  
Иккисидин гарчи ошиқ ўлмаки лозим келур,  
Бари ул ўлмакки, бўлғай зимнида юз минг ҳаёт.*

«Эй Навоий! Мажозий ишқ билан кўп ошуфтасан, жуда ошиқи шайдосан. Бас, энди у мажозий ишқдан воз кеч ва тезда ишқи ҳақиқий сари қайт. Гарчи бу иккисидан ҳам – мажозий ва Илоҳий ишқдан ҳам ошиқ ўлиши лозим келса-да, лекин бу шундай ўлимки, у ўлимнинг зимнида – замирида юз минг ҳаёт бордир! Яъни, ишқ йўлидаги ўлим ошиққа юз минг ҳаёт бахш этадиган ўлимдир!»

Ёш дўстларимизга мажоз ва ҳақиқат тариқининг маъносини англашда шу гўзал ва теран далиллар кифоя қилса керак.

## МАЖОЗ АДАБИЁТИНИНГ ҲИКМАТИ

Мажоз адабиётининг ошкор ҳикматларидан бири шундаки, агар Навоий, Лутфий, Атоий, Фузулий, Огаҳийдек зотлар ҳам мажоз тариқида ижод қилмасдан, ҳақиқат тариқида ижод қилсалар эди, оғир мустамлака ва истибдод замонларида уларнинг ижоди ҳам ҳазрати Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Аллоҳёр ижоди каби «ди-

ний-мистик» деган айбловлар билан тақиқланган ва авлодлар бундай буюкларнинг ижод олаmidан бебахра ва беҳабар қолган бўлар эди. Золимлар салтанати уларнинг девонидаги ҳақиқатларни англамагани учун ҳам ижодларини ўқитишга, мактаб ва олий ўқув юртлари дарсликларига киритишга рухсат берганлар.

### ИНСОННИНГ ЯНГИ БИР ҲАЁТИ

«Мусо алайҳиссалом улул-азм (буюк шижоат ва матонат соҳиби бўлган) пайғамбар бўла туриб, Хизр алайҳиссаломдан бир нарсаларни ўрганмоқни истадилар».

«Мавлоно Жалолуддин Румий то Шамси Табризийни топгунларича бошқа бир умрни яшадилар, ундан кейин яна бошқа бир умрни яшадилар» («Тасаввуф ва гўзаллик»).

Булар – улуғ тасаввуф арбобининг сўзларидир. Бу сўзлар маъносини англаш учун «Мажмаъул-бахрайн» («Икки денгиз бирлашган жой») деган иборани англаш лозим. Бу – Қуръон ифодаси. Ҳазрати Хизр алайҳиссалом билан ҳазрати Мусо алайҳиссалом кўришган манзил «Мажмаъул-бахрайн» дейилади. Аллома Қози Байзовий бу оят шарҳида: «Айтиладики, икки денгиз аслида Хизр алайҳиссалом билан Мусо алайҳиссаломнинг ўзларидир. Хизр алайҳиссалом – ботин (тариқат) илмлари денгизи, Мусо алайҳиссалом – зоҳир (шариат) илмлари денгизи», деганлар. Кўнё шаҳридаги Мавлоно Жалолуддин Румий билан Шамс Табризий кўришган жойда ҳам «Икки денгиз бирлашган жой» дея ёдгорлик ўрнатилган.

«Имом Ғаззолий, йиллар бўйи заррин жуббалари, муҳташам саллалари билан мадрасаларга борар эканлар, диллари қоникмади. Йўлларга тушдилар. Тартиб-интизомларга чақирилдилар. Ибодатларга машғул бўлдилар... Мақом соҳиби, мавқе соҳиби, мулк соҳиби, борлиқ соҳиби, билим соҳиби, рутба соҳиби бўлмоқ муаммо эмас!.. Муҳим нарса Аллоҳ таолонинг севган қули бўлмоқдир! Инсон Аллоҳнинг севган қули бўла олса, қандай бахтлидир!» (*«Тасаввуф ва гўзаллик»*).

Бу сўзлардан тасаввуф таълимоти инсоннинг янги – бошқача, маънавий бир ҳаётини бошлаб берадиган таълимот экани англашилади. Тасаввуф адабиётини, Нақшбандия таълимотини ўрганиш зарур, деган сўзимизнинг маъноси ана шу жумлаларда очилмоқда.

## НОҚИСДАН КОМИЛ ИШ ЧИҚМАЙДИ

Нима учун маънавият раҳнамолари тасаввуф йўлини инсоннинг янги бир ҳаёти деб атаганлар? Чунки бу руҳий тарбия йўлидир. Чунки бу йўл комиллик йўлидир. Комил иш комил инсонлардан чиқади. Ноқис инсондан комил иш чиқмайди.

«Тасаввуф бўлмагунча маънавий юксалиш бўлмайди, ноқисдан комил иш чиқмайди.

Гўзал ахлоққа қараб келаётир инсонлар. Демакки, юмшоқ қалблиликка, муҳаббатга қараб келаётир. Мана, тасаввуф аҳлининг усули ана шудир.

Зафар қозонмоқ учун икки шарт илгари қўйилади: биринчиси – сабр, иккинчиси – тақво. Тақво – исломий тасаввуфнинг ғояси. Муҳаббат – исломий тасаввуфнинг ғояси. Гўзал ахлоқ – исломий та-

саввуфнинг ғояси. Тасаввуф бўлмагунча, маънавий юксалиш бўлмайди, азиз биродарларим! Мумкин эмас. Руҳий тарбия бўлмаса, инсон инсон бўла олмайди, инсони комил бўла олмайди. Комил бўлмаган инсонлардан эса комил иш чиқмайди, ҳамиша ноқис иш чиқади...» («Тасаввуф ва гўзаллик»).

## ИЖОДДА НУР БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Сўз санъати, ижод шавқи инсон қалбидан нур талаб қилади. Ижодда нур бўлмоғи лозим. Ижодкорнинг қалбида нур бўлса, у нур унинг асарларига, ундан китобхоннинг қалбига ўтади.

Чингиз Айтматов асарларида нур бор – қалб нури, гўзал ахлоқ нури бор.

Лев Толстой асарларида нур бор – адолат, ҳаққоният нури бор.

Абдулла Қодирий, Чўлпон асарларида нур бор – маърифат нури бор.

Абдулла Орипов шеъриятида нур бор – ҳақиқат нури бор.

Эркин Воҳидов ижодида нур бор – зарофат ва латофат нури бор.

Иброҳим Ғафуров ижодида нур бор – тафаккур нури бор.

Рауф Парфи шеъриятида нур бор – санъат нури бор.

Эркин Аъзам ижодида нур бор – тўғрилиқ нури бор.

Усмон Азим шеъриятида нур бор – ростгўйлик нури бор.

Абдували Қутбиддин ижодида нур бор – руҳият нури бор.

Барча мумтоз шоирлар шеъриятида нур бор – муҳаббат нури бор...

Руҳсиз ва нурсиз адабиёт – адабиёт бўлмади.

*Асл ғаввос бўлсанг, дурни кўргайсан,  
Соф бўлсанг, кетар чоғ ҳурни кўргайсан.  
Ҳамма ёқ зулмат деб шикоят қилма,  
Ўзингда нур бўлса, нурни кўргайсан...*

### **ИЖОДКОР ЯХШИ НИЯТ ҚИЛИШИ КЕРАК**

Инсон умрининг қиймати қанча яшагани билан эмас, балки қандай яшагани билан белгиланади. Демак, ҳаётнинг мазмуни муҳимдир.

Халқимизда «Нафасингни иссиқ қил» деган гап бор. Баъзи шоирлар ўлим ҳақида, очиқроқ айтганда, ўзининг ўлими, яқинда ўлиши ёки тезда ўлиши ҳақида ёзади. Тўғри, ўлимни эслаш тасаввуф таълимотида шайхлар томонидан муридларига буюриладиган тафаккур тарзидир. Ўлим – нохуш, ёқимсиз нарса. Лекин инсоннинг нафси фақат ўлим кўрқуви билан тузалади, нафснинг ўлимдан бошқа нарса билан тузалиши қийин. Шунинг учун муршиди комиллар шогирдларига ўлимни тафаккур қилишни вазифа қилиб берадилар. Нафсни тарбиялаб яхши йўлга солишда, инсоннинг камолот касб этишида ўлимни эслаш муҳим ўрин тутади. Лекин ўлимни эслаш дегани ўлимни орзу қилиш, уни чақириб дегани эмас.

Ўлимни чақирадиган ёш ижодкорларнинг ҳаёти моҳиятига диққат қилсангиз, уларнинг ўз ҳаётидаги нима нарсадандир норози эканини кузатасиз. Масалан, севгилисининг бевафолигидан ёки оила-

сининг ножоиз ҳаракати ва қадр билмаслигидан ёхуд шунчаки, ўз қадрини англантиш учун эркаланиб ўлимни чақирган бўлади.

Ёшлар жамоаси севгилисини ёки оиласини ёхуд ўқувчиларини «Ўламан» деб қўрқитавермасин. Ўлимга шошилмасин. Ўлим ҳаммани топади, ҳаммага йўлиқади. Қасас сурасида билдирилганидек, Ягона Парвардигорнинг Зотидан бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Шундоқ экан, ёшлар жамоаси ҳаёт неъматини учун Яратганга шукр қилсин ва узоқ, баракотли умр кўриб, буюк хайрли ишлар қилишни ният этсин! Ижодкор тетикқалб, тетикруҳ бўлсин, ҳаётда ғайратли, ижодда паҳлавон бўлсин!

## ЎЛИМНИ ИСТАГАН ҚАЛАМКАШЛАР

Ўлимни истаган ва унга йўлиққан қаламкашлар анчагина.

**Марҳум Чори Аваз:** «Ўлсам, ҳайрон бўлманг, узоқ яшаш учун туғилганим йўқ», деб ёзади. Марҳум дўстимиз қанча муддат яшаш учун туғилганини қаердан биларди?

Улуғ устоз Абдулла Орипов «Ўлим ҳақ. Не ҳам дердик! Истеъдодли шогирдим хотирасига бўзлаб байтлар айтаман, холос. Чори Аваз хотирасига... Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!» – деб ёзган эдилар. «Чорижон марсияси» деган шеърда эса ушбу армонли сатрларни битганлар:

*...Шоир хоҳ ёшдир, хоҳ қаридир,  
Ижоди ажалдан наридир.  
Аламдир, барибир аламдир,  
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!*



Шеърнинг «...Шеърят, ҳамроҳсан биз ила, Уйингда рўй берди зилзила, Бу не ҳол, баҳорда зилзила, Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин», деган сатрлари ҳам бор.

**Марҳум Назар Шукур:** «Менинг илк китобим – қабрим тошидир» деган маънода ушбу сатрларни битган:

*«Илк китоб – шу эди мендаги мақсад,  
Бу йўлда ҳар тошга урдим бошимни.  
«Биродар, сен нега қиласан ҳасад,  
Ўзимга яратсам қабр тошимни...»*

Дарвоқе, илк китоби шоирнинг қабр тоши бўлди, иккинчи китоби нашр этилмай, ҳалокатли вафот топди. Ахир, илк китоби шоирнинг буюк келажак йўлидаги илк пиллапоysi бўлса бўлмасмиди? Шоир яна: «*Билмадим, абадга ногоҳ қай кунги Роҳатлар тўхтатар ҳаётим йўлдан*», «*ўлим ҳам жим кезар, қўрққандан гўё...*» каби сатрларни битган. Тақдирга шак йўқ. Тақдирни ўзгартириб бўлмайди. Лекин шоир иссиқ нафас қилиб, ниятни яхши қилса бўлмасмиди?

**Раҳматлик Муҳаммад Юсуф** ўлим ҳақида кўп ёзган. «*Мендан нима қолар, ...бир ҳовуч тупроқ...*», «*Мен ўлсам, қизларим ёш, йиғлашни билмайди*», каби сўзларни битган эди.

Яна ёзади:

*«Тузалмайди дардим менинг, ўлсам керак.  
Тупроқ билан мен оғайни бўлсам керак.  
Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр, Она,  
Ўғлинг қаро ерга кетди, хайр, она...»*

«...Қани менга аталган жой, кетдик, дўстим!» деган сатри ҳам бор. Онага фарзанд доғидан оғирроқ мусибат бўлмайди. Фарзанднинг ўз онасига «Ўламан» дейиши онанинг қалбига ханжар уришдан ёмонроқ. «Шоир дўстим, нега ўлдинг, нега бундай орзу қилдинг?!» – дегим келади.

Шоирнинг ўлими адабиётнинг мотамаи бўлди. Унинг вафотидан, миллат душманларидан бошқа, ҳеч ким қувонгани йўқ. Зотан, ижодкорнинг ўлимидан ҳеч ким манфаатдор эмас.

Яна бошқа шоирларнинг шеърларидан ҳам ми-соллар келтириш мумкин.

Бу шеърлар ўз қисматидан хабар бериш эмас. Узоқ яшаш, қисқа яшаш, қачон, қаерда ўлиш Яратган Зотнинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган ғайб сирларидир. Ўзининг ўлими, узоқ ёки қисқа яшашини даъво қилиши ҳам ғайбни даъво қилишга ўхшаган оғир гуноҳдир, эътиқод илмида бу асло жоиз эмас. Бу ўриндаги хабардек туюлган ўлим сўзи шоирнинг замиридаги – ниятидаги нарса. Бировга ўлим тилаш нақадар ёқимсиз бўлса, ўзига ўлим тилаш ҳам шунчалик ёқимсиздир. Бу иш Яратган Зотга хуш келмайди.

Айтилган сўз баъзан қисмат бўлиб инсоннинг бошига тушиши мумкин.

Фаришта «Омин» дедими, ниятидаги нарса бўлдими, ўлимни истаган шоирларнинг кўплари ёш вафот этиб кетишди.

Ўлим ва ҳаёт борасида маънавият оламида руҳсат берилган бир йўл бор. У йўл қуйидаги дуо сўзида ўз ифодасини топган:

«Аллоҳим! Сен илминг ила ғайбларни билурсан.

Қудратинг ила бутун яратганларингга ҳокимсан. Яшаш мен учун хайрли бўлса, менга яшашни бардавом қил, ўлимим мен учун хайрли бўлса, мени вафот эттир!..»

Инсон яшагиси келмай қолганда фақатгина ана шу дуони қилишга рухсат бор. (*Бу дуо матни ҳазрати Имом Насоий, ҳазрати Имом Аҳмад ибн Ханбал китобларида қайд этилган.*)

Шоир ёш кетмасин. Шеърят уйида зилзила бўлмасин. Баҳорда ер музламасин.

### «ЎЛИМНИ ОРЗУ ҚИЛМАНГЛАР»

Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ўлимни орзу қилманглар**» деганлар. Бу муборак сўз маъносини Сирожиддин Саййид назмда ифода этган:

*Ифво, бўҳтондан сақланинг мудом,  
Меҳру саховатдан йироқ бўлманглар.  
Умрни ғанимат билинглар ҳар дам,  
Ўлимни ҳеч қачон орзу қилманглар.*

Бу муборак сўзнинг далили Имом Бухорийнинг «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» китобларида келган 7233-ҳадисдир: Ҳазрати Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу): «Агар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ўлимни орзу қилманглар!**» – деб айтмаганларида эди, ўлимни орзу қилган бўлар эдим!» – дедилар.

*Изоҳ.* Ровий саҳобалар орасида жуда узоқ умр кўрган зотлардандир.

## ТОНГИ ОТМАГАН ШОИР

Ибратли китоблардан бирида шоирлар ҳақида қизиқ ривоятлар келган. Бир шоирнинг ёшлиқдаги севгилиси от ёки туя миниб, унинг кўчасидан ўтадиган бўлибди. Шоир оҳ чекиб: «Сени кўргандан кўра кўзим кўр бўлгани яхши!» – дея шеър битиб, охири уйқуга кетибди. Ўша кеча ҳеч тонг отмас эмиш. Шоир уйқуга тўйиб, қачон кўзини очса, ҳамон қоп-қоронғу экан! Кечанинг бунча узоқ чўзилганидан ажабланган шоир охири ғала-ғовурдан уйғониб, уй аҳлига: «Тонг отмадими?» – деб нидо қилибди. Уйдагилари ҳайрон бўлиб: «Ахир, тонг отганига неча соатлар бўлиб кетди-ю, сиз ҳамон жойингиздан турмайсиз!» – дейишибди. Шоир: «Ахир, ҳамма ёқ қоп-қоронғу-ку!» – дебди. Уйдагилари: «Во ажаб! Ахир, қуёш ёйилиб кетган, ҳамма ёқ ёппа-ёруғ-ку!» – деса, шоир кўзи кўр бўлиб қолганини шунда англаган экан.

Бу сўздан ижодда ниятни ва тилакни яхши қилиш зарурлиги англашилади.

Ҳаётимиз, ижодимизда нимаики нохуш нарсалар, гуноҳлар ўтган бўлса, ҳаммаси учун Яратган Зотдан мағфират тилаймиз!

## ЯНГИ АСРНИНГ ЎН ОЛТИ ЙИЛИ...

Бир вақтлар, 1983 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси учун устозимиз Эркин Воҳидов билан суҳбат қилган эдим. Унда шундай савол бор эди: «*Эркин ака! Бир мухбир атоқли шоир Андрей Вознесенскийдан: «Сиз икки мингинчи йил шеъриятини қандай тасаввур қиласиз?»* – деб сўраганида, шоир

*қалтис умумжаҳоний вазиятни назарда тутиб: «Бу кетишда, балки икки мингинчи йил бўлмас», деган маънода жавоб берибди. Сиз бу саволга нима деб жавоб берар эдингиз?»*

Эркин Воҳидов бу саволга жавобан айтганлар: «Мен шоирнинг бундай деб жавоб беришига жуда қаршиман. Тўғри, умумжаҳоний вазият жуда ҳам қалтис. Лекин одам барибир эзгу ният билан, умид билан яшагани яхши-да. Биласизми, улуғ шоирларда маълум даражада башорат хислатидан жузъий намуналар бўлади. Пушкин «Евгений Онегин» асарида шоир Ленский сиймосида ўз ўлими манзарасини чизиб берган: ўша отишма, ўша қор... Ҳозиқ ҳам ўз ўлимини баён қилган. Машраб эса ўз ажалини бир неча ғазалда тасвир этган.

Ўзбекларда «Фаришта омин дейди» деган гап бор. Буни диний ақидалар билан боғлашнинг ҳожати йўқ. Бу – киши яхши ният билан яшамоғи керак, дегани. Икки мингинчи йил, шубҳасиз, бўлади. Унда инсон бадий тафаккури янада юксалади. Жаҳон шеърияти гуллар очиб, мевалар тугади. Бизнинг шарқий қирғоқда ҳам шеърият машъаллари порлаб тураверади... ўчмайди... Мен бунга ишонаман».

Устоз айтганларидек, икки мингинчи йил ҳам воқеъ бўлди. Устоз янги асрда 16 йил яшадилар. Токи иймон аҳли бор экан, дунёнинг умри тугамайди...

Устоз Абдулла Орипов «Умр ўртаси» деган шеърни роппа-роса 36 ёшда ёзганлар. 76 йил умр кўрдилар. Ажабки, бу шоир яшаган умрнинг қоқ ўртасидир.

## ЎЛИМНИ ЧАҚИРМАНГ, ШОИР ДЎСТЛАРИМ!..

Ўлимни чақирманг, шоир дўстларим,  
Фаришта «Омин» дер ҳар бир ниятга.  
Ўпинг Навоийнинг оёқ изларин,  
Шоирлар номзоддир абадиятга.

Некбинлик, матонат – шоирга шиор,  
Сўздан ҳаёт топсин ўлик халойиқ.  
Ўлимга пешрав не аъмолимиз бор?  
Не буюк иш қилдик ўлмоққа лойиқ?!

Шеърият – адолат, ҳақиқат жанги,  
Нурдан совут кийиб киринг бу жангга.  
Кимки ҳаёт берса қалбларга мангу,  
Ўлим ярашади фақат ўшанга!

Ўлим – мўъмин учун тухфа ва тортиқ,  
Ўлимдан бошланар Ҳақнинг висоли.  
Биз ўлсак, бир фазл бўларми ортиқ,  
Дунё донолардан қоларми холи?

Биз ўлсак, қуёш, ой тутилармиди?  
Мотам тутармиди мазлум коинот?  
Жаҳон разолатдан қутулармиди,  
Олам топармиди зулмдан нажот!

Ҳақ сўз – дор остида марднинг қасдидир,  
Марднинг марг чоҳида янграр хандаси.  
Бизнинг ҳар лаҳзамиз – дорнинг остидир,  
Бизнинг ҳар онимиз – жаллод кундаси.

Ўлимни фикрланг, қўрқманг ажалдан,  
Лекин «ўламан» деб ҳайқираверманг.  
Ўлим ҳар кимни ҳам топар азалдан,  
Бас, тезлаб ўлимни чақираверманг.

Иссиқ нафас қилсин фарзанди Одам,  
Шундай улуғ қилинг мақсад, ниятни.  
Ўлим чангалида турганда олам,  
Ҳаётга қайтаринг башариятни!

Гарчи қўлингизда эмас, лек руҳан  
Ўлимга ҳеч таслим бўлманг, дўстларим!  
Яшанг шундай буюк шижоат билан,  
Ўлгандан кейин ҳам ўлманг, дўстларим!

Ўлимни чорламанг, тутинг қўлимни,  
Нур тўлсин номаи аъмолингизга.  
Дўстлар, ўз ҳолига қўйинг ўлимни,  
У ҳам сизни қўйсин ўз ҳолингизга!..

*Ҳижрий 1441, милодий 2020.*

## **ЧАРЛИ ЧАПЛИННИНГ СЎЗСИЗ САНЪАТИ**

Адабиёт сўз санъатидир. Адабиётга таянган бошқа кўплаб санъатлар ҳам сўз санъатига асосланади: кўшиқ, кино, театр. Лекин бир сўзсиз санъат бор: бу – Чарли Чаплиннинг сўзсиз санъати, фильмлари.

У сўзли фильмларни ёқтирмаган. Унинг сўзли фильмлар устида кулиб: «Одамлар бунча кўп гапирди-я!» – деб ғазаблангани таржимаи ҳолида айтилади.

Марҳум шоир Муҳаммад Раҳмоннинг «Гунг муҳаббати» («Понтамимо учун мазмун») деган машҳур шеъри бор. Шеърда гапира олмайдиган гунг инсоннинг муҳаббати ғоят санъаткорона ифодаланган: «Мана бундай унинг кўзлари... Мана бундай унинг қошлари» – буларни гунг фақат ишоралар билан билдиради.

«Чарли Чаплиннинг сўзсиз санъатини, гунг муҳаббатини эслашнинг нима зарурияти бор?» дейишингиз мумкин. Бундан қандай ўрناق топамиз, нима хулоса чиқарамиз? Нечук ҳикмат излаймиз бундан?

Шеърятда ишорат деган санъат бор. Бу айтмасдан туриб айтиш санъатидир. Абдулла Орипов, Рауф Парфи бу санъатни камол нуқтасига етказдилар... Улар зулмни, мустамлакани ишоратлар билан фош этдилар, миллат озодлигини ишоратлар билан куйладилар.

Биринчи хулоса, бундан ишорат санъатини, айтмасдан туриб айтиш йўлини ўрганишдир.

Иккинчи хулоса, камгапликни, оз сўз билан кўп маънони ифодалаш маҳоратини ўрганишдир.

Учинчи хулоса, ҳаётда гапирадиган бўлсак, яхши гапни гапиришни, йўқса, сукут қилишни ўрганишдир.

## ТАҚЛИД

Тақлид – аслнинг соясидир. Ижод нур бўлса, тақлид – нур сабабли пайдо бўлган соя. Афсус, шеърятимизнинг соялари бор. Адабиётда, шеърятда тақлид кўп учрайди. Баъзи тақлидчилар тақлид қилаётганини ўзи билмай ёки билмаганга олиб умр ўтказяпти.

Баъзи санъаткор шоирларга тақлид қилиб бўлмайди.

Абдулла Ориповга тақлид қилган киши уятга қолади, унинг ҳар тарафидан улуғ шоирнинг кийимлари кўриниб туради.

Рауф Парфига тақлид қилган киши тез фош



бўлади, ясама шоирга ўхшаб қолади. Ўзини ўзи хи-  
жолатга қўяди.

Абдували Қутбиддинга тақлид қиладиган ки-  
шининг ўзини расво қилишдан бошқа чораси  
йўқ. Абдували шеърляти руҳ жилваларидир. Улуғ  
Нақшбандийлар маърифатининг нурларидир. Аб-  
дувалининг шеърлари «Бир шеърый санъат қила-  
йин» деб ёки «Бировни қойил қолдирайин» деб ёки  
«шуҳрат топайин» деб битилган мисралар эмас.

Соя нурдан пайдо бўлади. Соя бўлмайлик, нур  
бўлайлик. Тақлидчининг «Асл нусхаман» деб даъво  
қилиши адабиётнинг қаро кунидир. Устоз Абдулла  
Орипов ёзадилар:

*Тақлид қила бергин етса бардошинг,  
Модомики сенда бор экан ҳавас.  
Фақат бир қаро кун кўтариб бошинг,  
Асл нусхаман деб дод солмасанг бас.*

## ИЖОД БУ ҲИКМАТДИР, ҲИКМАТ ЭСА ПОКЛИК МАҲСУЛИДИР

Луғатимизда «ҳикмат» деган гўзал сўз бор.  
Оламдаги пайғамбарлар Парвардигордан ўзларига  
ҳикмат ато этишини сўраганлар, улуғ сўз султон-  
лари – қалам аҳллари ҳикматни орзу қилганлар.  
Севиқли Пайғамбаримиз алайҳиссалом «Шеърда  
ҳикмат бор, баёнда сеҳр бор», деганлар. У ҳолда,  
«ҳикмат» нима экан ўзи?

«Ҳикмат» сўзининг йигирмадан ортиқ тавсиф  
ва таърифлари бор. Шулардан энг муҳимлари:

«Ҳикмат сўзда ва феълда ҳақ ҳукмни сақламоқ-  
дир» (Ибни Нужайх ҳазрати Мужоҳиддан (розиял-  
лоҳу анҳу) ривоят қилганлар).

«Ҳикмат илм ва фиқҳ демакдир» (*ҳазрати Мужоҳид розияллоҳу анҳу*).

«Ҳикмат мавжудотнинг моҳиятидаги маъноларни англамоқдир» (*Иброҳим Нахойӣ*).

«Ҳикмат ижод демакдир. Ҳикмат сабаб ва иллатларга асосланган ва улар билан алоқадордир, иллатнинг ҳақиқати ҳам яратмоқ ва ижод этмоқдир, шу сабабларга кўра, асл ҳикмат ижод демакдир» (*Саййид Шариф Журжоний, «Ал-Таърифот» китоби, 63-саҳифа*).

Модомики, ҳикмат шундай бебаҳо неъмат экан, у ҳолда ҳикмат қандай ҳосил қилинади?

«Тасаввуф ва гўзаллик» китобида гўзал ҳадиси шариф келтирилган. Севикли Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **«Роъсул-ҳикмати махофатуллоҳи»**, деганлар. Яъни: **«Ҳикматнинг боши Аллоҳдан кўрқувдир»**. Аллоҳдан кўрқув дегани инсоннинг «Яратган Зот ҳар бир ишимни кўриб турибди, ҳар бир ният ва ҳаракатимни билиб турибди, ҳар сўзимни эшитиб турибди, ҳар бир иш-амал учун ҳисоб-китоб бор», деб ҳамиша Ҳақ таолонинг ёди билан яшамоғидир.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: «Кимки ихлос билан қирқ тонг (яъни қирқ кун ва тун) Аллоҳга ибодат қилса, унинг дилидан тилига ҳикмат булоқлари оқиб чиқа бошлайди», дейилади (*ҳазрати Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснад» китоби, «Зухд» бўлими; «Жомиъ ул-усул», «Рухул баён*).

«Яъни, одам қирқ кун ибодат, зикр, тасбиҳ, рўза билан машғул бўлади. Натижада унинг дилидан тилига ҳикмат булоқлари тошиб чиқа бошлайди. Нега? Чунки инсон маънавиятида бир нарсалар юз берди, бир ўзгариш содир бўлди. Қулфлоғлик

эшиқлар очилди, воридот – файзу футух, ақлий тушунчалар, кашфлар кела бошлади. Дилидан тилига ҳикмат ана шу йўсин кўчди. Сўзлайдиган сўзларининг ҳаммаси ёқимли, гўзал бир ҳолга келди... Бас, хавфуллоҳ – Аллоҳдан қўрқув бўлгач, инсон ана шундай ҳолатга келади» («Тасаввуф ва гўзаллик»).

## БУЛОҚЛАР ЕРДА БЎЛАДИ

«Рухул-баён» китобида ҳикмат борасида ғоят пурҳикмат шарҳлар бор: «Булоқлар фақат ерда бўлади. Ер юзи сувлар тошиб чиқадиган макондир. Бу баёндан англашиладики, инкор аҳллари (Илоҳий ҳақиқатларни инкор этувчилар) убудият, яъни бандалиқ ва тавозуъкорлик рутбасига эришмайдилар, Илоҳий огоҳлантиришларни яхши бир ният билан қабул этмайдилар, шунинг учун улар ҳамиша тотли сув булоқларидан маҳрум бўлиб келганлар».

Демак, поклик ила бандалиқ қилишда ер билан – тупроқ билан тенглашиш, бирлашиш бор, тавозуъ бор, ўзини хор ва хоксор тутиш бор. Бу хислатлар қалбни, басиратни, идрок булоқлари кўзини очади. Ҳазрати Сулаймон Боқирғоний айтганларидек:

*Отанг ердур, сенам ердай қилиқ қил:  
Ёмонлик айлаганга яхшилиқ қил...*

## ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ИСЛОМИЙ МАЪРИФАТ БАҲРАЛАРИ

Биз буюк маърифат манбаларининг эгаси, вори си бўла туриб, ўз маънавий манбаларимизни етарли қадрлаяпмизми? Бу пок ва абадий манбалардан

хаёт ва ижодимизда тўғри фойдаланаяпмизми? Дунё адабиётига назар солайлик-чи, нима гаплар бор экан?

Жаҳон адабиётида исломий маърифатдан баҳра олган кўплаб асарларни учратиш мумкин. Буюк олмон (немис) шоири Йохан Волфганг Гётенинг «Ғарбу Шарқ» девони ва бошқа кўплаб шеърларида, ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳақларидаги мақоласида, беназир рус шоири Александр Пушкин назмида, буюк рус адиби Лев Толстой асарларида, фақат Францияга эмас, балки ҳақпарастлар қалбига ҳижрат қилган рус муҳожир шоири Иван Бунин шеъриятида исломий илму маърифат нурларини кузатиш мумкин.

Лев Толстой қудсий ҳадис маъноларини русчага таржима қилиб, нашр эттирган. Адибнинг «Иқрорнома» рисоласини ўқиган ҳар бир китобхон унинг исломий маърифатдан нақадар кўп баҳра олганини англайди.

## ГЁТЕ ИЖОДИ – МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

(1749–1832)

Гёте ёзади:

*Машриқни ҳам яратган – Аллоҳ,  
Мағрибни ҳам бор этган – Аллоҳ.  
Унга халал – кулфат йўқ жуда,  
Шимол, Жануб – Унинг ҳукмида!*

Бу сатрларга муқаддас Қуръони каримнинг Бақара сураси, 115, 142-оятлари асос бўлган. 115-оят маъноси: «**Машриқ ҳам, мағриб ҳам** (ҳамма

тараф) **Аллоҳникидир.** (Ибодат қилиш учун қиблани ахтаргандан кейин) **қайси томонга юзлансангиз, Аллоҳнинг юзи** (ризоси) **ўша тарафдадир.** **Албатта, Аллоҳ раҳмати ва неъматини кенг Зотдир ва У** (ҳамма нарсани) **билгувчидир».**

142-оят (маъноси): «(Эй Расулим!) **Айтинг: «Машриқ ҳам, мағриб ҳам Аллоҳникидир. У** (бандаларининг яхши ниятлари ва амалларига қараб) **Ўзи хоҳлаган ҳар кишини тўғри йўлга бошлар».**

Буюк адиб Қуръони каримни олмонча таржимада ўқиган ва бу оятлар маъноси унга кучли таъсир қилган. Гёте бу Илоҳий сўз моҳияти ва Яратган Зотнинг чексиз қудратини теран англаган шоирдир. Яна ёзади:

*Саҳобалар ўқиса Қуръон,  
Аллоҳ номин атарди, бебок;  
Ҳурмат сақлаб ҳар бир мусулмон,  
Иймонини тутар эди пок.*

Бу сатрлар – муқаддас Каломни ўқиганда «истиъоза»дан, яъни «Аъувзу биллоҳи минаш-шайтонир-рожийм» сўзидан кейин «Бисмиллаҳир-Роҳманир-Роҳийм»ни айтиш ҳақидадир. Бошқа шеърда эса шоир ҳар нарсани ўз ақлича таъвил қилиб шарҳлайдиган нодон кимсаларни сўз тифига илади:

*Нодон ҳар бир каломни шарҳлашга сержуръатдур,  
Авом айтар: «Ҳар сўзнинг таъвилин билажакмиз!»  
Ҳолбуки, «Ислом» сўзи – Аллоҳга итоатдур,  
Баски, Исломда яшаб, Исломда ўлажакмиз!..*

Шубҳасиз, бу сатрлар Қуръони карим оятларига асосланган. Аъроф сурасининг 126-оятида:

**«...Эй Раббимиз! Устимизга (мўл) сабр ёғдир, бизни муслмон ҳолимизда вафот эттир!»** деган маънодаги дуо сўзи келади. Яна Оли Имрон сура-сининг 7-оятида Қуръоннинг бир қисми муҳкам, яъни очиқ ва аниқ оятлар бўлиб, улар Илоҳий Китобнинг онаси, яъни асли ва тамали экани, бир қисми эса муташобих, яъни маъноси махфий оятлар экани билдирилади. Сўнг қалбларида эгрилик бўлган кимсалар фитна чиқаришни ва ўз ҳавойи нафсларига кўра таъвил қилишни истаб, ундаги муташобих оятларга эргашиши билдирилиб, унинг таъвилини фақат Аллоҳнинг Ўзи билиши уқтирилади. Гётенинг ушбу сатрлари айнан мазкур оят маъносига мувофиқдир:

*Ҳозир янги телбалар вайсаб,  
Тилда этар ҳақ сўзни вайрон.  
Адаштирар бандаларни заб,  
Нажот сенсан, муқаддас Қуръон!*

Аввалда ҳаққоний Илоҳий Китоб бўлиб, кейин қўл билан ўзгартирилиб, асл илоҳий моҳияти йўқолган Китоблар ҳақида Гёте шеърий тилда сўз юритади ва инсонларни тафаккурга ундайди. Хотираси хилма-хил бўлган инсонларнинг қўли билан қайта битилиб, бир неча нусхага эга бўлган китоб Илоҳий манба бўла олмаслигини таъкидлайди:

*Баён айлаб Тангри сўзини,  
Ийсо кўкка айлади парвоз.  
Шогирдлар-чи, эшитганини  
Ўзларича этди ёза-ёз.*

*Хотираси аларнинг ҳар хил,  
Ҳақ Каломин ҳар хил битарлар.  
Насронийлар қиёматгача  
Аниқ сўзни билмай ўтарлар.*

Бундай оламшумул хулосани Гёте, шубҳасиз, Қуръондан олган.

### ЭГРИ ҚОВУРҒА ТАВСИФИ

Гёте гўзал ислом моҳиятини фақат Қуръони карим орқали эмас, балки ҳадиси шарифлар орқали ҳам яхшигина ўрганган, бу муқаддас динга ҳурмат кўрсатиб, ҳазрати Расулуллоҳ алайҳиссаломга кўнгил боғлаган. Қуйидаги шеърдан шоирнинг ҳазрати Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» китобида баён қилинган машҳур ҳадис маъносидан ҳам хабардор экани англашилади:

*Аёлларга бўлгин меҳрибон, иноқ,  
Эгри қовурғадан яралмиш аёл.  
Уни эгри қилиб яратмиш Халлоқ,  
Тикламоқ истасанг – сингайдир, алҳол!*

*Тегмасанг – у балки қолар эгилиб,  
Бу Одам Атодан бизга сабоқ – дарс:  
Аёлга хушфеъл бўл, тузатаман деб,  
Эгри қовурғани синдирмагил, бас!*

Бу сатрларнинг таянган манбаи қуйидаги ҳадиси шарифдир; ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу баён қиладилар: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Кимки Аллоҳ таолога ва қиёмат кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин! Шунингдек,**

аёллар билан доимо яхши муомалада бўлинглар. Чунки, улар қовурғадан яратилган бўлиб, қовурғанинг энг қийшиқ ери – унинг дўнг жойидир. Агар уни тўғрилашга ҳаракат қилсанг – синдириб қўясан, агар қўйиб юборсанг – эгрилигича қолади. Бас, шундай экан, аёллар билан доимо яхши муомалада бўлинглар!» («Саҳиҳи Бухорий», 5185–5186-ҳадислар).

Гёте ижодидан яна кўплаб ирфоний мисоллар келтириш мумкин.

### «САДОҚАТЛИ ТЎРТ АЁЛ БОР...»

Гёте «Жаннатий аёллар» деган шеърида ҳазрати Юсуф алайҳиссаломга кўнгил боғлаган Зулайҳо, ҳазрати Ийсо алайҳиссаломнинг покиза ва сиддиқа оналари Биби Марям, ҳазрати Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг жуфти ҳалоллари Хадичаи Кубро, қизлари Фотимаи Заҳро жаннатий бўлишларини баён қилади. Бу маълумотни шоир Қуръон шарҳлари ва ҳадислардан олган.

*Садоқатли тўрт аёл бор,  
Беҳишт ичра кирар бешак,  
Покдир алар, ҳам тақводор,  
Иймонига келтирманг шак...*

*Ҳар тўртовин жаннатда биз  
Кўриб, қанча мадҳ этсак – кам.  
Хотиржаму ёшу қувноқ  
Унда мангу яшар одам.*

Албатта, бу саодатманд аёллар қаторида Оишаи Сиддиқа розияллоҳу анҳо ҳам борлар.



## АБАДИЯТ БУЛОҒИ

Атоқли олим Акмал Саидов Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони» ўзбекча таржимасига ёзган сўзбоши-сида Нажмиддин Комиловнинг ҳайратомуз сўзларини келтиради:

«Гёте наздида Шарқ адабиёти ва шеърияти, Фирдавсий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жалолиддин Румий ижоди – «Хизр чашмаси». У ҳамиша мусаффо ва равон, ундан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу руҳ ва ижод манбаи, муҳаббат ва қўшиқ салтанатидир. Шарқ оламидаги еттита юлдуз қаторида Саъдий, Ҳофиз ва Навоийни санар экан, Гёте: «Мен уларнинг соясига ҳам арзимаيمان», дейди.

...Гётенинг «Ғарбу Шарқ девони»да барча мавзуларини бирлаштириб турувчи нарса, бу – Шарқ шеъриятига асос бўлган тасаввуфий қарашлардир. «Девон»нинг барча шеърларига «Ўлмасдан олдин ўлинглар» деган ҳадиси шариф маъноси ҳамда «Ўлгин ва қайта тирилгин», деган тасаввуфий ғоя теган сингдирилган.

## БИР НАФАСДА ИККИ НЕЪМАТ БОР

Гёте ўз даврида Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асаридан ҳам хабардор экани англашилади.

*Нафас олмоқ билан нафас чиқармоқ –  
Икки неъмат эрур – бир нафасда, боқ;  
Бири – сиқув бўлса, бириси – роҳат,  
Улар боис ҳаёт бардавом, албат.  
Аллоҳга шукр айт – кирганда нафас,  
Шукр дегил – нафас чиққанида, бас.*

Саъдий «Гулистон»ида айтилади: «Бир нафасда икки неъмат бор: нафас олмоқ ва нафас чиқармоқ. Ҳар бир неъмат учун эса шукр келтириш вожибдир. Демак, бир нафас учун икки шукр вожиб бўлади». Сўнг Саъдий ҳазратлари: «**Эй Довуд оиласи!** (Аллоҳга) **шукр қилиш учун урининглар! Бандаларимдан** (ҳаққоний) **шукр қилгувчи оздир**» (Сабаъ сураси, 13) деган оят маъносини келтирадилар.

Саъдий оламидан огоҳ Гёте ўз девонида буюк ва гўзал исломий ҳақиқатлардан жуда узоқ бўлган бир халққа ҳар бир нафас учун икки марта шукр айтишни тавсия қилади.

## ГЁТЕ ЭЪТИРОФИ

Гётенинг «Муҳаммад» (алайҳиссалом) деган мўъжаз бадиаси олам аҳлини ҳайратга солган эътироф намунасидир. У мақолада Қуръоннинг башар сўзи эмас, балки асл Илоҳий Калом эканини, ҳазрати Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақ пайғамбар эканларини хотиржам қалб ва комил ишонч-эътиқод билан баён этган. «Қуръон бирор одам томонидан ёзилган панду насихат ёхуд эрмак учун мутолаа этиладиган китоб эмас, у илоҳий қонунлар мажмуасидир», дейди буюк адиб. Яна охира тўғриси бундай ошкор этади: «Пайғамбар (алайҳиссалом) эса фақат бир нуқтага кўз тикади – бу унинг учун аниқ мақсадни ифодалайди; унга етмоқ учун энг оддий воситалардан фойдаланади. У маълум бир таълимотни эълон этади ва худди бир байроқ остида халқ бошини қовуштиргани мисол, шу таълимот атрофида одамларни йиғмоқни ният қилади» (*Олмон тилидан Садриддин Салим Бухорий таржимаси*).

## ПУШКИН ВА ҚУРЪОН

Буюк рус шоири Александр Пушкин (1799–1837) Қуръони каримни фаранг тилида ўқиган, чунки у даврда бу Илоҳий Калом ҳали русчага таржима қилинмаган эди. Буюк шоир муқаддас Қуръон маъноларидан қаттиқ таъсирланган, шу таъсир натижасида «Подражания Корану» («Қуръонга эргашув») туркуми ҳамда «Пророк» («Пайғамбар») деган шеърни ёзган. Мазкур туркумда ушбу эътироф сатрлари бор:

*Муҳаммадга ул Раҳмон Аллоҳ  
Нозил этмиш муқаддас Қуръон.  
Биз ҳам Нурга талпинайлик, то  
Кўзимиздан тарқасин гумон.*

«Қуръонга эргашув» туркуми «Вал-фажр» сура-сида келган қасам сўзлари билан бошланади:

*Онт ичаман жуфту тоқ ҳаққи,  
Қилич ҳаққи, ғазоват ҳаққи,  
Онт ичаман мен Зухро ҳаққи,  
Кечадаги ибодат ҳаққи...*

*(Абдулла Шер таржимаси)*

Фажр сураси, 1–5-оятлари маъноси: «(Тонг отиш чоғидаги) **субҳга қасам**; (даражаси юксак) **ўн кечага қасам**; **жуфт ва тоқ** (қилиб яратилган нарсалар)га **қасам**, **ўтиб бораётган кечага қасамки**, **мана шуларда** (ибрат олувчи) **ақл эгаси учун** (етарли бир-бир) **қасам** (қиймати) **бордир**».

Шеърнинг хулосаси шуки, Яратган Зот Ўзи яратган ҳар нарса билан қасамёд қилаверади, инсон эса Аллоҳдан бошқаси билан қасам ичиши дуруст бўлмайди.

## ПУШКИН ВАСФ ЭТГАН ОДОБ НАМУНАЛАРИ

«Қуръонга татаббуъ» туркумидаги «Расулulloҳ аёллари» деган шеър Аҳзоб сурасининг 28–35 ва 53, Ҳужурот сурасининг 1–5-оятлари, Мужодала сурасининг 12-ояти сингари ҳазрати Пайғамбар алайҳиссалом билан муомалада бўлиш ва сўзлашиш одоблари баён қилинган оятларга асосланган.

*Эй, Расулнинг пок аёллари,  
Устуворсиз жами аёлдан:  
Сизга даҳшат – фисқ хаёллари.  
Сиз оромбахш гўша ичра шаън,  
Маъсум яшанг: сизгадир мерос  
Биби Марям ёпинган либос.*

Аҳзоб сурасининг 53-оятида Ҳақ таоло иймон келтирганларга хитобан, ҳазрати Пайғамбар алайҳиссаломнинг уйларига вақту бевақт киравермасликни, магар бирор таомга чақирилган бўлсалар, узоқ қолиб кетмасдан, таомланиб бўлгач, дарҳол тарқалишни, сўзга берилиб кетмасликни буюради. Сўнг мўъминлар учун Аллоҳнинг Расулига озор бериш асло мумкин эмаслигини билдиради. Пушкин бу маъноларни жамлаб айтади:

*Сизлар эса, эй саҳобалар,  
Муҳаммадга бўларкан меҳмон.  
Зинҳор уни ғайри йўл томон  
Бошламоқдан қилинг тавбалар.*

**«ҚАНИ, ЧИҚАР ҚУЁШНИ ҒАРБДАН!..»**

Александр Пушкиннинг «Қуръонга татаббуъ» номли беназир туркумининг IV шеърида ўзига подшоҳлик берилганидан ҳовлиқиб, туғёнга кетган ҳукмдор Намруднинг аҳволи баён қилинади. Бақара сурасининг 258-оятида билдириладики, у ҳазрати пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломни ўз ҳузурига чақириб, у зот билан тортишади. Иброҳим алайҳиссалом: «Менинг Раббим Ўз қудрати билан ҳам тирилтиради, ҳам ўлдиради», десалар, у: «Мен ҳам ҳаёт бераман ва ўлдираман», дейди ва бу даъвосини бир жинойатчини озод этиб, бир бегуноҳни ўлдириши билан ўзича исбот этади. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: «Шубҳасизки, Аллоҳ қуёшни шарқдан чиқаради, қани, сен уни ғарбдан чиқаргин-чи!» – дейдилар, шунда Намруд довдираб, мулзам бўлиб қолади. А.С. Пушкин бу воқеани шеърий тилда мухтасар ифода қилгач, сўнг айтади:

*Лек Сендаги илоҳий шахтдан*

*Ўчди осий такаббур уни:*

*«Мен чиқардим қуёшни шарқдан,*

*Қани, чиқар ғарбдан сен уни!»*

Александр Пушкин мазкур туркумга ёзган изоҳида айтади: «Асл манбада (яъни, Қуръонда) Аллоҳ ҳамма ўринда Ўз номидан гапиради, (ҳазрати) Муҳаммад (алайҳиссалом)ни эса фақатгина иккинчи ёки учинчи шахс сийғасида зикр қилади (яъни, «Эй Пайғамбар!» деб ёки «У зот», «у Пайғамбар» деб сўз юритади)». Шоир мавзуга эркин ёндошиб, бевосита Яратган Зотга хитоб қилади. (Қавс ичидаги сўз ва ифодалар камина – М. Кенжабекка оид.)

## ИВАН БУНИН ҲУКМЛАРИ

Улуғ рус шоири ва адиби Иван Алексеевич Бунин (1870–1953) Россиянинг Воронеж шаҳрида туғилиб ўсиб, Франция пойтахти – Париж шаҳрида муҳожирликда вафот этган. У Қуръонни ғоят мўътабар тутади ва Қуръон ҳукмларини эшитмайдиган кимсани лаънатга сазовор деб билади:

*Проклят тот,  
кто веление Корана не слышит.  
Проклят тот,  
кто угас для молитвы и битв, –  
Кто для жизни не дышит,  
как бесплотный геджас...*

Таржимаси:

*У малъундир,  
ким Қуръоннинг фармонларин тингламаса.  
У малъундир,  
ким ибодат ва ҳарбларга ярамаса;  
Ким беҳосил хилқат каби  
ҳаёт учун нафас олиб яшамаса...*

Туркий-ўзбек адабиётида ҳазрати Мавлоно Лутфий, Шайхзода Атоий, Алишер Навоий ижодидан бошлаб то сўнгги мумтоз шоирлар – Доғий ва Фақирий баёзларигача маърифий шеърят руҳи яшаб келган. Улардан кейин ҳам бу анъанани давом эттирган шоир ва адиблар бор. Насиб этса, Арбаъийн туркумлари мавзуида уларни эслаб ўтамыз.

**Бу сўзларнинг хулосаси шуки,** шундай муқаддас, буюк ва ўлмас манбаларнинг вориси бўла туриб, адабий муҳитимизда ҳануз бу мангу булоқлар-

дан беҳабарлар, бебаҳралар бор. Яна у абадий ҳақиқатларни камситадиган, унга лоқайд қарайдиганлар бор. Ўз ҳаётини пок ва нурли нуқталарга буриш ўрнига ҳамон ғафлат ва жаҳолат ботқоғига ботиб юрганлар бор. Ўз олим ва устозларимизнинг чақириқлари уларнинг виждонини уйғотмайдиган бўлса, Волфганг Гёте, Александр Пушкин, Лев Толстой, Иван Бунин, Габриэль Гарсиа Маркес каби жаҳон эътироф этган даҳоларнинг ижод ва эътирофлари уларнинг шуур, виждон ва иймонларини уйғотиши керак-ку, ахир. Айниқса, ёш авлод бу ҳаётбахш манбалардан бебаҳра юриши асло мумкин эмас. Булар абадий мавзулар бўлиши билан бирга ҳар бир ижодкор учун камолот омиллари ҳамдир.

## **ТУРКИЙ-ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АРБАЪИЙН ТУРКУМЛАРИ**

Ўтган суҳбатларимизда айтдик, девон адабиёти, яъни мумтоз шеърият XI асрда Мовароуннаҳрда (бугунги Ўзбекистон заминида) Қорахонийлар даврида бошланган бўлиб, исломий маданиятдан баҳра олган, шу сабабдан араб ва форс манбаларидан таъсир топган маърифий адабиётдир. Қуръони карим ва ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган бу мумтоз адабиёт «Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир» деган ҳукмга асосланади, яъни мажоз йўли билан ҳақиқатни куйлайди.

Шунингдек, мажоздан холи ва айни ҳақиқат бўлган адабиёт намуналари ҳам мавжудки, буларнинг энг ёрқин мисоли Арбаъийн («Қирқ ҳадис назми») туркумлари дир.

Дарҳақиқат, адабиётимизда «Арбаъийн» туркумлари билан бирга, гўзал ислом фикҳини шеър-га солиш анъаналари ҳам мавжуд. Ҳазрат Навоийнинг «Арбаъийн», «Сирож ул-муслимийн», Заҳируддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубайян», ҳазрати Сўфи Аллоҳёрнинг «Маслак ул-муттақийн» ва «Сабот ул-ожизийн», Хатмий Тошкандийнинг «Назму ул-Мухтасар» каби асарлари бунинг далилидир.

Билишимча, Арбаъийн анъанаси ҳазрати Мавлоно Абдурахмон Жомийдан бошланган. Жомий форсий назм қилган қирқ ҳадисни ҳазрат Навоий ҳам туркий назмга солиб, янги Арбаъийн тузганлар.

XX ва XXI асрда ҳам бу анъана давом этди. Ўз даврида буюк устоз Абдулла Орипов мазкур мавзуни юксак мақомга олиб чиқдилар ва «Ҳикмат садолари» туркуми шоир ижодининг гултожи бўлиб қолди. Кейин Сирожиддин Саййид, Шукур Қурбон, Ғайрат Мажид, ёш шоир Мансур Жумаев ўзига хос Арбаъийнлар туздилар.

Маҳмуд Тоир ўз ижодидаги ирфоний руҳдаги шеърларни саралаб, «Уйғоқ дил» китобини тузди ва у Муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларининг «Кўнгилдаги нур» сарлавҳали сермазмун сўзбоши-си билан алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Демак, Абдулла Ориповнинг «Ҳикмат садолари» ва «Ҳаж дафтари» туркумлари, «Жаннатга йўл» достони ва юқорида зикр қилинган асарлар исломий маърифат натижаси ўлароқ майдонга келди. Яъни, мазкур шоирлар ўлмас ҳаётини манбалардан ўзларига яраша насибаларини олдилар.



## КУРАШДА ЙИҚИТГАН ПАҲЛАВОН ЭМАС, НАФСНИ ЕНГГАН ПАҲЛАВОНДИР

Ҳазрат Навоийнинг «Арбаъийн»ларида қуйидаги гўзал назм келади:

*Эмас ул паҳлавонки, ўз қадрин  
Бош уза элтибон нигун қилғай.  
Паҳлавон они билки, этса ғзаб,  
Нафси амморани забун қилғай.*

Яъни: «Ўз қадрини боши устида кўтариш билан уни эгик ва тубан қиладиган киши паҳлавон эмас. Аммо ғзаби келганида нафси амморани, яъни кўп ёмонликларга буюрувчи саркаш нафсини эгиб, бўйсундириб олган кишини ҳақиқий паҳлавон деб бил!

Устоз Абдулла Ориповнинг «Ҳикмат садола-ри»да қуйидаги назм келади:

*Расулуллоҳ деди: – Кўҳнадир жаҳон,  
Турфа хил куч-қудрат бордир одамда.  
Лекин ўз ғзабин енголган инсон  
Ҳақиқий паҳлавон эрур оламда.*

Бу сатрлар «Курашда рақибини йиқитган одам паҳлавон эмас, балки ғзаби келганда ўзини қўлга олган одам паҳлавондир» деган маънодаги ҳадиси шарифга таянади. Ҳазрати Имом Бухорийнинг «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» («Энг саҳиҳ ҳадислар тўплами») китобида ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **«Бировни (курашда) йиқитган одам паҳлавон эмас, балки ғзабланган вақтида ғзабини енган одам паҳлавондир»** (6114-ҳадис).

## ПАҲЛАВОН МАҲМУДНИНГ ПАҲЛАВОНЛИК СИРИ

Мазкур ҳадис ва шеърларнинг шарҳида ҳазрати Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан 479-бобдаги «Паҳлавон Маҳмуд – Паккаёр қуддиса сирруҳ» маноқибларини эслаб ўтиш жуда ўринлидир.

«(У киши) Хевақ (шаҳри)дандир, лақаби Пурёр деб машҳурдир, баъзилар Паккаёр дебдилар. Аммо Хевақлик кишидан таҳқиқ ва тасҳиҳ қилинди – теран ўрганилиб, ҳақиқат юзага чиқарилдики, лақаби Паккаёр деган сўзда қарор топди, яъни барчага бирдай ёр ва ёрдамчи бўлувчи (Паккаёр)дир.

Ёр қассобнинг ўғлидир. Курашчиликда саромад – илғор, юқори шахс бўлуб, улуғ шуҳрат қозонган. (Тариқатда) яширин сулук ва риёзати ҳам бор экан, андоқки, файз оламидан кўнглига баҳра ва насиба етган экан. Табъи ҳам яхши эди. Яна шеър ёзар эди.

Бир гал Ҳинд мулкидан бир заргар Ҳинд подшоҳидан хабар келтириб, Паҳлавонга сўз изҳор қилиб, илтимос етказибди. Паҳлавон бу рубойни ўқибди, рубойи:

*Заргарбачае зи гуфт раҳи Мўлтонро,  
Овард ба ман қоғидаи султонро.  
З-онжоки ману ҳиммати ёрони ман аст,  
Як жав нахарам чунаи Ҳиндустонро.*

Таржимаси:

*Заргар бола англатди раҳи Мўлтонни,  
Келтурди манга қоғидаи султонни.  
Ҳар қайда мену ёроним ҳиммати бор,  
Бир арпага олмам ул Ҳиндустонни.*

*Баёни:* «Заргар бола Мўлтон йўлларида гапирди, султоннинг талабини менга етказди. Қаерда мен бўлсаму дўстларимнинг ҳиммати бўлса, Ҳиндистонни ҳам битта арпага сотиб олмайман».

Аммо ғойибдан унга «Бориш керак» деган ишорат етди. Ҳиндистонга азм қилиб, борди. Ҳинд мулки подшоҳининг бир курашчиси бор эди, Паҳлавонни у билан курашга солиш учун чақирган экан. Бу сўзни Паҳлавон билан мулоқот қилганидан кейин изҳор қилиб, шундай қарор қилинибдики, эртага халойиқни жамлаб, курашга тушадилар.

Кечаси Паҳлавон ўз қоидасига кўра (эҳтиёжманд бўлиб) ёлворган ҳолда мазористон зиёратига бориб, ўз муродини Аллоҳдан сўраб турганида, кўрибдики, ярим кечада бир бузургнинг мазорида бир қари заифа кампир кўп дод-фиғон ва тазарруъ билан: «Худоё, бу келган паҳлавон курашчи маъракасидан менинг ўғлимни шарманда қилиб чиқармагайсан!» – деб Тангрига муножот қилиб ёлбормоқда эди.

Паҳлавон билибдики, у ўша курашчининг онасидир, ўз-ўзига: «Эртага ўша курашчининг қўлида йиқиلىб бераман», деб қарор қилибди.

Эртаси подшоҳ улуғ маърака тузиб, Паҳлавонни чақириб, у курашчи билан курашга солганида, Паҳлавон ўзига ўзи қарор қилганидек, бир-икки ҳамла қилиб талашганидан кейин, унинг қўлида енгил йиқиلىбди.

Шундай нақл қилинадикки, елкаси ерга тегиб, кўзи осмонга тушгач, (кўзидан) ҳижоблар – пардалар кўтарилиб, малакут олами – Илоҳий салтанат олами кўзига жилвагар бўлибди. У подшоҳ ҳам

муроду мақсадига етибди. Аммо Паҳлавонни ўзи чақиртириб, таклиф билан келтиргани учун, муболаға билан риоят ва хурмат-эҳтиром кўрсатиб, суҳбатдошлик йўли билан яшаб турар экан.

Бир кун (Паҳлавонни) овга таклиф қилиб, ўзи билан элтганида, тоғ ови экан, овнинг ортидан қувиб бораётганида, ов қоядан пастга учиб тушибди, подшоҳ ҳам отининг жilовини сақлай олмасдан, икки оёғи камар қироғида қолиб, икки қўли хато бўлганида, Паҳлавон у билан бирга экан, дарҳол қўлини чўзиб, отини минувчиси билан бирга даст кўтариб, текис ерга қўйибди. Подшоҳ ҳайратланиб: «Бунча ҳаддан ортиқ кучинг билан у курашчидан йиқилганинг ажабланарли иш-ку!» – дейди. Шунда Паҳлавон ушбу рубоийни ўқийди:

*Гар бар сари нафси худ амийри – марди,  
Дар ёд гири нукта бигийри – марди.  
Марди набувад фитодаро пой задан,  
Гар дасти фитода бигийри – марди.*

Таржимаси:

*Гар нафсинг учун ҳоким эрурсан – мардсан,  
Ибрат бўлажак сўзни этурсан – мардсан.  
Ҳар кимки йиқилганни тепар – мард эмас,  
Гар ким йиқилур, қўлни тутарсан – мардсан.*

Подшоҳ (у кишидан дуолар сўраб) кўп ниёзмандликлар – ҳожатмандликлар кўрсатади. Паҳлавон қайтиб, Хеваққа келади. Қабри Хевақдадир. (Хевақ – бугунги Хива шаҳри.)

Ҳақ таоло бизга, яъни халқимизга истиқлол неъматини ато қилди, муқаддас ислом динимиз та-

лаблари асосида яшаш бахтини насиб этди, виждон эркинлиги қарор топди. Бу диннинг қиёматгача бирор ҳарфи ва нуқтаси ўзгармайдиган муқаддас Китоби, Қуръон мўъжизасига ноил бўлган Пайғамбари, ҳақ ва ботилни ажратиб берадиган шайх ва олимлари бор. Адаша-адаша ҳидоятни – тўғри йўлни топдик. Энди адашсак, қайга борамиз? Абдулла Ориповнинг «Ҳаж дафтари»дан қитъа:

*Кезиб бу шаҳарни балки ҳоргайсан  
Ва лекин Аллоҳга дилинг ёргайсан.  
Адаша-адаша Маккани топдинг,  
Энди адашсанг гар, қайга боргайсан?!*

### **МАЪНАВИЙ-ЭЪТИҚОДИЙ ТАМОЙИЛЛАРГА ҲУРМАТ САҚЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ**

Диний мавзудаги нотўғри ва кескин қарашлар инсонларнинг эҳтиросини қўзғовчи бўлади ва кутилмаган ихтилофларни келтириб чиқаради. Ҳар бир ижодкор, айниқса, хонанда ва қизиқчилар диний-эътиқодий мавзуларни эрмак қилишдан сақланишлари зарур.

Диний қоида ва тамойиллардан беҳабар бўлган киши миллати, дини, жинсидан қатъи назар, ўз сезгиси, шуури, виждон тақозоси билан инсониятнинг эътиқодий тамойилларини ҳақорат қилмаслиги, унга оддий бир инсон сифатида ҳурмат кўрсатиши зарурдир. Жаҳон адабиётининг энг мумтоз намуналарида талаб доимо ана шундай бўлиб келган. Бизнинг Ўрта Осиё халқларида эса динга, иймон-эътиқодга, илмга, олимга, масжидларга нисбатан ҳурмат сақлаш миллий маданият даражасида

юксалган. Лекин дунё адабиётида шундай қалам-кашлар ўтганки, ўрни келса-келмаса, дин ҳақиқатларини таҳқирлашга ҳаракат қилганлар.

Велимир Хлебников (1885–1922) – истеъдодли рус шоирларидан бири. Қамрови кенг шоир у. Лекин унинг кўзига ислом динининг вакили ҳисобланган мулла «қутурган шахс» бўлиб кўринади:

*«Ручей с холодною водою,  
где я скакал, как бешенный мулла,  
где хорошо...»*

Таржимаси:

*«Муздек сувли жилғалар,  
мен улардан ҳатлаб ўтдим қутурган мулладек,  
қаер бўлса қулайроқ...»*

«Мулла» деган сўз шарқ оламида эҳтиром омилдир. Ҳазрати Мавлоно Абдураҳмон Жомий – Мулла Жомий деб аталадилар. Ҳазрати Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин» асарида у зотнинг маънавий мартабалари ҳақида сўзлаб: «Покиза ҳолатлари Маломатия тариқини шоирлиқ ва муллолиқ тариқида яшурун тутарлар эрди», дейдилар. Илоҳий ишқнинг оташин куйчиси Бобораҳим Машрабнинг оталари Валийбобо «Мулла Валий» деб ном қозонганлар ёки у зотнинг устози Мулла Бозор Охунд – девона, яъни Ҳақ ошиғи «Мулла» деган ном билан улуғланганлар. Ҳазрати Мавлавий Ҳиндистоний ҳам илм аҳли орасида «Мулла Ҳиндистоний» деб машҳур бўлганлар.

Энди Велимир Хлебников шеърига келсак, нима учун айнан «қутурган мулладек» ҳатлаётир муал-

лиф? Балки бирор мулла Хлебниковнинг оиласига нохуш муомала қилдимикин, деб ўйлайсиз. Йўқса, нега «мулла» деган сўзга келганда шоир қутуриш ва дарғазабликни ифода этаётир? Бундай таҳқирловчи ифодалар дунёдаги ҳеч бир шоир зотига ярашмайди!

Шоир Турсун Али бу шеърни ўзбекчага таржима қилган, ундаги «бешенный мулла» иборасини биз «дарғазаб мулла» деб олишни мақбул кўрдик. Токи шеърни ўқиган мусулмон халқ шоирдан нафратланиб, ғазабга келмасин.

## ҲАЙВОННИ АЛДАШДАН ҚАЙТАРГАН ТАЪЛИМОТ

Муқаддас ислом дини ўз Илоҳий манбаларига эга бўлган абадий диндир. Қуръони карим, «Кутуби ситта» – «Олти саҳиҳ ҳадислар китоби», «Кутуби тисъа» – «Тўққиз ишончли саҳиҳ ҳадислар китоби», «Саҳиҳлар», «Сунанлар», «Муснадлар», яна «Риёзус-солиҳийн» («Яхшилар гулшани»), «Ромузул-аҳодис» («Ҳадис маънолари денгизи») каби юзлаб ҳадис китоблари, минглаб тафсир, фиқҳ ва одоб китобларига эга бўлган ва ҳукми то қиёмат кунигача давом этадиган асл Илоҳий дин бу.

Ҳазрати Имом Бухорий муборак китоблари учун ҳадис жамлаганда, бир инсоннинг ўзи-ку ўзи, ҳатто, отаси ёки бобоси ёлғон гапирган бўлса, ўша одамдан ҳадис олмаганлар. Хусусан, ул зот бир гал узоқ манзилга заҳмат чекиб боргач, гўё этагида ем бордек қилиб, отни алдаб чақираётган кишидан ҳадис олмай, орқага қайтганлар, ғийбатдан сақланганлар ва: «Ғийбат борасида Аллоҳ таоло мени сўроқ-са-

волга тортмаслигидан умидим бор», деганлар.

Муовийя ибн Абу Суфён (розияллоҳу анҳу)нинг ўғли – Язид кўп ноҳақ хунрезликлар қилган, лекин ҳаётининг охиридаги баъзи яхши ишлари туфайли динимиз инсонларни унга лаънат айтишдан қайтарган. Буюк шоир ва аллома Сирожуддин Усмон ўший «Омолий» манзумасида ёзадилар:

*Язид ўлгач, ҳеч ким демади лаънат,  
Деса дер ҳад билмас бирор сўзамол.*

Улуғ шайх ва аллома Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий: «Язид каби бир инсонга лаънатни раво кўрмаган бу пок диндан яна қандай айб қидирасиз!» – дейдилар.

## **ЛЕВ ТОЛСТОЙНИНГ БИРЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАЛАБЛАРИ**

Ҳақиқий санъат асари ҳаёт ҳақиқатига асосланиши, халқлар, миллатлар, динлар ўртасида ихтилоф ва фитналарга сабаб пайдо қилмаслиги керак. Буюк ўзбек адиби Шукур Холмирзаев «Танҳолик» асарида буюк рус ёзувчиси Лев Толстойнинг ушбу сўзларини келтиради: «Нега Аллоҳнинг паноҳида ҳамма эркин, бир-бирига дўст бўлиб яшамаслиги керак? Йўқ, ана шундай яшаши лозим. Севги! Ҳамма ҳаракатларимизнинг замирида шу – севги ётиши керак. **Санъатнинг энг улуғ вазифаси эса – инсонларни бирлаштириш, бир-бирига биродар қилишдан иборат».**



## ДАНТЕНИНГ ДУНЁГА ФОШ БЎЛГАН СИРЛАРИ

Машхур итальян шоири Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия» асари ҳақида жаҳон адабиётшунослигида шундай мудҳиш сўзлар борки, у сўзларни қабул қилишга бизнинг муҳитимизда ўқувчи тугул, эҳтимол, унча-мунча адабиётшунос олимлар ҳам тайёр эмасдир, деб ўйлайман. Лекин бугунги кунда халқимизга ва ёшларга дунё эшиклари очилиб кетган, олам аҳлидан яшириладиган сир қолмаган. Данте асарининг сирлари ҳам қачон бўлса-да, очилмай иложи йўқ. Барибир, бор ҳақиқатни қачондир, кимдир ўртага ташлайди.

Дантенинг «Илоҳий комедия» асари юксак санъат намунаси, итальян адабиётининг нодир эпик шеърий асари саналиши билан бирга, дунё халқлари орасига фитна ва нифоқ солган асар саналади. Асар «Дўзах», «Аросат» ва «Жаннат» каби уч қисмдан иборат. Айниқса, китобнинг «Дўзах» қисми 28-бобида мисли кўрилмаган бўҳтон нарсалар тўқилган ва жаҳон олимларининг ҳақли эътирозу ихтилофларига сабаб бўлган.

Ҳар бир зиёлига маълум, адабиётда бадий тўқима, муболаға деган гаплар бор. Лекин ҳар қандай мажоз, бадий тўқима ва муболаға замирида ҳақиқат бўлиши шарт. Айниқса, диний мавзулар ёлғонни ва бўҳтонга асосланган бадий тўқимани кўтармайди.

Агар бадий асарга диний мавзулар асос қилиб олинмаган бўлса, муаллифлар жуда эҳтиёт бўлишлари, билмаган нарсаларини қаламга олиш-

дан сақланишлари, башарий ақли қамрамаган масалаларда асл ҳақиқатдан четга чиқмасликлари лозим. Кўп асрлик адабий ёдгорликлар ҳам илоҳиёт мавзуларида бадиий адабиётга хос бўлган муболаға санъати иш бермаслигини исбот этади.

## «ИЛОҲИЙ КОМЕДИЯ»ГА ОИД ХОЛИС МАЪЛУМОТЛАР

1. Асар Ўрта аср ва Уйғониш даври орасидаги ўтиш босқичида ёзилган, унда гўё ўлимдан кейинги ҳаёт тасвирлангани сабабли ғарб черковлари тарафидан мақбулланган. Асарнинг асл номи «Комедия» бўлиб, кейинчалик – 1360 йилда машҳур адиб Жовани Бакаччо унга «илоҳий» деган сўзни илова этиб, асарни христианлаштирган, яъни унга насронийлик руҳини берган.

2. Данте, ҳаёт ҳақиқатига хилоф равишда, ўз асарида охир замон Пайғамбари, барча набийлар имоми, бутун инсониятга ва жин қавмига Расул бўлган зот, коинотнинг саййиди, яралмишларнинг энг хайрлиси, Аллоҳнинг ҳабиби, бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўзича дўзахга ҳукм қилади ва гўё ичак-човоқлари осилиб тушиб, қаттиқ азобланаётган ҳолда тасвирайди.

3. Данте ўзича улуғ саҳоба, чаҳори ёрнинг тўртинчилари, жаноби Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг куёвлари, хулафои рошидийн, яъни халқни энг тўғри йўлдан бошлаган халифаларнинг бирлари, ҳаёт маҳалларидаёқ жаннатий эканлари башорат қилинган, буюк илм шаҳрининг дарвозаси бўлган ҳазрати Али розияллоҳу анҳуни ҳам ўз ожиз

ақлича дўзахга ҳукм қилади ва бошлари иккига бўлиниб, қаттиқ азобланаётган ҳолда таърифлайди.

4. Ғарб ва Туркия тадқиқотчиларининг ўрганишича, инсониятга кўплаб фойдаси теккан бир қанча машҳур кишиларни Данте фақат христиан бўлмаганлари учун дўзахга ҳукм қилади ва дўзахнинг ойдин жойи бўлмиш Алт Лимбусда деб тасвирлайди. Буларнинг аввалгилари: Ҳомер, Ҳораццо, Овидий, Лукано, Електро, Ҳектор, Салоҳуддин Аййубий, Сукрот, Афлотун, Диоген, Таль, Ҳераклий, Демокрит, Зенон.

5. Турк адабиётшуносларининг фикрига кўра, «Илоҳий комедия»нинг уч қисм қилиб ва ҳар банди уч сатрдан иборат учлик тарзида ёзилишига сабаб, Данте бунда насронийларнинг кейинги тоифасига хос бўлган таслис, яъни «учлик» ақидасини асос қилиб олган. Уларнинг фикрича, Илоҳ уч унсурдан – Ота (яъни, Аллоҳ), Ўғил (Ийсо алайҳиссалом) ва Муқаддас Рух бирлашмасидан иборат эмиш. Бу «Таслис» эътиқоди Қуръони каримнинг Нисо сураси, 171-оятда ботил эътиқод сифатида қораланган ва Аллоҳнинг якка-ягона эканлиги билдирилган.

Нисо сураси, 171-оят маъноси: **«Эй Аҳли Китоб! Динингизда ҳаддан ошманглар. Аллоҳ ҳақида ҳақиқатдан бошқа нарсани сўзламанглар. Марям ўғли Ийсо Масиҳ фақат Аллоҳнинг Расули ва Марямга юборган «Бўл!» деган сўзи(нинг асари) дир ва (Жаброил орқали) Унинг тарафидан (юборилган) бир руҳдир. Аллоҳга ва Унинг расулларига ишонинглар, «(Аллоҳ) учта» деманглар, ўз яхшилигингиз учун буни тўхтатинглар. Аллоҳ бир илоҳдир. У боласи бўлишдан тамоман пок ва муназзаҳдир – шони олийдир. Осмонларда ва**

**ерда бор нарсалар**(нинг ҳаммаси) **Уникидир**. (Тасарруф қилувчи ва сақловчи) **вакийл ўлароқ Аллоҳ кифоядир**».

Насронийлар милодий 325 йилда Император Константиноснинг таъсири билан «таслис» дейилган «учлик бир илоҳ» тушунчасига ўтган эдилар. Уларнинг фикрича, Аллоҳ – ота-ўғил ва муқаддас Рухдан иборат эмиш, яъни Аллоҳ бу уч унсурдан таркиб топган эмиш. Шунинг учун буларнинг биттаси – бир илоҳ, яна учови – бирдан ягона илоҳ эмиш. Шундай қилиб, улар бу мунозарада ширкка тушиб, ҳақ йўлдан озганлар.

Бундай ботил эътиқод яна Моида сурасининг 17, 72–73-оятларида ҳам ошкор этилган. Лекин насронийларнинг ўзларидан чиққан янги давр олимплари бу «учлик» эътиқодининг нотўғри эканини, ҳазрати Ийсо алайҳиссалом Худо эмас, инсон бўлганликлари, таслис – учлик эътиқодининг «Инжил»да мавжуд эмаслиги, «Инжил»ни ўз қўллари билан ўзгартириб, бузиб чиққанларини исбот этиб, инсонларни Аллоҳнинг тавҳидига чорлаганлар.

6. 1300 йилларда Шимолий Италияда сиёсий ва диний бўлинишлар юз беради. Данте папаликни ёқлаган шахслардан бири эди. У 1302 йилда Қора Гуэлфлар билан иттифоқдош бўлган Папа VIII Бонифаке буйруғи билан умрбод сургунга ҳукм қилинади ва Папа: «Агар Данте мамлакатга қайтадиган бўлса, қозиққа боғлаб, оловда ёқилади», деган ҳукмни эълон қилади. Шундай қилиб, Данте умрбод сургунда қолади ва «Комедия»ни ўша даврда ёзади. Аламзада шоир ўз асари орқали душманларидан ўч олишга уринади ва уларни лаънатлайди. Лекин ўзи сургунда хор-зорликда вафот этади.

7. XX асрнинг бошларида «Илоҳий комедия»ни турк тилига таржима қилишга рухсат сўралганида буюк Усманийлар давлатининг сўнгги султони Абдулҳамидхон II (1842–1918) бу куфр тўла асар таржимасига рухсат бермаган ва қаттиқ қаршилик кўрсатган.

8. Покистон адабий журналларидан бири 1975 йилда «Илоҳий комедия»нинг ўзбек тилига таржима қилингани ҳақида танқидий мақола чоп этган ва «Имом Бухорийнинг юртида иймонга ва исломга қарши асар нашр этилди», деб манфий фикр билдирган.

9. «Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» қисми ўзбекчага таржима қилиниб, нашр этилганидан кейин бир неча йил ўтиб, мустақиллик даврида Бухоро уламулари томонидан Ўзбекистоннинг биринчи Президентига таржимон устидан шикоят ва норозилик хатлари ёзилган. Шунингдек, асар тожик тилига таржима қилинган, бир неча йил ўтиб, мустақиллик даврида Самарқанд ва Бухоронинг баъзи дин олимлари Ўзбекистон Президентига шикоят хати йўллаганлар.

Хуллас, билмас эканмиз, бу асар жаҳондаги кўп-лаб фитналарга сабаб бўлган экан.

## **28-БОБ БАНДЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА МУҚАДДИМАСИ**

Бутун дунёдаги соғлом ақл эгаларининг нафрати ва ғазабини қўзғаган нарса асарнинг 28-қўшиғи (яъни, боби) мазмунидир. Унинг муқаддимасида русча таржимадаги матнларга таяниб, «нифоқ ва низо уруғи», «такрорланувчи жазо» ҳақида сўзланади. Бу жазо майдонида гўё Данте ҳазрати Муҳам-

мад пайғамбар (алайҳиссалом), ҳазрати Али, Медици, Курион, Моска, Борн сингари зотларни «мислсиз азобланаётган ҳолда учратар» эмиш. Шоир Аллоҳнинг ғазабидан ҳам, башарият нафратидан ҳам қўрқмасдан, нохуш мисраларни тизади. Дантенинг бу тасвирлари пуч ва асоссиз ақида ўлароқ бутун дунё ислом зиёлилари томонидан рад этилган.

«Комедия»нинг 28-боб, 31-банди изоҳида «Ўрта асрларда христиан динига раҳна солган зот» (?!), «дастлаб христиан динида бўлган» (?!), «тутқаноқ дарди» (?!), «бошидан шамшир еб ўлган» (?!), «дўзахда боши қоқ иккига бўлинган» (?!), «бу парчала нишни англатувчи рамз» (?) каби ақлга ва тарихий ҳақиқатларга тўғри келмайдиган сўзлар тизилган. Чексиз жаҳолат ва ҳақорат натижаси бўлган бу сўзлар соғлом ақлдан чиқадиган гаплар эмаслиги бугунги кунда бутун башариятга маълум.

### **«ИЛОҲИЙ КОМЕДИЯ»НИНГ ТУРКЧА ТАРЖИМАСИГА РУХСАТ БЕРИЛМАГАНИ САБАБИ**

Турк тадқиқотчи олимлари ёзадилар: «Туркияда Султон Абдулҳамид II (1842–1918) замонида Дантенинг асарини таржима қилиш сўралган, лекин Султон Абдулҳамид, бу куфр тўла асар, дея ўта кескин қарши чиққан. Бунинг сабаби ушбу сатрларда яшириндир».

Шундан сўнг Тўққизинчи қопқадаги мудҳиш ҳоллар, жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳақларидаги «ичаклари осилиб тушган» (?!), «лабдан то думғазагача очилиб қолган» (?!), «айлана азобида қолган» (?) деган бўҳтонлар баён қилиниб, сўнг:

*«Бундаги маҳкумлар ҳаёт маҳали  
Жаҳонга солганди нифоқ ва низо,  
Энди жазо тортар, келмишдир гали» –*

деган жойгача мисол келтирилган. Сўз охирида мақола муаллифининг бундай хитоби ҳам бор: «Ҳа, азизим, ислом оламининг Пайғамбари учун бундай тубанлик сафсаталари мужассам бўлган китобнинг Туркияда мусулмон жамоасидан қаршилиқ кўрмагани жуда ачинарли ҳодисадир. Ислом Пайғамбарининг дўзах тубида тилга олиб бўлмас ҳолда тасвирлаган бир китоб ҳақида сўзламоқдамиз» (*Турк тадқиқотларидан*).

Мақола муаллифи ер юзидаги душман тоифалар жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ҳақоратлаш, ҳажв ва карикатура қилишни Данте асаридан ўрганганига ишора қилади. Сўнг 2017 йилда «**Charlie Hebdo**» («Чарлио Хебдо») деган журнал жаноб Пайғамбаримиз алайҳиссаломни карикатура қилгани учун бутун дунё оёққа қалқиганини, шундоқ экан, «Илоҳий комедия» деган бу асардан кўз юмиш мумкин эмаслигини, карикатура қилган шахслар ҳаёти фожиали ўлим билан (портлатиш натижасида) якун топганини эслатиб ўтади.

## **«ИЛОҲИЙ КОМЕДИЯ»НИНГ УРУШ ТАҲДИДИГА САБАБ БЎЛГАНИ**

«Илоҳий комедия» туфайли жаҳонда уруш ўчоғи очилиши ва хунрезлик бошланишига оз қолган. XX асрнинг бошларида Францияда «Комедия»нинг 28-қўшиғи саҳналаштирилган ва сайёр томоша ташкил этилиб, бутун Европа бўйлаб намоиш эти-

лиши эълон қилинган. Шунда Султон Абдулҳамид-хон II Истанбулдаги Франция элчихонасига ташриф буюриб, агар бу томоша амалга ошириладиган бўлса, Туркия Францияга қарши уруш очажагини билдирган. Ҳолбуки, у маҳалда Франция дунёдаги ҳукмрон кучлардан бири эди. Бу маълумот ижтимоий тармоқларда эълон қилинган. Кимга батафсил маълумот керак бўлса, излаб кўриши мумкин.

### **БАШАРИЯТ АДИБЛАРИ УЧУН ХУЛОСА**

Бу далил ва мисолларни нима учун келтирдик? Оқ ва пок қоғоз юзини нима учун нолайиқ, нохуш сўзлар билан қораладик?

Биз ёш ижодкорлар билан суҳбат қурмоқдамиз. Ёшларга дил сўзларимизни баён этмоқдамиз. Хулоса шуки, инсоният эътиқодини ҳақоратлайдиган, халқлар, мамлакатлар, динлар ўртасида жанжал ва фитна қўзғайдиган асар ҳар қанча санъаткорона ёзилган бўлса-да, маънан у санъат асари ҳисобланмайди. Адабиётнинг вазифаси фитнакорлик эмас.

Қуръони каримда шундай гўзал оят борки, маъносига кўра унда: «Бир қавмни ёмон кўрсангизлар, унга хусуматлик бўлсангизлар, бу ёмон кўришингиз ва хусуматингиз сизларни адолатсизлик қилишга ундамасин», дейилади.

Ислом дини ҳақ дин ва ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом ҳақ Пайғамбардирлар. Ўз ноҳақ ақидалари учун ҳақ нарсани таҳқирлаш башар хулқу одоби доирасидаги иш эмас.

Бас, қачон оқ қоғозга юзлансак, илоҳий ва башарий ҳақиқатни, инсониятни бир-бирига дўст



ва муҳаббатли қиладиган сўзларни тизишни ният қилмоғимиз лозим экан.

Муқаддас ислом дини ва Аллоҳнинг ҳақ Расули шарофати билан бутун дунёда зулм ва ноҳақлик барҳам топди, қулдорлик тузуми тугади, хотин-қизларни чўри қилиб хор-зор этиш бартараф этилди, кексалар ва беморларга нафақа тайин қилиш ислом шарофати билан ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу даврларидан қарор топди, адолатли жангларда ҳам кексалар, аёллар ва болаларга озор бермаслик қоидаси ўрнатилди, ер юзида инсонларни оловда ёқиб жазолаш тугатилди, ҳолбуки, насронийлар яқин-яқингача неча-неча улуғ инсонларни оловда ёқиб жазолар эдилар. Исломи дини: «Оловда ёқиб жазолаш – оловни яратган Зотга хос!» деб эълон қилди ва оловда ёқиб ўлдиришни тўхтатди.

Муқаддас ислом дини туфайли оила, насл, молу жон, ақл ва иймон муҳофазага олинди.

Ёлғончидан ҳадис олмаган, умрининг охири яхшилик билан тугаган золимга лаънат ўқишни раво кўрмаган, ҳайвонни алдашни ёқламаган, фақат инсонларга эмас, балки бутун мавжудоту махлуқотга раҳм-шафқат кўрсатишни таълим қилган бу муқаддас динга бўҳтон қилиш қаламкаш зотига ярашмайди.

Бизнинг камтарин хулосамиз ана шундан иборатдир.

## **ДАНТЕНИНГ БЎҲТОНИНИ ГЁТЕНИНГ ҲАҚИҚАТИ БИЛАН ИНКОР ЭТИШ**

Буюк ва некбин олмон шоири, адиби ва мутафаккир Ёҳан Волфганг Гёте, италян шоири Дантедан фарқли ўлароқ ёзади:

«Қуръон бирор одам томонидан ёзилган панду насиҳат ёхуд эрмак учун мутолаа этиладиган китоб эмас, у Илоҳий қонунлар мажмуасидир».

Оламларга раҳмат қилиб юборилган ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломни Данте «низо уруғини сочган», «христиан динига рахна солган» зот деб билса, Гёте у зотни оламларга раҳмат қилиб юборилган ва инсониятни ягона бир динда бирлаштирган зот, деб билади. Мана, буюк адибнинг сўзлари:

«Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса фақат бир нуқтага кўз тикади – бу унинг учун аниқ мақсадни ифодалайди; унга етмоқ учун энг оддий воситалардан фойдаланади.

У маълум бир таълимотни эълон этади ва худди бир байроқ остида халқнинг бошини қовуштиргани мисол, шу таълимот атрофида инсонларни бирлаштиришни ният қилади».

Гёте Қуръони карим ҳақида ёзади:

«Бутун Қуръоннинг мазмуни қисқа суханда чуқур, улкан мазмунни ифодалашдан иборат бўлиб, бу иккиси суранинг қуйидаги оятларида ўз ифодасини топган: «Беҳад меҳрибон ва бениҳоят раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман».

Ва шу ҳақда бир сурада қайта-қайта такрорланади. Эътиқод ва эътиқодсизлик тубанлигу юксаклик каби тақсимланган: жаннат тавба қилганлар учун, дўзах эса инкор этгувчи мункирлар учун ҳозирлаб қўйилгандир. Қуръоннинг энг улуғ мақсади – ўша даврда Арабистон ҳудудида яшаётган уч дин тарафдорларининг бошини бир ерга қовуштиришда кўринади.

Шу сабабли, бу муқаддас Мусхафга иймон келтирганлар Қуръонни одам ёзмаган, балки у аба-

дий, худди Аллоҳ каби абадий бўлган деб ҳисоблайдилар».

Гётенинг бу ҳаққоний сўзларини ким ҳам инкор эта олар эди?

### БУТПАРАСТНИНГ БУТИНИ СЎКМАНГ...

Яратган Зот Ўз муқаддас Каломида мўъминларга бутпарастларнинг бутини сўкмасликни таълим қилади. Анъом сураси, 108-оят (маъноси): **«Уларнинг Аллоҳдан бошқа (қиймат бериб) топинадиган нарсаларини (яъни, бутларини ҳақоратлаб) сўкманглар. Йўқса, улар (ҳам) нодонлик билан ҳадларидан ошиб Аллоҳни сўкиб қўядилар. Биз ҳар бир умматга ўз амалини ана шундай зийнатли (жозибали) кўрсатдик. Сўнгра уларнинг қайтишлари ёлғиз Раббигадир. Шунда У зот уларга (дунёда) қилган амалларининг хабарини берур».**

**«Файзул-Фурқон» изоҳидан:** «Сизлар мўъминлар ўлароқ, у бутпарастларга фақат Исломнинг ҳислат ва гўзалликларидан гапиринглар. Улар илоҳ қилиб олган бут ва бошқа нарсаларини ёмон сўзлар билан сўкмасдан, у нарсаларнинг ботил – беҳуда, ширк ва куфр эканини муносиб сўзлар билан тушунтириш ва қоралаш лозим. Акс ҳолда, улар ғафлат босиб, ўз нотўғри ишларини тасдиқлашга ўтиб олишлари мумкин».

Буюк аллома Исмоил Ҳаққий Бурсавий «Руҳулбаён» китобида ёзадилар:

«Бу оятдан англашиладики, осийлик ва гуноҳга йўл очадиган ишларни (тоатни) тарк этиш вожибдир. Бутларни сўкиш бир жиҳатдан тоат бўлгани ҳолда, кўп улкан гуноҳларга сабаб бўлгани

учун, масалан, Аллоҳни ва Пайғамбарни сўкиш ва билмаган ҳолда гуноҳ эшикларини очишдек ҳаракатга боис бўлгани учун, Аллоҳ таоло тарафидан тақиқланмоқда».

Бутпарастнинг бутини сўкишга рухсат бермаган бу муқаддас диннинг қолган қайси жиҳатидан нуқсон қидириш мумкин? Дунё кенг, борингки, бир саркаш шоирнинг иймони бўлмаса ҳам, лекин инсофи ва башарий виждони бўлиши керак-ку, ахир!

### **МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРНИ ҲАЖВ ҚИЛУВЧИЛАР...**

Азиз ва севимли ёш дўстларим!

Ижодкор одам ҳар бир феъли, ҳар бир сўзи, ҳар бир асари билан халқ ва миллат бирлигини сақлашга ҳаракат қилиши, одамлар, халқлар, динлар ўртасига фитна ва ихтилоф солишдан, аҳолининг тинчлиги ва тотувлигини бузишдан сақланиши зарур.

Баъзан ойнаи жаҳондаги кўрсатувларда, баъзан ҳикоя ёки мақолаларда маънавий-эътиқодий, диний мавзуларни ҳажв қилувчи лавҳаларга шоҳид бўламиз. Олдин айтганимиздек, бу иш, аввало, инсонлик ва виждон эркинлиги тамойилларини ҳурмат қилмаслик бўлади, иккинчидан, диний мавзулардаги нолайиқ чиқишлар эҳтиросни қўзғовчи, инсонларнинг туйғуларини жунбишга келтирувчи бўлади. Бундай ҳажв ва масхаралар аҳолининг аҳиллиги, тинчлиги ва тотувлигига путур етказди. Қаламкаш бундай нозик мавзуларга эҳтиётлик билан ёндошиши лозим.

Масалан, яқин ўтмишдаги гап: ойнаи жаҳонда Мункар ва Накир фаришталар сиймосида баъзи юз-

сизлар қабрдаги сўроқ-саволни масхара қиляпти. Яна мустамлака эмас, мустақиллик замонида! Бу шахслар энг саҳиҳ ҳадисларни, ўз муборак китобида бу мавзунини дарж этган ҳазрати Имом Бухорийни масхара қилишга журъат этишдими? Ёки булар Имом Бухорий, Имом Термизийдан кўра донороқ бўлиб қолишдими? Эй инсон, сени ким бунга мажбур қилди? Балки раҳбарларга, балки шайтонга тухмат қиларсан? Йўқ, сени бунга ундаган хушомадгўй ва ялтоқи нафсингдир.

Қабрдаги сўроқ-савол ҳақидаги маълумот тавотур йўли билан келган ҳақиқатдир. Яъни, бу мавзу ҳар томонлама энг саҳиҳ ҳадисларда баён қилинган. Ҳазрати Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизийлардан бошлаб барча улуғ муҳаддисларнинг китобларида бу ҳадислар кўплаб саҳобалар томонидан бирма-бир ҳолда – баҳам баён қилинган. Эътиқод илмида эса тавотур йўли билан келган ҳадисни инкор қилиш кўфрга сабаб бўлиши мумкин... Ҳолбуки, бундай мавзу ҳазрати Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Энг ишончли ҳадислар тўплами») асарида келган бўлишининг ўзи кифоядир. Юқорида айтдик, у зот отаси ёки бобоси ёлғон гапирган ёки ҳайвонни алдаган одамдан ҳадис олмаганлар.

Улуғ бир шоирнинг «Мен яҳудийман» деган шеъри шўро даврида бир сиёсий сабаб билан ёзилган эди. Унда муқаддас Қуръони каримни таҳқирловчи нохуш сатрлар бор. Яқинда бир китоб дўконинда шоирнинг янги нашр этилган китобини кўриб қолдим. Не кўз билан кўрайки, унда ўша шеър турибди. Ҳолбуки, у шеър энди ўз ижтимоий қувватини

йўқотиб бўлган. Уни китобга киритишга муҳаррир ва ноширларни нима мажбурлади? Яхшиям, Қуръони каримни таҳқирлаган сатрлари қисқартилган экан. Вақтида ҳам атоқли шоирни муқаддас Қуръони каримни ҳақорат қилишга ҳеч ким мажбурлаган эмас.

Қаламкаш ҳар қандай даврда инсонларнинг виждоний тамойиллари, қалб бойлиги, диний эътиқодини таҳқирлашдан сақланиши керак. Бу қалтис ишлар, айниқса, ҳозирги даврда яхшиликка олиб келмайди. Беҳуда эҳтиросни қўзғайди, аҳолининг нотинчлигига сабаб бўлади, холос.

### **ИЖОД АҲЛИДА СОҒЛОМ ҚАЛБ ВА СУБУТ БЎЛМОҒИ КЕРАК**

Азиз ва севимли ёш дўстларим! Ўғилларим, қизларим!

Ижодкор миллат фарзандидир. Ижод аҳлида соғлом қалб, нурли идрок ва субут бўлмоғи керак. Яхшиликка қайтиш, тавбага келиш орқага қайтиш эмас, балки айни олдинга қараб юришдир. Лекин мавқе ва мансабдан ҳовлиқиш, саркашлик ва нодонликда илгарилаш айни орқага кетишдир:

*Қайтиш ҳам турфадир, ҳаёт жумбоқдир:  
Яхшиликка қайтмоқ – олға юрмоқдир.  
Зулмат, жаҳолатда илгари кетмоқ  
Тобора орқага қадам урмоқдир.*

Атоқли ёзувчи Саид Аҳмад умри охирида ўз иймонининг қувватини кўрсатувчи ҳикоялар ёзди, Қуръони каримдан онасўз келтириб, мақсадни равшан очди, «Имом ал-Бухорий сабоқлари» жур-

налининг саволларига жавоблар бериб, ўз диёнатини халқига ошкора билдириб кетди.

Адиб ўз жуфти ҳалоли, ҳассос адиба Саида Зуннунованинг ҳазрати Алихонтўра Соғуний даргоҳларига маънавий покланиш ва файз топиш учун боришларини эслади. Саида опамизнинг Машраб девонини ўқиб, баъзи ифодаларидан қўрқиб кетишларини ҳам яширмади. Машраб шеъриятининг билимдони бўлиш эса улкан фазилат, улуғ бахтдир.

Бир невараси Дўрмондаги боғ ҳовлисида адиб билан бирга турар эди. «Эрталаб мактабга кетаётганида: «Эй Худойим! Кўпнинг боласини ўз паноҳингда асра, кўпнинг боласи қаторида менинг боламни (яъни, неварамни) ҳам ҳам ўз паноҳингда асра!» деб ортидан дуо қилиб қоламан», – дерди Саид Аҳмад.

Баъзи ёзувчилар эса, Ўзбекистон истиқлоли даврида, умрининг охиригача ўзини «худосиз» («атеист») деб эълон қилиб юрган айрим шахслар ҳақида бадиа ёзди. Бунинг халққа, маънавият оламига нима ибратли жиҳати бор эди? Буни тафаккур қилиш ёш қаламкашларнинг ўзларига ҳавола.

\* \* \*

Бир улуғ шоир, Тошкентдаги Санъат саройидаги катта йиғинда яширин кучлар томонидан маҳсус уюштирилган портлаш ва бошқа жиноятларда диндорларни, имомларни, мусулмонларни айбдор қилиб гапирди. Дуодан бошқа имкони қолмаган мусулмонлар бу жиноятга қайси қувват билан қўл уради? Эй инсон, ахир сен ўз буюк аждодларинг, ўз

отанг, онанг мусулмонлар эканини унутдингми? Балки, динни ниқоб қилиб, қинғирликлар содир этувчи қаллоблар йўқ эмасдир. Лекин юртдаги уюштирилган ва катта кучлар томонидан бошқарилган жиноятларда мусулмонларнинг нима айби бор?

Эй инсон, шу қилмишингдан дунёда пок иймону эътиқод билан яшаб ўтган улуғ аждодларинг рози бўладими? Шу феълингдан Қуръони каримни улуғлаган Соҳибқирон Амир Темури рози бўладими? Шу атворингдан иймон қуввати билан абадий ўлмас асарлар ёзган ҳазрати Алишер Навоий рози бўладими? Шу феълингдан Қуръони каримдан кейинги исломий манбанинг мусаннифи бўлган ҳазрати Имом Бухорий рози бўладими? Шу феълингдан «Дил ба Ёр, даст ба қор» («Кўнгил Аллоҳда, қўл ишда бўлсин») шиори билан Аллоҳнинг ишқини қалбларга нақш этган Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари рози бўладими? Шу феълингдан сен билан бир тупроқда яшаётган уламо ва фузало зотлар рози бўладими? Шу феълингдан юртимизда дафн қилинган неча юзлаб азиз-авлиёларнинг руҳлари рози бўладими? Шу феълингдан марҳум отанг, марҳума онанг рози бўладими? Улар рози бўлмаса, сендан Яратган Эгамиз рози бўладими? Яратган Эгамиз сендан рози бўлмаса, дунёю охиратда аҳволинг нима кечади?

Бу нидо фақат бир некбин қалбнинг эмас, балки ҳар бир некбин ва уйғоқ қалбнинг нидосидир. Бу сўзларни айтмоқдан, яқин тарихга бир бор назар солиб ўтмоқдан мақсад шуки, соҳага алоқаси бўлмаган ноҳолис олимларни ҳам, маърифатсиз адиб-



ларни ҳам жамият ичидаги ҳар бир катта-кичик воқеликка аралаштирмаслик лозим. Илми, маърифати ва соҳага алоқаси бўлган тақдирда ҳам, аввало, у инсонларнинг собит виждони бўлсин.

## БУЮК АДИБНИНГ ОБРЎ ВА ШАРАФИ

Шўро мустамлакаси даврида динни афюн деб қоралаш, мулла ва имомларни танқид остига олиш авж олган эди. Октябрь инқилоби (биз уни «Октябрь инқирози» дер эдик) дейилган тўнтаришдан кейин, айниқса, бундай сиёсат авж олган. Шу «урҳо-ур, сурҳо-сур»га қўшилишдан халқимизнинг энг истеъдодли адиблари ҳам четда қолган эмас.

Абдулла Қодирий бир қанча ҳикоя ва мақолаларида чор Россияси босқинчиларининг халқимиз бошига солган кулфат ва қирғинларини жасорат билан қаламга олган. «Шодмарг» («Қувончдан ўлиш» маъносида) ҳикоясида адиб золимларнинг ислом олимлари ва шайхларига қилган сиёсий тажовузларини жузъдан кулл услубида усталик билан фош этган. (Жузъдан кулл – жузъий манзара билан умумий ҳолатини ифодалаш.)

Камина дарсдош дўстим Хондамир Қодирийга: «Улуғ бобонгиз Абдулла Қодирийнинг 20-йилларда ёзган ва «Муштум» журналида чоп эттирган баъзи ҳажвий ҳикояларини бугунги даврда нашр қилмаслик керак, улар халқимизда адиб ҳақида яхши таассурот қолдирмайди», деб кўп марта айтганман. Хондамир Қодирийнинг ўзи ҳам шу фикрда эди.

Афсуски, бугунги истиқлол даврида адибнинг масхара ва қоралов руҳидаги айрим ҳажвиялари алоҳида китоб ҳолида нашр ҳам этилибди, янги сайланма асарларига ҳам киритилибди. Наҳотки, ноширларда оддийгина сезги ва шуур бўлмаса! Афсус! Бу ишлар буюк адибнинг шаънини ерга уриш, у зотни халқнинг ғазабига рўпара қилиш, янги даврда қайтадан бадном қилишдир. Чунки у ҳажвияларнинг баъзилари худосиз жамиятнинг тазйиқига кўра замонасозлик билан ёзилган. Уларда иймон-эътиқод тамойилларига мувофиқ келмайдиган ифодалар бор. Бугунги ношир ва муҳаррирлар ҳар бир ишда давр руҳини, мусулмон халқнинг ҳозирги дунёқараши ва кайфиятини ҳисобга олиши зарур. Қодирий асарларини жонидан яхши кўрадиган қўқонлик ёш бир китобхон дўстим мотамзада ва мусибатзада бир оҳангда: «Сайланмадан Қодирийнинг баъзи ҳажвияларини ўқиб, китобини қўлимга олгим келмай қолди», деган эди. Бас, биз ким бўлсак ҳам, қайси мансаб ва мақомга етган бўлсак ҳам, мусулмон бир халқнинг фарзанди эканимизни унутмаслигимиз лозим.

Адабиёт аҳли ва иймон аҳли яхши билиши лозимки, буюк ёзувчининг «Ўтган кунлар» романи, баъзи ҳикоя ва бадиалари, ўлими олдидан айтган сўнгги гаплари чин маънодаги тавбаси ва иймонининг ҳужжатидир. Бас, энди дунёни тарк этиб, ўз ҳисоб-китоби томон кетган адибни қайтадан ёмонотлиқ қилмайлик.

## ИЛОҲИЙ МАВЗУЛАРНИ ЎЙИН ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Азиз ва севимли ёш дўстларим!

Баъзи шоир ва адибларда сўзга эркалиниш, маъноси ва оқибатини теран ўйламаган ҳолда, диний-илоҳий мавзуларни ўйин қилиш ҳоллари кузатилади. Қай биримизнинг ёшлик маҳалларимизда бундай хатолар ўтган бўлса, тавба қилиш ва хатони ислоҳ этиш имконимиз бор. Дунёдан ўтганларни эса Парвардигор Ўзи кечирсин.

Адабиётимизда мустамлака ва истибдод сиёсати сабабли азиз ва улуғ сиймоларни зарарли шахс қилиб кўрсатиш ҳоллари учрар эди. Бундай хатолар фақат ўзбек адабиётида эмас, балки собиқ шўро тузуми таркибига кирган барча халқлар адабиётида ҳам учрайди. Жумладан, Ўзбекистонга қўшни мамлакатларда ҳам диний тамойилларни қоралаш, муборак ҳаж ва умра маносикларини масҳара қилиш ҳоллари юз берган. Лекин бу хатарли ишга қўл урганлар яхши оқибат топмаганлар.

## «МАСХАРАБОЗЛИКНИ САҲНАДА ҚИЛ...»

Баъзи қизиқчилар диний мавзуларни, ҳаж амаллари, хусусан, шайтонга тош отиш вожиботини кулгуга олишни одат қилишган. Қизиқчи маймун қиёфасига кириб, одамларни кулдириши мумкин, лекин дин шиорларини кулгу қилишга унинг асло ҳаққи йўқ. Баъзи ашулачилар диний мавзуларда ақлига ва оғзига келган гапни гапиради. У ашула санъатида моҳир ва машҳур бўлиши мумкин. Ле-

кин ашулачининг моҳир ва машҳурлиги унга дин мавзуларида жоҳилона гапларни айтиш ҳуқуқини бермайди.

Бир қизиқчи устозига:

– Устоз! Зўр қизиқчи бўлишим учун нима қилишим керак? – дебди.

– Зўр қизиқчи бўлмоқчи бўлсанг, масхарабозликни саҳнада қил, ҳаётда масхарабозлик кетмайди! – дебди устози.

Муқаддас мавзулар билан қизиқчилик қилиш асли саҳнада эмас, ҳаётда масхарабозлик қилишдир. Шунга ўхшаб, баъзи шоирлар ҳам илоҳий мавзуларни мазахга олишдан уялмайдилар.

## **БАШАРНИНГ ЧИЛИМПАРВАР ХАЁЛИ**

Жаҳондаги кўплаб илму маърифат аҳллари Доғистон деганда буюк муршид ва аллома Шайх Шомил ҳазратларини эслайди. У зотнинг босқинчиларга қарши курашиб, сўнг юртдан чиқиб кетишга мажбур бўлганлари, Истанбулга бориб, беназир аллома, боболари Бухорои шарифдан бўлган Нақшбандия шайхи – Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий ҳазратларининг даргоҳларига учраганлари тарихларда баён қилинган. У зот босқин ва нотинчлик даврида ўн туяга юк бўлган нодир китобларини ўн йил давомида у жойдан бу жойга ташиганлар. Бугунги кунда Доғистон ва Чеченистонда Шайхнинг авлодлари бор. 1871 йилда Шайхнинг Калуга шаҳридаги ҳарбий кўриқчиси бўлган, бир неча йил Истанбулда Россиянинг дипломатик вазифадори ўлароқ хизмат қилган Д.Н.Богуславсий Қуръони каримни рус ти-

лига таржима қилган. Шайхнинг улуғлиги, тарбият кўлами, таъсир доирасини англашда шу далилнинг ўзи кифоя қилса керак. Вақтида, Шўро мустамлакаси даврида бир шоир Шайх Шомилдек азиз зотни ҳажв тиғига олиб, шеър битган. Кейин бир тавбасифат шеър ёзиб, хулосада яна аввалги сўзига қайтгандек бўлган. Очиқ айтайин, камина ўша шоир дунё аҳли орасида қанчалик мавқели ва обрўйли бўлса, Достондаги дин, тасаввуф ва маърифат аҳли орасида шунчалик беқадр ва беобрўй шахс эканига шоҳид бўлганман. Кўп ажабланганман, кўп ачинганман. Умрини адабиётга бағишлаган бир шахс ҳақида иймон ва маърифат аҳлининг салбий фикрда бўлиши, албатта, ачинарли ҳолдир!.. Ҳолбуки, улар – шоирнинг ўз ватандошлари, ўз миллатдошлари, маҳдуд ёки мутаассиб шахслар эмас, аксинча, маърифати юксак аҳли зикр кишилар... Муҳтарам ёшлар бу сўзларимни кенгфёзлик билан ўйлаб кўришларини истар эдим.

Ўша шоир бир китобида ёзади: «Наздимда, Аллоҳ таолонинг ўзи ҳам саҳобаларига (?) бирор қизиқ воқеани айтиб беришдан (?) ёки насиҳат қилишдан (?) олдин чилимини тортиб (?), бир нафас хаёлга чўмади (?), ўйлайди (?)».

Қудрати ва раҳмати чексиз бўлган буюк Яратган Зот ҳақида шундай тасаввур қилиш ҳар қандай инсонни беиззат қилади. Бу Парвардигори оламни, бутун оламлар Раббини мазах қилишдан бошқа нарса эмас.

Шоир шеъриятида шундай маърифат ва ҳақиқат нури бўлсинки, уни ҳамма тоифадаги инсонлар виждонан қабул қилсин ва севсин. Зеро, адабиёт

дегани хаёлига келган манфур гапни қоғозга тушириш дегани эмас. Айниқса, иймон аҳлининг назаридан қолишдан эҳтиёт бўлиш керак. Чаҳорёрнинг иккинчилари бўлмиш ҳазрати Умарга – Умарул-одил дея адолат васфига сазовор бўлган зотга душман пичоқ урганида у киши: «Аллоҳ таолога шукрки, у мени мусулмоннинг қўли билан ўлдирмади!» деганлар (*Имом Бухорий, «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ», 3700-ҳадис*).

Демак, диёнат ва фазилат аҳлининг нафрати ва газабидан сақланиш ҳар бир инсон зоти учун, айниқса, ижодкор учун муҳим экан.

## ШОИРНИНГ БЕЎХШОВ «РАССОМ» ЛИГИ

Машҳур ва истеъдодли, мен учун ғоят ҳурматли бир шоир бир шеърида ёзади:

*Барибир, Худонинг расмини  
Ўзимнинг расмимга қараб чизаман!..*

Эй азиз биродарим! «Худонинг расмини чизиш»-га сизни нима мажбур қилди? Ҳавойи нафсдан бошқа ҳеч нарса мажбур қилгани йўқ. Гёте, Толстой, Пушкиндек жаҳон даҳолари Қуръон ва ҳадис нури ва маърифатидан баҳра олиб, шу нур натижасида ўлмас асарлар қолдирган. Сиз шундай абадий манбаларнинг асл эгаси бўла туриб, шу қадар маҳдуд ва тор фикр қиласизми? Ҳақ таоло Қуръони каримда Яратган Зотга, яъни Ўзига ҳеч бир нарса ўхшаш эмаслигини эълон қилади.

Шўро сураси, 11-оят маъноси: «(У) **осмонларни ва ерни йўқдан (илк) яратгувчидир. У сизлар учун ўзларингиздан ҳам жуфтлар, чорва ҳайвон-**

**ларидан ҳам (ўзларидан) жуфтлар яратди. Шу (низом) асос(и)да сизларнинг наслингизни давом эттирур. Ҳеч бир нарса Унга ўхшаш эмасдир. У ҳаққоний эшитгувчидир, кўргувчидир».**

Жаҳоннинг эътиқод илми имоми, тўғри йўл етакчиси, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий айтадилар:

«Аллоҳ таоло бирдир, зотида, сифатларида, исмларида, феълларида ва мулкида шериги йўқ. Аллоҳ жисм эмас ва жавҳар эмас. Шакл, ҳудуд, ўлчов, саноқ ва бўлинишни қабул этмайди.

Аллоҳ араз эмас ва аразлардан холидир. На Ўзи мавжудотга ўхшайди, на мавжудот Унга ўхшайди... Унга ўхшаган нарса йўқ. У ҳеч бошқа нарсага ўхшамайди. Ўлчовга сиғмайди. На ҳар қандай бир ҳудуд ва на томонлар – ҳеч бири Уни ихота этолмайди (қамрай олмайди). Ер, осмон Уни ўз ичига ололмайди. Замон ва макондан муназзаҳдир – покдир, холидир. Бир маконда собит бўлмоғи тасаввур қилинмайди. Вақт, лаҳза, кеча ва кундуз Унинг учун жараён этмайди. Ҳодисалардан мутаассир бўлмайди. Бутун сифатлари заволдан муназзаҳдир» («Тавҳид» китобидан).

Биз Имом Мотуридийнинг авлодларимиз, деб мақтанишни биламиз. Лекин у зотнинг ўлмас таълимотидан бирор насиба олганимиз қани?

## ЭНГ ЯХШИ ИРФОН

2020 йил бошида ижтимоий тармоқда бир ёш шоирнинг «Сезги» деган шеъри пайдо бўлди. Муаллиф ҳар бир нарсада Тангрининг «нуқсини», яъни «нуқсони, айби, камчилигини» сезар экан:

*Ҳар заррада, ҳар бир лаҳзада,  
 ҳар нарсада, ҳар бир ларзада,  
 ҳар юракда, ҳар бир нигоҳда,  
 ҳар савобда, ҳар бир гуноҳда,  
 ...ҳар омадда, ҳар бир кулфатда,  
 ҳар мусибат, ҳар бир ҳикматда,  
 ҳар пойгакда, ҳар битта тўрда,  
 борлиқ деган ҳар битта йўлда  
 Тангрининг нуқсини сезаман,  
 Тангрининг нуқсини сезаман!*

«Нуқс» сўзи – аслида фатҳа билан ёзиладиган «нақс» бўлиб («Ғиёс ул-луғот»), «нақаса» ўзагидан олинган.

نُقَصَانٌ - نَقْصٌ - نَقَصَ – нақаса (нақсун, нуқсонун) –

1) эга бўлмай қолмоқ, кам бўлмоқ, етмай қолмоқ;  
 2) озаймоқ, камаймоқ, қисқармоқ, (сув) пасаймоқ, тушмоқ; 3) озайтирмоқ, камайтирмоқ, нуқсон етказмоқ, талофат етказмоқ, қисқарттирмоқ, (обрўйни) тўкмоқ.

«Нақаса»нинг «Ан-Наъим» ва бошқа қомусларда келган зоҳир маънолари шулардир. Қуръони каримнинг Бақара сураси, 155 («ва нақсин»), Аъроф сураси, 130 («ва нақсин»), Тавба сураси, 4 («лам йанқусукум»), Ҳуд сураси, 84 («ва ло танқусуу») оятларида келган маънолари ҳам шундан иборат.

Бу сўзнинг бошқа зоҳир маъноси йўқ. Бас, «нуқс» – зоҳиран фақат «нуқсон», «айб», «камчилик» деб тушунилади. Инсонлар тушунадиган ва қабул қиладиган маъноси ана шу. Шунинг учун бу йўсинда ўйин қилмаслик ва ақидавий фалокатга қараб юрмаслик керак.



Эътиқод илмида Яратган Зот «мисли, мисоли йўқ, назири, вазири йўқ, тенги, жуфти йўқ, ҳар қандай нуқсон сифатларидан пок ва муназзаҳ» деб айтилади. Яъни, «Беайб Парвардигор» деймиз.

Баски, бундай мавзуларда сўз ўйини қилиб бўлмайди. Зеро, ҳеч бир адабиёт мухлиси ёш шоир назарда тутган бирор бошқа мақсадни қабул қилмайди. Шеърни ўқигач: «Биз Тангридан нуқсон ва камчилик излагандан кўра, аввал ўз нафсимиздаги, ўз ақлимиздаги кибр ва нуқсонни сезайлик ва бартираф этайлик. Олдин ўз жаҳолатимиздаги нуқсонни англайлик», дейди.

Бутун оламлар Парвардигорининг мукамал санъатидан «нуқсон» излашдан эҳтиёт бўлишимиз зарур.

Бутун инсоният учун ибратли ҳикмат бор: «Ким ўз нафсини таниса, албатта, ўз Раббини танийди». Нафсни таниш нимадан бошланади? Қандай яралгани, нимадан дунёга келгани, қайси йўлдан туғилганини билса, маърифатли инсонга шу кифоя. Ниҳоят, у Раббини танийди. Ориф ва ошиқ шоир Мавлавий Жунуний айтадилар: «Келганинг пешоб йўлидир, кибру ҳаво не керак?!»

Ҳазрати Имом Мотуридий таълимоти шарҳида айтади: «Инсон, жин, Ер, осмон, малак (фаришта), шайтон, ҳайвон, ўсимлик, жонсиз мавжудот, жавҳар, маъдан, идрок этиладиган ва ҳис қилинадиган нарсаларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳодисдир – кейин пайдо бўлгандир. Жаноби Ҳақ буларни йўқдан бор қилган. Ҳеч бир нарса йўқ пайтда ёлғиз У бор эди. Кейин мавжудотни яратди. Аллоҳнинг уларни яратмоғи уларга муҳтож бўлганидан эмас, балки

раҳмат ва иродасини ҳақиқатан намоён қилмоқ, ҳикмат ва қудратини изҳор этмоқ учундир» (*Аҳмад Зиёуддин ал-Қумушхонавий*).

Буюк тасаввуф арбоблари айтадилар: «Инсонларнинг руҳини қувватлантиргувчи озиқ бўлмаса, у кучсизланади. Инсон руҳини қувватлантиргувчи нарсалар эса илмдир, иймондир, ирфондир. Инсон учун ўз нуқсонини кўрмоғидек ирфон бўлмагай» («*Тасаввуф ва гўзаллик*»).

Шеър муаллифи аслида истеъдодли шоир. Ижтимоий тармоқда унинг ижодини кузатиб бораман. Ёш қаламкашнинг келажагига ишонганим учун бир оз танқид қилиб ўтдим. Токи истиқболда сўз майдонида ўринсиз фитна ва ихтилофларга дуч келмасин.

## ЖАҲОЛАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

Ёш ижодкорларга яқин ўтмишдан бир мисол келтирмоқчиман. Бундан бир неча йил аввал ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журналлардан бирида «Саркаш саволлар» деган мақола пайдо бўлди. Муаллиф жавобини унча-мунча китобдан ўқиб ўрганиши ёки илму маърифат аҳлидан сўраб, суҳбатлар воситасида билиши мумкин бўлган саволларни ўртага ташлайди, ўзини гўлликка солиб, муқаддас диннинг илдизига болта уришга, диннинг асосларини масхаралашга, инсоннинг яратилиш ҳикмати ва хилқатини таҳқирлашга, инсоннинг инсонлик шарафини ерга уришга, Яратганнинг мумтоз ва маъсум бандалари бўлган пайғамбарларни ҳақоратлашга журъат этади. Муаллиф «йиллаб ер тагида ётган, қорайиб кетган, обдон чириган эски бир ёғоч парчаси»ни мисол келтира-

ди. Унинг фикрича, «Тангрининг улуғ фаришталарию пайғамбарлари ҳам улуғлигида ўзига (мақола муаллифига) ва бояги чиркин ёғоч парчасига яқинроқ» эмиш! Бу ҳам етмагандай, муаллиф: «Шу чирик, онгсиз-шуурсиз ёғоч парчаси устида менинг ихтиёрим қанча бўлса, менинг устимда Парвардигорим иродаси шу қадар» дея Буюк Парвардигорнинг чексиз тасарруфини банданинг иродасига тенглашга ҳаракат қилади. Яна унинг фикрича: «Яратилган махлуқ билан яратган Холиқ ўртасида қандайдир бир ўртача мавқе йўқ» эмиш! Баъзи нуқталарда муаллифнинг қутурган жойлари кўзга ташланади: «Наҳот, яшашдан мақсад – охираат учун захира тўплашдан иборат бўлса? Қишдан тўқ чиқиш учун ёзи билан дон ташиган чумоли сингари?» – дейди бу доно зот (36-саҳифа).

Яратилиш ғояси ва ҳикматидан беҳабар инсон ҳар қандай гапни гапиришдан тап тортмас экан. Бу шундай куфри мужиб сўзларга тўла, бадбўй ва жирканч мақолаки, ушбу ўринда ёш ижодкорлар учун ундан мисол ёки иқтибос келтиришга ҳам одам ҳазар қилади.

Ҳар қандай журнал миллатимизнинг маънавийати ва маърифати юксалишига хизмат қилади, деб умид қилинади. Лекин буюк бир миллат эътиқодини масхара қилиш соғлом ақл соҳибидан чиқадиган иш эмас.

Бундай зиддиятли мавзулар кутилмаган фитналарга сабаб бўлиши шубҳасиздир. Шунинг учун қалам аҳли ўз маҳдуд ҳаёти ичида юравермай, жамиятнинг хилма-хил табақалари фикр-қарашларини холис ўрганиши ва етарли маънавий захираси билан қўлига қалам олиши керак.

## ТАВБА ЭШИКЛАРИ ДОИМ ОЧИҚДИР

«Саркаш саволлар» деган мақола чоп этилганида Тошкент шахрининг ўша вақтдаги бош имом-хатиби, марҳум олим Анвар Қори Турсунов муаллифни суҳбатга чақириб, гаплашганини, унинг тавба қилганини гапириб берган эди. Биз ўзимиз ҳамиша тавба мақомидамиз, бир некбин банда ўлароқ муаллифга ҳам ҳақиқий тавба саодатини тилаймиз. Чунки тавба эшиклари доим очиқдир.

Бу сўзлардан ёш ижодкорлар учун қандай хулосалар чиқади?

Афсус, баъзан одамзод жаҳолати чегара билмай қолар экан. Шундай маҳалда инсон ўзини қўлга олиши, абадий ҳақиқатларга юз буриши, васвасадан ўзини қутқариши зарур бўлади. Қадимги ҳукмдорлар – Намруд ва Фиръавн ҳадларидан ошиб, худоликни даъво қилишди, ҳолбуки, шайтон – шайтон бўла туриб, бундай даъвони қилмаган эди. Ҳазрат Навоий айтадилар:

*Ёмонни, демаки, излол этар экин шайтон,  
Дегил: фасодда мундин этар залолат анга.*

Яъни: «Ёмон кишини шайтон адаштириб, йўлдан оздирар экан, дема, аксинча, баъзан бузғунчиликда ёмон кимсадан шайтонга залолат ва гумроҳлик етади, баъзи инсонлар шайтонни янада адаштириб, янада гумроҳ қилиб қўяди. Яъни, ҳавойи нафсига эргашиб, фасод чиқаришда инсон баъзан шайтондан ўтади».

Шундай маҳалларда беихтиёр Абдулла Ориповнинг ушбу сатрлари хаёлдан ўтади:

*Инсон-ку коинот гултожи азал,  
Ундадир энг олий тафаккур, амал.  
Ҳатто, у тубанлик ичра ҳам танҳо,  
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал!*

### **МУШРИК ДЕГАНИ НИМА ДЕГАНИ ВА КИМЛАР МУШРИК САНАЛАДИ?**

Азиз ва севимли ёш дўстларим! Ўғил-қизларим! Баъзан ҳаётда «Мушрик дегани ўзи нима дегани?» каби саволга дуч келамиз. Яхши билишимиз лозимки, саркашлик ҳолатлари инсоннинг нафси хуржидан келиб чиқади. Эътиқод масаласи нозик масаладир. Одамзод гоҳ билиб, гоҳ билмай, ширкка тушиб қолиши мумкин. Ҳақ таолога бирор нарсани шерик қилгувчилар мушрик дейилади.

Ҳазрати Луқмони Ҳаким алайҳиссалом ширкни «зулмун азийм», яъни «улуғ зулм – улкан ноҳақлик» деганлар. Дунёда зулму ноҳақликнинг турлари кўп: ноҳақ одам ўлдириш, бировнинг молини талаш – қароқчилик, ўғрилик, ғийбат, бўҳтон ва туҳмат қилиш, покнинг номусига тегиш, зинокорлик ва бошқа қабохатлар. Лекин Яратганнинг Зотиға, улуҳияти – илоҳлигига, рубубияти – рабблигига бирор нарса ёки кимсани шерик қилиш энг улкан зулм, энг улуғ ноҳақликдир. Бу илмларни билиб қўйиш ёш ижодкорлар учун бир умрга татигулик фойдадан иборатдир.

Қуръонга кўра, тўрт тоифа инсонлар мушрик, яъни Аллоҳ таолога бирор нарса ёки кимсани шерик қилувчи ҳисобланади:

1. Бутларга, оловга ва (сигир, илон каби) бошқа мавжудоту махлуқотга сиғинувчилар. Булар ўз ақидасига кўра мушрикдир.

*Далил:* Моида сураси, 76-оят маъноси: «(Эй Расулим!) **Айтинг: «Аллоҳни қўйиб, сизларга бир фойда ҳам, зарар ҳам етказишга қодир бўлмаган нарсаларга сиғинасизларми?» Аллоҳ (ҳамма нарсани) ҳаққоний эшитгувчидир, билгувчидир».**

Ҳазрати Шайх Ҳасан Басрий айтадилар: «Аллоҳга қасамки, бутларга сиғинганлар фақат дунёни севганлари учунгина сиғингандурлар».

2. Тоғутга, яъни Аллоҳ таолонинг ҳукмларини қўйиб, ўз ҳукмларини жорий қиладиган шахсларга, ҳукмдор ва подшоҳларга сиғинувчилар.

*Далил:* Зумар сураси, 17–18-оятлар маъноси: **«Тоғутдан (Аллоҳдан узоқлаштирувчи ва илоҳий амрларни бажаришдан қайтарувчи шахсдан) ва унга бандалик қилишдан четланганлар ва Аллоҳга қайтганлар (тавба қилганлар эса), улар учун хушxabар бордир...»**

Араб тилида «тоғут» сўзи ўз маъносига кўра ҳаддан ошувчи ҳар ким ҳақида қўлланади. Қуръонда бу сўз Аллоҳга исён қиладиган ва Унинг ҳукмрон ва Молик эканини инкор этиб, инсонларни ўзига қул бўлишга мажбурлайдиган шахслар ҳақида қўлланади. Тоғут – «Рухул-баён» китобида: «Аллоҳдан бошқа топиниладиган, сиғиниладиган ва қуллик қилинадиган инсонлар, жинлар, шайтонлар каби бутун махлуқот...» дейилган.

3. Дин ҳукмларини ўзгартириб, дин номидан терс ҳукмларни татбиқ этадиган роҳибларга, попларга, хоҳомларга эргашувчилар.

*Далил:* Тавба сураси, 31-оят маъноси: **«Улар Аллоҳни қўйиб, ўз билағонлари (хоҳомлари) ва роҳибларини ҳамда Марям ўғли Масиҳни рабблар қилиб олдилар. Ҳолбуки, уларга фақатгина бир Илоҳ (бўлмиш Аллоҳ)га ибодат қилиш буюрилгандир. Ундан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқ. У Зот уларнинг шерик қилган нарсаларидан пок (ва олий)дир».**

4. Ўз ҳавойи нафсининг хоҳиш-истакларига кўра яшайдиганлар – ўз нафсини ўзига илоҳ қилиб олган худбин, нафспараст кимсалар.

*Далил:* Жосия, 23-оят маъноси: **«Ҳавоий нафсини ўзига илоҳ қилиб олган кимсани кўрдингизми? – у билгани ҳолда (Аллоҳни қўйиб ҳавойи нафсига кул бўлгани учун) Аллоҳ залолатда қолдирган, қулоғини ва қалбини муҳрлаб қўйган, кўзига ҳам парда тортиб қўйган кимсадир. Бас, (айтинг-чи,) уни Аллоҳдан бошқа ким тўғри йўлга ҳидоят қила олур? Ахир, ўйлаб эслатма олмай-сизларми?»**

Ҳавойи нафс ҳоким бўлган жойда гумроҳлик бор. Инсон ўз ҳавойи нафсидан қанча насиба олса, шунча гумроҳликдадир.

Ҳавойи нафс Куръонга қарши бориб, Аллоҳнинг Илоҳлиги ва Рабблигини қабул қилмайдиган кимсаларнинг энг катта бутидир. Исломга бўйсунмаган – мувофиқ келмаган ҳар қандай орзу-истак ва иш-ҳаракат – ҳавойи нафсдир (*«Файзул-Фурқон»*).

Мана, севимли дўстларим, демак, сўз санъати аҳли ўз ижодида ўз шахсини муҳофаза қилиши, айтар сўзи ва қилар иши билан юқорида баён қилинган фалокатларга тушмасликка ҳаракат қилиши зарур экан.

## ДУНЁНИНГ ШАРАФЛИ АЁЛЛАРИ

Азиз ва севимли ёш ижодкорлар! Ушбу суҳбатим ёш қалам аҳллари бўлган она қизларимга бағишла-  
нади.

Маънавият ва валоят оламида ўтган Биби Мар-  
ям (ҳазрати Ийсо алайҳиссаломнинг оналари),  
Осиё (золим Фиръавннинг иймонли аёли), Коинот-  
нинг саййиди бўлмиш жаноб Пайғамбаримиз алай-  
ҳиссаломнинг оналари ҳазрати Омина она, жаноб  
Пайғамбармизни эмизган ҳазрати Ҳалима энага,  
Ҳадичаи Кубро (жаноб Расулуллоҳ алайҳиссалом-  
нинг жуфти ҳалоллари), Оишаи Сиддиқа (жаноб  
Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг Ҳадича онамиздан  
кейинги умр йўлдошлари), Фотиматуз-Заҳро (жа-  
ноб Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг қизлари – рози-  
яллоҳу анҳунна) каби зотлар ёруғ дунёнинг энг ша-  
рафли аёлларидир. Булар Қуръони карим ва ҳадиси  
шарифларда номлари ёки васфлари келган мўъта-  
бар аёллардирлар. Яна тасаввуф оламида Робиъаи  
Адавия, Лубобат ул-Мутаъаббида, Райҳонаи Волиҳа,  
Зайтуна, Умму Али, Умму Муҳаммад, Бибичаи Му-  
нажжима каби нисоун-орифот, яъни валийликда эр-  
каклар мартабасига етган орифа аёллар кечганлар.  
Буларнинг номлари тазкира китобларида, жумла-  
дан, «Насойим ул-муҳаббат»да зикр қилинган.

Усмоний турк олимларидан Ризоуддин Фахруд-  
дин ўғлининг «Машҳур хотунлар» китобида кўп-  
лаб мўътабар аёллар зикр қилинган. «Хотун» де-  
гани бизнинг тушунчамиздаги «хотин», «жуфти  
ҳалол» эмас, балки «устоз ва кайвони мақомидаги  
улуғ аёл» деган маънодадир.



## ШЕЪРИЯТ МАЛИКАЛАРИ ВА ФАҚР МАҚОМИНИНГ ХОДИМАЛАРИ

Шунингдек, адабиёт оламида ҳам Зебуннисо Бегим (XVII аср), Нодирабегим – Моҳлар ойим, аввал Комила тахаллуси билан шеърлар ёзган (XVIII–XIX) Жаҳон Отин – Увайсий (XIX), Маҳзуна Мулла Бошмон қизи (XIX), Муъаззамхон (XIX) каби шоиралар яшаб, ижод қилиб ўтганлар. Улар илму маърифат, одоб-ахлоқ бобида нодир, тасаввуф таълимидан баҳраманд, баъзилари шоҳларнинг қизи ёки умр йўлдоши бўла туриб, фақр – қаноат мақомига юз бурган зотлар эдилар.

Баъзи олимлар Фарғона-Қўқон адабий муҳитида беназир шоиралар етишганини назарга олиб, XIX аср Фарғонаси XV аср Ҳиротидан ўзиб кетган эди, деб қайд этганлар (Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари» китобига қаралсин). Албатта, жаҳон тарихида XV аср Ҳиротига тенг адабий муҳитни топиш қийин. Лекин мазкур таърифда баркамол шоираларни улуғлаш ва олқишлаш ҳисси бор.

## ТЕМУРИЙ НАСЛИДАН ЗЕБУННИСО БУ

(1639–1702)

Шоира, олима, хаттот Зебуннисо Бегимнинг насаб шажараси Соҳибқирон Амир Темурга боғланади. У Ҳиндистондаги Бобурийлар сулоласидан бўлиб, Шоҳ Жаҳоннинг учинчи ўғли Муҳйиддин Муҳаммад – Аврангзеб Оламгирнинг (1618–1707) қизидир. Онаси Дилрасобону Бобур Мирзонинг қизи бўлмиш Гулбадан Бегимнинг авлодидандир.

Шоира туркий-ўзбек тили билан бирга араб, форс тилларини пухта билган, форс тилида ижод этган.

Байт:

*Дур бод аз тан саре, к-оройиши доре нашуд,  
Бишканад дасте, ки хам бар гардани ёре нашуд.*

Таржимаси:

*Тандин айрилсин у бош, гар лойиқи дор ўлмасе,  
Синсин ул қўл, ёр бўйнига агар ёр ўлмасе.*

Рубойи:

*Ман аз даҳани мор шакар металабам,  
Аз хонаи анкабут пар металбам.  
Аз синаи наррашер шир металабам,  
Аз марди параҳнапой зар металабам.*

Таржимаси:

*Мен илон оғзидан шаккар талабман,  
Ўргимчак унидан бол-пар талабман,  
Эркак шер қўксидан сут талаб қилгум,  
Ялангоёқ касдан мен зар талабман.*

Зебунисо Бегимнинг Деҳли шаҳридаги қабртошига ёзилган ўз байти:

*Ба ғайри сабза напўшад касе мазори ман,  
Ки қабрпўши ғарибон ҳамин гиёҳ бас аст.*

Таржимаси:

*Ёпмасин қабрим биров майсадин ўзга ила,  
Ким, ғариб қабрин ёпарга шул гиёҳ басдир ўзи.*

Яъни: «Менинг қабримни бирор киши сабза – майсадан бошқа нарса билан ёпмасин, чунки ғариблар қабрини ёпиш учун шу гиёҳнинг ўзи басдир». Бу гўзал байтда Зебуннисо Бегимнинг юксак

ахлоқи, тавозуъ, хокисорлик ва маърифати барқ уриб турибди.

## **ҲАҚИҚАТ ЁРИНИНГ ВАФОДОРИ – ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ БУ**

(1779–1845)

XV аср Ҳиротига қиёс қилинган XIX аср Қўқон адабий муҳитида уч забардаст шоира етишди: Жаҳон Отин Увайсий, Нодира Бегим, Маҳзуна.

Жаҳон Отин Увайсий 1779 йилда Марғилон шаҳрида туғилиб, 1845 йилда ўша ерда вафот этган. Отаси олим ва фозил зот бўлиб, Жаҳон бонунини ёшлигидан илм-маърифат билан тарбият қилгани, шеър назариётини ўргатгани, у тез фурсатда чиғатой (ўзбек) ва форс мумтоз шоирлари ижодини пухта ўрганиб, маърифатли шоира бўлиб етишгани марҳум олим Тўхтасин Жалолов китобларида баён этилган.

Демак, Жаҳон Отин оила муҳитида хат-саводини чиқариб, онасининг ёнида мактабдорлик қилади. Акаси Охунджон ҳофиздан шеърият илмини ўрганади, аруз вазнини, муаммо санъатини – шеърда сўз ва фикрни яшириш санъатини мукамал эгаллайди.

Қалбан Амир Умархон саройидаги шеър мажлисларига талпинган Жаҳон Отин, ниҳоят, Нодира Бегимнинг таклифи билан Қўқон адабий муҳитига келиб қўшилади, мушоираларда иштирок этади. Саройда Нодира Бегим ва бошқа хотин-қизларга шеърият илмидан дарс бериб, устозлик қилади. Дилшод Отин берган маълумотга кўра, у Нодира

билан Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон каби шаҳарларни кезган. 1842 йилда Бухоро амири Насруллоҳхон Қўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган.

*Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,  
Нечукким, марҳамат ўлсун неча мендек дилафкора.*

*Мени «Ло йадхулун» деб маҳрум этма, боғбон аҳли,  
Азал деҳқони бағрим қонини эккан бу гулзора...*

*Увайсий, юз жафо кўрсанг ҳақиқат ёридин доим,  
Ўгурма юзни андин, солма кўзни ўзга дилдора...*

Қуръони каримдаги «**Ло йадхулуна**» ояти гарчи куфр аҳли ҳақида нозил бўлган эса-да, Увайсий бу восита билан ўз маърифатини намоён этмоқда. Жумланинг тўлиқ шакли:

«Ва йадхулунал-жанната ҳатто йалижал жамалу фий саммал-хиёоти» – «токи туя игнанинг тешигидан ўтмас экан, улар жаннатга кирмаслар». Бунда Аъроф сурасининг 40-ояти маъносига ишорат қилинган.

«Азал деҳқони бағрим қонини эккан бу гулзора» сатри билан эса ҳазрати Момо Ҳавво онамиз ҳазрати Одам Ато отамиз (алайҳиссалом) билан аввал жаннатда яшаганларига, кейин бағри қон бўлиб, жаннатдан туширилганларига ишорат қилмоқда. «Азал деҳқони бағрим қонини эккан бу гулзора» сатрнинг таъвили шудир. «Азал деҳқони» иборасидан мурод Аллоҳ таолодир.

Увайсийга нисбат берилган машҳур муаммолардан бири:

*Бул на гумбаздур – эшиги, туйнугидин йўқ нишон,  
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдур, макон.*

*Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидин олсам хабар,  
Юзларида парда тортуғлуқ, турарлар – бағри қон.*

Бунда яширинган сўз – «АНОР». Шеърда анор доналари гўзал тасвирланган. Лекин шоира бу қисқа ифодада Хон саройи маҳрамхонаси – канизаклар ҳолатига ҳам ишора этмоқда.

**МЕҲРУ МУҲАББАТ МУЛКИНИНГ  
СУЛТОНИ – НОДИРА БЕГИМ  
(МОҲЛАР ОЙИМ) БУ**

(1792–1842)

Моҳлар Ойим – Нодира 1792 йилда Андижон шаҳрида туғилган, 1842 йилда Қўқон шаҳрида қатл этилган. У истеъдодли, маърифатпарвар шоира бўлиш билан бирга, давлат арбоби бўлган. Комила ва Макнуна тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулбий юқори насаб ҳисобланган минг қавмидан бўлиб, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғасидир. Нодира бир ғазалида саййидлар – улуғлар хонадонидан эканини айтиб, барча улуғ аждодларига Аллоҳнинг раҳматини тилайди:

*Сиёдат хонадони – Шоҳ Бобур насли покимен,  
Худоё, раҳмат айла барча аждоди ғизомимни.*

Амир Олимхон укаси Амир Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва уни 1807 йилда Нодирага уйлантиради. Нодира шу хонадонда шеър ёзишни машқ қилади, шоира Увайсий билан танишади, уни муаллима сифатида саройга таклиф этади. Ноди-

ранинг эри Амир Умархон ҳам Амирий тахаллусида кўркам ижод қилган.

Амир Умархон вафотидан кейин уларнинг ўғли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) 14 ёшида (баъзи манбаларда 17 ёшида – тақрибан 1803-06–1842 йиллар) тахтга ўтириб, Қўқон хони бўлади. Лекин давлатни, асосан, Нодира Бегимнинг ўзи идора қилди. Унинг ҳукмронлиги даврида хонлик ҳудудини кенгайтиришга уринилган. Вайрона мулкларни адолат билан обод этиш малика Нодиранинг улуг ғояларидан бўлган:

*Мен ҳам ҳиммат ила эл хотирин шод этай,  
Мулк вайронларин адл ила обод этай.*

Нодиранинг замондоши Қози Абдунаби Хотифнинг ўз достонида ёзишича, Нодира Бегим «гулистондек Чаҳорчаман боғига бориб, Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келган».

Нодира Бегим мадрасалар бунёд этган маликалардан саналади. У бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурдирган. Гўристонни Калондаги Мадрасаи Чалпак, Тақагарлик растазидаги Моҳларойим мадрасасини бино эттирган.

Нодиранинг умри охири фожиали бўлди. Ўғли Муҳаммад Алихон ахлоқий жиҳатдан ҳаддан ошганлиги тарихий манбаларда танқид қилинган. Бухоро–Қўқон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашуви ва тез-тез такрорланиб турадиган ҳарбий тўқнашувлар шунга олиб келдики, Муҳаммад Алихон 1841 йилнинг ноябрида тахтни укаси Султон Маҳ-

мудга топширади. Шунга қарамай, 1842 йилнинг апрелида Бухоро амири Насруллоҳхон Қўқонни забт этди ва гарчи ўзи ислом шариати ҳукмларига қатъий амал қилган шахс бўлса-да, Муҳаммад Али-хонни, унинг укаси Султон Маҳмудхонни ва онаси Нодира бегимни қатл эттиради.

Нодира Бегимдек диёнатли, маърифатпарвар ва олима аёлни ўлдириши Насруллоҳхоннинг мудҳиш хатоларидан саналади.

\* \* \*

Нодира Бегим фақр ва қаноат мақомида ижод қилган бўлса-да, меҳру муҳаббат султони эканини баён этиб, Фарғонанинг фарзоналари – оқил, фозил ва донишмандлари унинг маънавий давлатидан баҳраманд эканини изҳор этади:

*Комила, меҳру муҳаббат мулкининг султониман,  
Давлатимдин баҳравар Фарғонада фарзоналар...*

Нодира шеърларида мажозий муҳаббат, яъни ўз жуфти ҳалоли Амир Умархонга бўлган ошқора муҳаббат изҳорларини ҳам учратамиз. Лекин шоиранинг ошиқ ва ориф қалби Ҳақ таолодан ўзгага ошно бўлишни истамайди:

*Икки оламда умидим Сендин эрмиш, Комила,  
Қилмағил, ё Рабб, Ўзунгдин ўзгаларга ошно!..*

Шўро даврида бузуқ мафкура натижасида Нодира Бегимнинг қабри Амир Умархоннинг ёнидан бошқа жойга – қабристон чекасига кўчирилган.

\* \* \*

Нодира Бегимнинг ўз Девони дебочасида дарж этган энг юксак маърифий шеърларидан бирининг шарҳи:

*Ул Худовандеки, қудрат ошкоро айлади,  
Етти туфроқ узра тўққуз қубба иншо айлади.*

«Ул Яратгувчи Зот ўз қудратини ошкор айлаб, етти қават ер устида тўққиз қуббани (осмонни) бунёд этиб қўйди». Аслида осмонларни ҳам етти қават дейилган. Бу байтнинг таянган нуқтаси:

Талоқ сураси, 12-оят маъноси: **«Аллоҳ етти осмонни ва ердан ҳам уларнинг мислини (айри-айри) яратган Зотдир...»**

*Оламу Одамни халқ айлаб, камоли ҳикмати,  
Халқ аро турлук аломатлар ҳувайдо айлади.*

Ҳақ таоло оламни ва Одамни яратгач, ўз ҳикматининг камолини намойиш этиб, халқ орасида – яралмишлар ўртасида турли аломатлар, белгиларни ошкор қилиб, белгили ва зоҳир қилиб қўйди. Шу белгилардан баъзилари инсонларнинг тиллари, ранглари ва феъллари хилма-хил бўлганидир.

Одамни илк бор тупроқдан яратгани, кейин инсонларни кўпайтириб, ер юзига тарқатгани, инсонга ҳамдам бўлиб, одамзоднинг роҳат топмоғи учун ўз жинсидан жуфтлар яратгани ва ораларига муҳаббат ва меҳрибонлик солиб қўйгани, осмонларни ва ерни яратмоғи, инсонларнинг тиллари, рангларининг хилма-хил бўлмоғи, кечаси ухлаб дам олиши ва кундузи Ҳақ таолонинг фазлу карамидан ризқини қидириши, одамларга қўрқув ва



ёмғирдан умид бериши учун чақмоқни кўрсатиши, осмондан ёмғир тушириб, у билан ўлимидан кейин ерни тирилтириши, осмон ва ер Унинг амри билан (мавжуд тарзида) қоим туриши – Аллоҳ таоло қудратининг далиллариандир. Бу оят-аломатларнинг ҳаммасида, шубҳасизки, тафаккур қиладиган инсонлар учун ибратлар бордир. Буларнинг ҳаммаси Рум сурасининг 20–25-оятларида билдирилган.

*Зарраи хуршиди тобон, қатра – то баҳри ғамиқ,  
Ҳар бири асрори ҳикмат эрди – иншо айлади.*

Порлаб кўриниб турган қуёшнинг заррасидан тортиб, то чуқур уммоннинг бир қатрасигача – ҳар бири ҳикмат сирлари эди, уларни Ҳақ таоло бор қилди.

*Қилди Аҳмадни нубувват осмонида қуёш,  
Ул қуёш анворидин оламни пайдо айлади...*

Ҳақ таоло Инжилда Аҳмад (Фараклит) деб зикр қилинган ва Қуръони каримда билдирилган ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломни нубувват, яъни пайғамбарлик осмонида қуёш қилиб қўйди. Ўша қуёшнинг нурларидан оламни пайдо қилди...

## **ФАЗЛИ ИЛОҲИЙГА ЭРИШГАН МЕҲРИБОН – МАҲЗУНА БУ**

(1811 – ?)

XIX аср Қўқон адабий муҳитида етишган сўзи дуру гавҳар бўлган шоиралардан бири Меҳрибон Мулла Бошмон Охунд қизи – Маҳзунадир. Тахминан 1811 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Қўқоннинг Қатағон даҳаси Мулла Бошмон маҳалласидан бўлиб, отаси маҳалла масжидининг имоми бўлган.

Маҳзуна ота-онасининг қўлида савод чиқарган, араб, форс тилларини мукаммал ўрганган. Ҳазрати Алишер Навоий, Мавлоно Абдураҳмон Жомий, ҳазрати Муҳаммад Фузулий ва бошқа мумтоз сўз санъаткорларининг ижодидан таъсирланган, туркий-ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърлар ёзган.

Ҳаёти ва ижоди ҳақида шоир Фазлий Намангонийнинг «Мажмуъатуш-шуъаро» («Шоирлар зикри жамланган китоб») шеърий асарида маълумот келган. Шунингдек, тазкиранавис Ҳашматнинг «Тазкиратуш-шуъаро» китобида айрим маълумотлар учрайди.

Фазлий ўз тазкирасида Маҳзунанинг оқила ва ҳозиржавоблиги, Қўқонда машҳур шоира эканини айтса, Ҳашмат, Писандий ва тарихчи Аҳмаджон Тўралар ҳам унинг баркамол шоира эканини хабар қиладилар.

Унинг шеърий қобилияти, шахсий фазилатлари ҳақида энг кўп ва илиқ фикрлар ёзиб қолдирган ягона шоир ҳозирча Фазлийдир. Фазлий: «Гарчи ул заифа бўлса ҳам, нутқининг мазмундорлиги жиҳатидан эркаклардан устундир», дейди.

Унинг ҳозирча илм аҳлига маълум бўлган асарлари Фазлий билан бўлган мушоъараси, буюк туркман шоири Махтумқулининг машҳур «Ошиқ бўлмишам» шеърига ёзган татабуъ мухаммаси, форс тилидаги «Саҳбо» ғазалидир.

### **Фазлий шеърий ҳикоясининг насрий баёни**

«Фозил бир кишининг муборак чеҳра, бахт юлдудидек пок қизи бор эди. У ақлу идрокда Зебуннисодек

ягона бўлиб, Қўқонда машҳур шоирадир. У ўз номидек мулойим, меҳрибон эди ва мени имтиҳон қилиб синаб юрар эди. Хурлар рашк қиладиган бу гўзал узоқдан – хат орқали мен билан сўзлашиб турар эди.

Бу ой юзлининг тахаллуси Маҳзуна бўлиб, баланд парвоз хаёли ўзгача эди. Хуштабъ, одобли, шунингдек, маъсума, ифбатли эди. Мен нотовон турли ўй-фикрлар билан унга қандай ғазаллар юбормайин, ул паричеҳра менинг ҳар байтимга гавҳардек пок жавоблар қайтарар эди. Бир кун ул гулчеҳранинг шеърини ўқиб, сўзининг завқ-шавқида беқарор бўлдим. Ва дарҳол уйларига бордим. У мени кўрибоқ: «Шеър ўқинг», деди. Бу нозаниннинг сўзларига таҳсин қилиб, мен ушбу туркий шеърни ўқидим».

Шундан сўнг Фазлий мушоъарани тақдим этган.

### **Мушоъара ва насрий баёни**

*(Шеър айтишув)*

#### **Фазлий:**

*Юз офарин сўзунгга, лубби лубоб кўрмай,  
Арзи жамол этарму оина об кўрмай?*

«Сўзингга юз офарин! Ҳар бир мағз ва моҳиятнинг, ҳар бир ҳодисанинг мағзи, моҳияти ва хулосасини кўрмай туриб, бундай сўз айтиб бўладими? Оина сув билан ювилмай туриб, ҳусну жамолни ўзига акс эттирадими?»

#### **Маҳзуна:**

*Кимдин чиқар бу сўзлар, бағрин кабоб кўрмай? –  
Ганж ўлмағай муяссар, ҳолин хароб кўрмай.*

«Бағри кабоб бўлмаган кишидан бундай ўтли сўзлар чиқадими. Ахир, киши машаққат чекиб, ўз ҳолини хароб қилмай туриб, ганжга – хазинага эриша олмайди».

**Фазлий:**

*Мастураи суханға пўшидалиғ муносиб,  
Маъни арусини, бас, ман бениқоб кўрмай.*

«Сўз ёпинчиғи билан ўранган кишига ёпиниб – ўраниб юриш муносибдир. Бас, у ҳолда мен маъни келинчагини ниқобсиз кўрмайин».

**Маҳзуна:**

*Йўқ айби сўзларимнинг, гар бўлмаса муаддаб,  
Андоқки, ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.*

«Агар адабга мувофиқ, тарбияга мос бўлмаса, сўзларимнинг айби йўқдир. Чунки ўт-майса очиқ ҳавода офтоб кўрмай кўкараверади».

**Фазлий:**

*Майгун лабинг ҳадиси маст этди ғойибона,  
Кайфият ўлди зоҳир, жоми шароб кўрмай.*

«Илоҳий ишқ ила ёнган лабингнинг сўзи мени ғойибона ошиқ қилди, шаробнинг қадаҳини кўрмай туриб, мастлик кайфияти ошкор бўлди».

**Маҳзуна:**

*Бир вазҳ буки, таъбим хом асрамиш замона,  
Чархи сипехрдин ул ҳеч печу тоб кўрмай.*

«Бунга бир сабаб шуки, менинг таъбим осмон-фалак чархидан у ҳеч қийинчилик, тўлғониш ва изтироб кўрмасдан, замона таъбимни хом ҳолда сақлабди, пишгани йўл бермабди».

### **Фазлий:**

*Мундоғки нуктадонсен, ким эрди устодинг?  
Ой касби нур қилмас, то офтоб кўрмай.*

«Сен бунча нуктадон – бунча нозик фаҳм экансан, устозинг ким? Чунки ой – то қуёшни кўрмагунча, қуёшдан нур олмагунча, нур касб этмайди, зиё сочмайди».

### **Маҳзуна:**

*Кўп наҳрлар йиғилса, дарёи пурдур ўлғай,  
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.*

«Кўп дарёлар йиғилса, дурга тўла денгиз пайдо бўлади. Ҳолбуки, мен мискин бир шайху шоб – кексаю ёш бирор устоз, бирор умр йўлдошини кўрмаганман».

### **Фазлий:**

*Бир нукта айла зоҳир, Фазлийни қўйма Маҳзун,  
То кетмайин Намангон, сандин жавоб кўрмай.*

«Бир нозик нуктани – бир инжа сирни ошкор қил, Фазлийни маҳзун, ғамгин ҳолда қодирма, э Маҳзуна, токи мен сендан жавоб кўрмай туриб, Наманганга қайтиб кетмайин».

### **Маҳзуна:**

*Байтул-ҳазан ичинда узлат тутуб бу Маҳзун,  
Фазли илоҳидур бу, йўқса китоб кўрмай.*

«Бу маҳзуна ғамлар уйи ичида узлат тутиб, бу маънавий даражага эришдим, Эй Фазлий, бу фазли Илоҳийдир, йўқса мен китоб кўрмаганман».

Фазлий билан Маҳзуна орасидаги мушоъаранинг тарихи ана шундан иборат. Шу тариқа бу гўзал байтлар дунёга келган. Маҳзунанинг ёрқин истеъдоди ва Худо берган маърифатини англаш учун шу шеърий айтишув кифоядир.

\* \* \*

Камина севимли она қизларимни – ҳар бири ўз Ватанининг она қизлари бўлмиш ёш ижодкорларни поклик салтанатига, илму маърифатга, жасорат ва шижоатга, маънавий баркамолликка ундаш мақсадида тарихимиздаги қалам маликаларини эслаб ўтдим. Ҳаммаларини Ҳақ таоло раҳмат айласин!<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Мумтоз шоиралар ҳақидаги маълумотлар Тўхтасин Жалоловнинг «Ўзбек шоиралари»; Пўлатжон Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» (1-дафтар); «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Нодира – Комила девони китоблари муқаддимасидан олиб жамланди.

## ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ

XX–XXI аср адабиётида ҳам Ойдин (Собирова), Раъно Узоқова, Зулфия, Саида Зуннунова, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Қутлибека, Муҳтарама Улуғова, Фароғат Камол, Зулфия Бобоева каби кўплаб қалам аҳллари етишдилар.

**ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА** – ўзбек адабиётига инқилобий руҳ билан кириб келган янги шеърият авлоди сафидаги забардаст шоирлардан биридир. Ҳамид Олимжондан бошлаб барча шоирлар қадимий Ватанни «Ўзбекистон» деган ном билан куйлаган бўлсалар, Ҳалима опамиз ўз мардона шеъриятида кўҳна юртни Туркистон деб, халқни эса туркий халқим деб куйлаган чин ватанпарвар шоирдир. У шеъриятдаги самимияти ва мавзу кўламининг кенглиги билан Зулфия опанинг шеърий анъаналарини бир неча поғона юқорига кўтарди.

### Шеърий парчалар:

*Мен Туроннинг қадим қўнғироғимен,  
Жаранг берсам, қир-даласи уйғонар...*

\* \* \*

*Қалбга экинг – қадим турк чинорлари тиклансин,  
Қон-қардошнинг чин дўсту чин ёрлари тиклансин,  
Ҳар юракда бир Турон минорлари тиклансин,  
Улуғ мамлакатни қўтаринг!..*

\* \* \*

ИншоАллоҳ, бўлса умр вафоси,  
 Мен халқимнинг суянч тоғи бўларман.  
 Нодиранинг қайта келган садоси,  
 Турк-Туроннинг қўнғироғи бўларман...

\* \* \*

Бор юмушим битиб, кетар маҳалим,  
 Нурай-нурай, йитиб кетар маҳалим,  
 Сўрай-сўрай ўтиб кетар маҳалим  
 Илтижом шу: «Туркистонни хор қилма!»

\* \* \*

Мен оҳ урсам, ҳозир бўлар бир арвоҳ,  
 У – онам. Тинч ўйларидан қўзғолар.  
 Мен оҳ урсам, онам билан уриб оҳ,  
 Туркий сўзлар жойларидан қўзғолар...

\* \* \*

Мусулмонсиз,  
 Ҳар инсон  
 Инсон тарафга юрсин.  
 Бири бирига пешвоз –  
 Имкон тарафга юрсин...  
 ...Ўзин топмоқ истаган –  
 Қуръон тарафга юрсин!

\* \* \*

Тилларидан учмагай оҳ,  
 Кул-кул бўлар зиндону чоҳ,  
 Фақат бор халққа бир Аллоҳ,  
 Биттадан Қуръон керак...



\* \* \*

*Ёлгон деган юк ортган тил осилган –  
Кўп оғир юк, ундан тилни озод эт.  
Бизлар нафс зиндонида қуллармиз,  
Қўлдан келса, бирор қулни озод эт.*

\* \* \*

*Адашган мусулмонмиз,  
Гоҳ суст кетган иймонмиз.  
Лек айнимаган қонмиз,  
Бизни Аллоҳга бошланг...*

**ФАРОҒАТ КАМОЛ** – янги давр ўзбек шеърияти-  
да назирини бўлмаган, юксак шеърини санъати ҳамон  
тадқиқ этилмаган санъаткор шоирдир.

### **Шеърини парчалар:**

*Кўнглим овозидан қалқиб уйғондим,  
Менга сирдош бўлди ўзимнинг кўнглим.*

\* \* \*

*Не кечса – бошингдан кечгани аён,  
Фарёд китобингда саҳфалар бисёр.  
Эй муборак замин, она Туркистон,  
Ҳар тошингда қисмат ёзиғлари бор...*

\* \* \*

*Ўғлон, фурсат етди, ўзлигинг тани,  
Юракка жасорат тилагин кўпроқ.  
Силжитгин зулумот ҳудудларини,  
Бугун сенга муштоқ бу туркий тупроқ...*

**ЗУЛФИЯ БОБОЕВА** – Хўжанд мулкида етишган,  
ўзбек шеъриятининг асл маънодаги янги Зулфия-  
си, ўз сози, ўз овозига эга бўлган, шеърияти ёниқ  
шоирадир!

### Шеърий парчалар:

*Мен юракни киргиздим сўзга,  
Тўкким келмай ерга қадримни.  
Олиб қўйдим янаги кузга  
Сўнгги қувонч, сўнгги дардимни...*

\* \* \*

*Ёруғ ишончимни дўст қил ўзимга,  
Қанча керак бўлса, кўрсатгум сабот.  
Мен истаган каби кўрин кўзимга,  
Онасан, болангни алдама, ҳаёт!..*

\* \* \*

*Кечирилмас ишдир халққа хиёнат,  
Сустлашманг, ўлмасин дину диёнат,  
Юртни босиб кетар қоим қиёмат –  
Айниқса, кетмасин иймоннинг қадри!..*

\* \* \*

*Ҳозирданоқ эслаб, мана,  
Ўйчан кўзим ёшланади:  
Бир ҳаётим бордир яна –  
Ўлган куним бошланади...*

\* \* \*

*Бизнинг қушлар узоқ-узоқ учарлар,  
Аста тўлдиришар осмонимизни.*

*Ўша қушлар юксак эътиқод бўлиб,  
Олис-олисларга чорлайди бизни...*

\* \* \*

*Гарчи ер фарзанди, ернинг эркаси,  
Юрак тупроғида – туғилган жойи.  
Гуллардек мантиқдан юқори улар,  
Туйғулар – гуллардек самовий...*

**ҚУТЛИБЕКА** – шеърияти ҳам шоёни эътибордир.

Умид қиламанки, адабиётшунос олим ва мунаққидларимиз бу беназир шоиралар ижодини янги нуқтаи назардан тадқиқ этадилар.

Аслида адабиётда «эркаклар шеърияти», «аёллар шеърияти» деган гап йўқ. Шеърият яхлит бир шеъриятдир. Лекин орифликда – авлиёликда эркаклар мартабасига етган аёллар бўлганидек, шеъриятда ҳам эркаклар даражасидан ўтадиган мардона аёллар шеърияти бор! Ёш ижодкор қизларим, улкан қалб, улкан дард билан, буюк ғоя ва мақсадлар билан яшашларини, маҳдуд мавзулар доирасини ёриб чиқиб, юксак пардаларда ижод этишларини орзу қиламан. Бу борада тарихимизда яхши мисол ва намуналар борлигини кўрдик, кузатдик.

## ҲАЁ ПАРДАСИ

Шоираларимиз ижодини мақтасак, мақтовга лойиқ сифатлари кўп. Лекин баъзи шоираларимиз ижодида нафсоний истаклар, ошкора изҳорлар, «ўлдим-куйдим»лар, ҳирс ва эҳтирос ҳолатлари учрайдики, уни ўқиб эркак киши ҳам уялади. Ҳар қанча жаҳон шеъриятдан улгу ва ранг олсангиз ҳам, барибир, ўзбек халқининг ўзига хос миллий хусусиятлари бор. Аёл шеъриятида ҳаё пардаси бўлиши керак. Аслида эркаклар шеърида ҳам, аёллар шеърида ҳам ишқий мавзуларда ҳаё ва уят ҳисси зарур. Лекин аёл шеъриятида ҳаё пардаси кўтарилган бўлса, беҳад ўнғайсиз ҳол бўлар экан. Камина ушбу сўзга мисоллар келтирсам, анчагина шоираларимизни хижолатга қўйган бўламан. **Одам ўқишга уяладиган нарсани ёзишга қандай қўл боради?** Ҳар ким ўз шеърларини ҳаё нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши лозим.

Айниқса, вақтли матбуотни мажозий севги изҳорининг майдонига айлантириб олиш жуда ўнғайсиз ишдир.

## ШЕЪРИЯТ ШИФОКОРИ

Нафсоний истак устун бўлган жойда муҳаббат ҳам, шеърият ҳам ҳалокатга яқин бўлади. И.П.Эккерманнинг «Гёте билан суҳбатлар» китобида қизиқ воқеа нақл этилган. Гётенинг котиби ёш бир шоиранинг шеърларини келтириб, унинг ғоят истеъдодли эканини айтади. Суҳбатда улуғ шоирнинг шифокор-табиби ҳам бор эди. Шеърлар қараб чиқилгач: «Бу қиз эрга теккач, шеър ёзишни

ташлайди», – дейишади. «Нега?» – дейилганда, қизнинг севги шеърларида нафсоний истаклар – эҳтирос ва ҳирс кучли экани, қиз турмуш қурғач, шеърга эҳтиёжи қолмаслиги айтилади. Демак, нафснинг муродга етиши севгигагина эмас, истеъдодга ҳам салбий таъсир қилиши англашилмоқда. Камина бу нақлни «Жон ва жонон сирлари» мақоламда келтирганман. Бу ўринда ёшларга фойдали бўлганидан қайта илова этдим.

Бир шоира опамиз ўзлари эслаганлар. Шўро даврида ёш шоира бўлган бу опамиз устоз Абдулла Қаҳҳорга: «Москвага, Олий адабиёт институтига ўқишга бормоқчиман», дейди. Улуғ адиб: «Московда нима қиласиз? Сиз эрга тегинг!» деб тавсия қилади Абдулла Қаҳҳор. Ўйлаб қарасам, бу сўз ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам миллий туйғуни – ҳаё пардасини сақлаш ҳақида айтилган экан.

## АЁЛ ВА АСКИЯ

Шунингдек, сахна асарлари ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида ҳам ҳаё пардаси сақланиши зарур. Баъзи адиблар телевизорни «дилбузар» деб атайди. Бу таъриф баъзан ҳақиқатга мос келиб қолади.

Ўзи ойнаи жаҳонни оз кўраман. Нима нарса маънавий эҳтиёжингизга мувофиқ келса, қабул қиласиз. Акс ҳолда, унинг сизга кераги йўқ.

Бир гал тасодифан кўриб қолдим. Телевиденияда аския бўлаяпти, йиғинда эркаклар билан бирга оилали аёллар, ёш-ёш қизлар ҳам ўтирибди. Аския – уят ва шармандали нарсаларни ниқоблаб айтадиган санъат. Наҳотки, шунга фаросат етма-

са! Аския бор жойда аёл нима қилади, аёл бор жойда аскияга нима бор? Нақадар шармандали ҳол бу!

Аския эркакларнинг хос санъати, унинг усти ялтироқ бўлгани билан ичи қалтироқ, яъни тагида уят гаплар яширинган бўлади.

Вақтида бир ёш олим (кимлигини айтмай қўя қолай) Абдулла Қаҳҳорнинг ҳузурига келиб:

– Устоз, ёрдамингиз керак, аския мавзуйида илмий иш қилмоқчиман, – дебди. Адиб эса:

– Аския – гўнг устида ўсган гул, унинг тагини ковлаб нима қиласиз? – деган экан.

Таги ковланса, бад ҳиди анқийдиган жойда аёллар ўтириши миллий маданиятимизга мувофиқ келмайди. Шунга ўхшаб, аёллар шеъриятида ҳам ҳамиша ҳаё пардаси бўлиши зарур.

## **ДИН АҲЛЛАРИНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛМАЙЛИК**

Азиз ва севимли ёш дўстларим!

Юқорида айтганимиздек, инсоният ва миллат руҳий ҳаётининг бир қисми адабиёт бўлса, улкан бир қисми диндир. Башар ҳаётини бу икки маънавий манбасиз тасаввур этиб бўлмайди. Бизнинг халқимиз Чор Россияси ва Шўро даврини қўшганда, 120 йиллик мустамлака ва истибдод ҳаётини бошидан кечирди. Лекин ўз эътиқоди, иймони, дину диёнатини қўлдан бергани йўқ.

Тарихда Адольф Гитлер бир фашист бўлса, Иосиф Сталин ҳам ундан қолишмайдиган қонхўр эди. Лекин ноҳақлик ва зулм – униси тарафида, мудофаа ва халоскорлик – буниси тарафида бўлди. Гитлернинг собиқ Шўро мамлакатига уруш

очишининг кўплаб сиёсий сабаблари бор. Лекин у ўз ҳужумига бошқа нарсани баҳона қилди. Ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилган «Ўзбекистон мусулмонлари идораси» номли тарих китобида айтилади: «Иккинчи жаҳон урушида фашистлар – Худосиз большевизм ғоясини ер юзидан супуриб ташлашга қарор қилгач, мустабид тузум раҳбарлари СССР халқларининг диндор қисмига эътиқод эркинлиги борасида озгина енгиллик беришга мажбур бўлди» (10-саҳифа)<sup>3</sup>. Яъни, Гитлер: «Большевиклар Худосиз жамият қурди, дунёда Худосиз жамият бўлиши мумкинми? Биз Худосиз жамиятни ер юзидан супуриб ташлашимиз керак!» деган ғояни илгари сурди.

Ўзи фашист бўлса ҳам, Худосиз жамият бўлиши мумкинлигини ақлига сиғдира олмаган. Тўғри, Гитлернинг мақсади фақат бу эмас, унинг сиёсат, иқтисод, тақсимотга оид ёвуз мақсадлари бор эди. Лекин ўз қонли юришига «Худосиз жамиятни ер юзидан йўқотиш»ни сабаб қилди.

Оламшумул хулоса шуки, ҳар бир башар зоти, ҳар бир мавжудоту махлуқот Илоҳий қудратга муҳтождир. Бир инсон кимсасиз оролда, илмсиз, маърифатсиз муҳитда ёлғиз яшаётган бўлса ҳам, ўзидан юксакда бир Илоҳий қудрат борлигини ҳис қилиб яшайди. Инсон табиати Илоҳий кучга тобеъ қилиб яратилган. Бас, шундай экан, инсонларни иймон-эътиқоди учун камситиш, таҳқирлаш ва ҳақоратлаш адабиёт аҳлига ярашадиган иш эмас.

---

<sup>3</sup> «Мовароуннаҳр» нашриёти, Тошкент, 2014.

### «ТОҒАМ РОЗИ БЎЛСИН ДЕСАНГ...»

Устоз Эркин Воҳидов бир воқеани гапириб берган эдилар. У кишининг тоғалари Сахибобоев деган киши, адашмасам, прокурор бўлиб хизмат қилган. Ҳазрати Шайх Алихонтўра Соғуний суҳбатларини бот-бот ташкил қилиб турган. Устоз тоғалари туфайли ҳазрати Соғунийнинг суҳбатларига эришиб, назарларини топишга муваффақ бўлганлар.

«Қуёш маскани» деган достонида тоғалари ҳақида мана бундай меҳрли эътироф сатрлари бор:

*Жигар бўлиб боқди неча мушфиқ кўз,  
Неча дўст-ёр топдим, неча биродар,  
Эсим таниб, менга  
«Тоға» деган сўз  
«Ота» деган сўзга бўлди баробар.*

Демак, тоғалари ота ўрнида у кишини парвариш қилган. Устоз ҳикоя қиладилар:

– Бир кун тоғам айтдилар: «Ўғлим Эркинжон! Мен сени ўстириб-улғайтирдим. Мана, университетда ўқитдим. Энди сен таниқли шоир бўла бошладинг. Агар икки дунёда тоғам мендан рози бўлсин десанг, муқаддас динимизга қарши бирор нарса ёзмагин!»

Устоз айтадилар:

– Шу гапдан кейин бирор мажбурият бўлиб қолганда ҳам, ёки, ҳеч қандай зарурат бўлмай, шунчаки, жамиятга ёқиш учун бўлса ҳам, ҳеч қачон муқаддас ислом динига қарши бирор нарса ёзмадим...

Бу сўз ёшу қари барча қалам аҳлига тегишли



ибратдир. Ҳали вақту соати келадики, жаҳон адабиётининг баъзи машҳур намуналари ҳам иймон нуқтаи назаридан қайта баҳоланади.

XX асрнинг энг муҳташам алломаларидан бўлган ҳазрати Шайх Мавлавий-Ҳиндистоний эндиғина «Ёшлик девони»ни нашр эттирган шоир ҳақида: «Эркин Воҳид деган шоир чиқибди, унинг шеърларида маъно бор», деган эканлар. Бундай азиз зотларнинг назари ва эътирофига эришиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди.

### **МУҲАММАД ИСМИ БОР ЖОЙДА ТАҲҚИР СЎЗЛАРИ БЎЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ**

Камина 1983 йилда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси шеърят бўлимида хизмат қилар эдим. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби улуғ устозлар билан савол-жавоб тарзидаги суҳбатлар ташкил қила бошладим. Бу ишда бош муҳаррир ўринбосари лавозимида хизмат қилган атоқли олим Иброҳим Ғафуров тавсияси ва маслаҳатлари га диққат қилар эдим.

Эркин Воҳидов билан қилган суҳбатим «Шоир ва шеър дунёси» сарлавҳаси билан газетада чоп этилди (1983). Абдулла Орипов билан қилган суҳбатим «Инсон қалби билан ҳазиллашманг» деган сарлавҳа остида босилди (1983, 26 сентябрь). Шундан кейин бош муҳаррир, атоқли адиб Одил Ёқубов мендан ранжигандек бўлиб юрдилар. Гап шундаки, ўша суҳбатдаги баъзи сўзлар гўё Одил Ёқубовга қарши қаратилган экан. Лекин бу тагдор ҳолатдан менинг асло хабарим йўқ эди. Бу сўзлар асар қаҳрамонларининг номлари ҳақида бўлган. Абдулла Орипов

ўша суҳбатда: «Муаллиф қаҳрамонни ёмон кўрса, унга ёмон ном қўймаслиги керак. Чунки ёмон одам онасидан ёмон бўлиб туғилмайди-ку! Ота-онаси бошда унга яхши ном қўйган бўлади. Ҳаққонийлик шуни талаб этади. Йўқса, ўқувчи унинг номига қараб, салбий қаҳрамон эканини, бундан кейинги қилмишлари салбий бўлишини сезиб қолади», деб гапирган.

Бу адабиёт ҳақида самимий, ҳаққоний сўзлардир. Бу, унутмаган бўлсам, номига салбий сифатлар тақалган қаҳрамонлар ҳақида айтилган эди.

Бу гаплар ўз замонида ўтиб кетди. Ўша улуғ устозлар – Одил Ёқубов, Абдулла Орипов оламдан ўтиб кетдилар. Лекин камина улуғ аллома, хожагон-нақшбандия таълимотининг улуғ шайхи Муҳаммад Зоҳид Қўтқу Ибн Иброҳим ал-Бурсавий ҳазратларининг иймон-эътиқодга оид «Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди» асарини, буюк аллома, нодир фақиҳ ва муҳаддис, хожагон-нақшбандия тариқати Кумушхонавия шўъбасининг асосчиси, аждодлари Бухорои шарифдан бўлган азиз шайх – Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий ҳазратларининг «Жомиъ ул-мутун» китобларини таржима қилиб, кўплаб тафсир ва ҳадис китобларини ўқиб, шуни англадимки, Муҳаммад деган исмга нисбатан ҳурмат сақлаш шарт экан ва кимки бу исмга беҳурматлик қилса, унинг жазоси муқаррар экан. Бу ҳурмат коинотнинг саййиди, севикли Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг буюк ҳурматлари туфайли экан. Бу муборак исм ёнига салбий сифатларни тақаш, масалан, «Муҳаммад Чатоқ» деб номлаш оғир гуноҳ ҳисобланар экан.

### «МУҲАББАТИДИН ОТИНГНИ ҲАБИБ АТАБ МАҲБУБ...»

Хулусийнинг «Мажмаъ ул-одоб» китобида: «Бир дастурхон бошида Муҳаммад исмли киши ўтирган бўлса, ўша ерда баракот бўлишига эътиқод қилинсин», дейилади.

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу): «Фарзандларингизга Муҳаммад деб исм қўйсангизлар, бу муборак номнинг ҳурматини сақланглар. Йўқса, асло Муҳаммад деб ном қўйманглар», дея вилоятларга мактуб йўллаганлар (*Ибн Касир*).

Ҳазрати Алишер Навоийнинг «Зиҳи, висолингга толиб тутуб ўзин матлуб» деган наът ғазалини ўқиб, мен бу ҳақиқатга янада қатъийроқ иқрор бўлдим. Матлаъда айтилади:

*Зиҳи, висолингга толиб тутуб ўзин матлуб,  
Муҳаббатидин отингни Ҳабиб атаб Маҳбуб.*

Яъни: «Қандай гўзалдирки, талаб этувчи ҳар бир киши сизнинг висолингизга ўзини талабгор деб билади, зеро, Маҳбуб, яъни севилгувчи Зот бўлмиш Ҳақ таоло сизга бўлган муҳаббати туфайли номингизни Ҳабиб деб атаган».

Зотан, севикли Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг бир исмлари Ҳабибуллоҳдир.

### «ОТИНГ ЖАНОБИҒА КИРГАН...»

Алишер Навоий яна бир байтда айтадилар:

*Отинг жанобиға кирган ҳисоб вақтида,  
Агарчи журми эрур беҳисоб, эмас маҳсуб.*

Яъни: «Сизнинг номингиз даргоҳига кирган киши Қиёмат кундаги ҳисоб вақтида, гарчи гуноҳи беҳисоб бўлса-да, ҳисоб-китобга тортилмайди». Демак, инсон Муҳаммад деб номланган бўлсаю, шу муборак номнинг шарафи ва ҳурматини сақлаб, тўғри иймон-эътиқод ва солиҳ амаллар билан яшаган бўлса, ҳисоб вақтида у ҳисоб-китоб қилинмай, раҳматга ва жаннатга эришади, дейилмоқда.

Ҳазрат Навоий бу хулосани одоб ва тафсир китобларидан олганлар. Шоир девонида бу байтнинг «Итинг ҳисобиға кирган ҳисоб вақтида...» деган шакли ҳам бор. Лекин мен ҳазрат Навоийнинг араб ёзувидаги китобларидан бирида «Отинг жанобиға кирган» деб ёзилганини кўрганман.

Демак, ёшлар, бўлажак улуғ қаламкашлар шеър ёки бошқа асар ёзганларида азиз пайғамбарларга нисбатан, жумладан, севикли Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан, бошқа азиз-авлиёларга нисбатан самимий ҳурмат сақлашлари, уларга зинҳор ва зинҳор беҳурматлик қилиб қўймасликлари зарур экан. Йўқса, бундай асар турли фитналарга, беиззатлик ва беобрўйликка сабаб бўлиб қолади.

## **ХАЙРЛИ ВА МУБОРАК МАНЗИЛЛАР**

Азиз устозларимиз таъкид билан айтар эдилар: «Маънавий жиҳатдан хайрли – баракотли манзиллар уч хилдир: 1. Пайғамбарларнинг қадамлари етган манзиллар. 2. Саҳобаларнинг қадамлари етган манзиллар. 3. Авлиёлар, тариқат пирлари бўлмиш валий зотлар яшаган ёки етишган манзиллар.

Бизнинг диёримизда пайғамбарлар (алайҳимус-

салом), саҳобалар (розияллоҳу анҳум) билан боғлиқ ёдгорликлар бор. Авлиёлар билан боғлиқ ёдгорликлар – мақбаралар эса саноксиздир, кўп шукр.

Термиз яқинидаги Пайғамбар оролида – Аму-дарёнинг ўртасидаги оролда ҳазрати пайғамбар Зул-Кифл алайҳиссаломнинг, Хўжаэлида эса Шамъун Набий алайҳиссаломнинг қабрлари бор, деб эътиқод қилинади. Шунингдек, Узун туманида ҳазрати Абу Ҳурайра, Қарши шаҳри яқинида ҳазрати Убайда ибн Жарроҳ, Сариосиё ва Самарқандда ҳазрати Абдурахмон ибн Афв (розияллоҳу анҳум) каби саҳобаларнинг мақом қабрлари, Самарқандда ҳазрати Қусам ибн Аббоснинг (розияллоҳу анҳумо) асл қабрлари мавжуд.

Юртимизнинг баракоти, шубҳасиз, ана шу маънавий омилларга ҳам боғлиқдир.

## **СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ЭЪТИРОФЛАРИ**

Тилимизда «Соҳибқирон» деган сўз бор. Бу сўз луғатларда: «1) Бахтиёр, бахтга эришган; 2) улуғ подшоҳларга берилган лақаб, жаҳонгир; 3) Илми нужумда – икки сайёра (Зуҳал ва Муштарий) бир-бирига яқинлашган вақтда туғилган бола (бундай бола бахтли, улуғ мартабали бўлади, деб ишонишган)», деб изоҳланади.

Улуғ аллома Ғиёсуддин Ромпурий Мустафоободий «Ғиёс ул-луғот» китобида бу сўзни шарҳлагач: «Бу «Соҳибқирон» лафзи Амир Темурнинг лақабидирки, олти иқлимнинг подшоҳи бўлгандир», деб илова этади. Соҳибқирон Амир Темур дейилишининг боиси ана шу экан.

Соҳибқирон Амир Темур диёримиздаги саҳобалар ва авлиёлар қабрини эъзозлаган, халққа ҳам эъзозлашни амр қилган, ҳарбий сафарларида азиз саҳобаларнинг муборак хокларини Туронзаминга келтиришга уринган. Нақлга кўра, у киши лашкарга, азиз саҳобаларнинг суякларини терига жойлагач, бу хок қайси зотга мансуб эканини ёздириб, боғлатмагунича, қабрдан узоқлашишга рухсат бермаган. Токи кейин муборак хоклар аралшиб, кимники экани номаълум бўлиб қолмасин. Соҳибқирон ҳарбий сафарлари вақтида, Иордания (Урдун) мамлакатида, унинг пойтахти Аммон шаҳридан 60 чақирим чамаси нарида, Фаластинга яқин ерда бўлган ҳазрати Убайда ибн Жарроҳнинг (розияллоу анҳу) муборак мозорини зиёрат қилиб, хокларини Туронзаминга келтирган (*Убайдулла Уватовнинг Амир Темур музейида ўтган Соҳибқирон ҳақидаги суҳбатидан; 2016, апрель*).

Буюк Соҳибқирон бу ишларни нима учун қилган? Албатта, ўз диёрида тинчлик, баракот, хайр бўлиши учун қилган. Ана шу йўсин диёримизда азиз саҳобаларнинг мақом қабрлари пайдо бўлган. Ана шу йўсин диёримизга Қуръони каримнинг энг муборак нусхаларидан бири келиб қолган.

Амир Темур ўз «Тузуқлари»да яна: «Шайхлар, сўфийлар Аллоҳни таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг Каломини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулодда ҳолларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим», – деб лутф этади («*Темур тузуқлари*». «Ўзбекистон» нашриёти, 1996. 84-бет).

**«САЙИДЛАР, ШАЙХЛАР,  
УЛАМО ВА ФУЗАЛО ЗОТЛАРНИ  
ЎЗИМГА ЯҚИН ТУТДИМ»**

Тасаввуф шайхлари ҳамиша жамият билан ҳам-нафас яшаб, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида фаол бўлганлар. Ҳазрати Шайх Нажмуддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлдилар. Ҳазрати Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанд пиримиз «Дил ба Ёр, даст ба кор» шиорини ҳаётга татбиқ этдилар. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор пиримиз вақф муассасасини жаҳон миқёсига кўтардилар. Барча шайхлар, авлиёлар сиёсат, илм-маърифат, давлат бошқарувида диёнатли ҳукмдорларга амалий ёрдам берганлар. Шунинг учун Амир Темур, Хусайн Бойқаро, Заҳируддин Муҳаммад Бобур каби давлат бошлиқлари халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган тариқат пирларига эҳтиром кўрсатганлар. «Темур тузуклари»да Соҳибқироннинг ушбу эътироф сўзлари қайд этилган: **«Сайидлар, шайхлар, уламо ва фузало зотларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доим келиб кетиб, мажлисларимни безаб турдилар. Диний, фикҳий-ҳуқуқий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришар эди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим»** («Темур тузуклари». «Ёзувчи» нашриёти, 1991. 64–65-бетлар).

## АЗИЗ ЗОТЛАРГА НИСБАТАН ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

Улуғ муаррих «Мавлоно Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Соҳибқирон Амир Темур қачон узоқ сафарлардан қайтса, аввало ҳазрати Қусам ибн Аббоснинг (розияллоҳу анҳумо) муборак қабрларини зиёрат қилиб, файз топар, кейин бошқа ишларга машғул бўлар эдилар<sup>4</sup>.

Абу Тоҳирхожа Самарқандий «Самария» китобида айтадилар: «Мавлоно Шарафуддин Али Яздий ўз «Тарихи»да шундай ёзадики, Амир Темур 801 (1399) йилда Ҳиндустон юришидан қайтиб келиб, шаъбон ойида (8 апрель ва май оралиғида) Самарқанддаги Боғи дилкушода бўлган кўшкига қўнди. Олтинчи шаъбонда (13 апрель) Самарқанд ичига кириб, еттинчисида (14 апрель) Қусам ибн Аббоснинг (розияллоҳу анҳу) файз берувчи мазорига зиёрат учун бориб, файзиёб бўлди. Ундан ҳазрати Шоҳ (Қусам ибн Аббос) шарофатли мазори дарвозасининг қаршисида бўлган Туман Оқо хонақоҳига бориб, пешин намозини онда ўтаб, Боғи чинорон сари жўнади...»

## ТАРИХ БЎҲТОН ВОСИТАСИ ЭМАС

Азиз ва севимли ёш дўстларим!

Тарих абадий ибратдир. Лекин ундан ибрат олувчи оздир. Тарихни ўтган улуғ шахслар шаъни учун тухмат ва бўҳтон воситасига айлантирмаслик керак.

---

<sup>4</sup> Қаранг: Абу Тоҳирхожа. Самария, 31-бет.



Улуғ ҳукмдор ва беназир аллома Мирзо Улуғбек ҳақидаги баъзи асарларда улуғ авлиё, Хожакон-нақшбандия тариқати 19-муршиди комили, шайхлар султони, султонлар шайхи – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларини салбий шахс қилиб кўрсатиш кайфияти бор эди. Унутмаслик керакки, бундай асарлар айни шўро мустамлакаси гуркираган, фосид мафкура ҳукмрон бўлган, ҳамма буюк дин арбоблари ва шайхларни қоралаш урфга айланган даврда ёзилган. Баъзи муаллифлар янги истиқлол даврларини кўрмай, дунёдан ўтиб кетдилар.

Айрим тарихий асарларда Мирзо Улуғбек билан Хожа Аҳрори Валий ҳазратларини муҳолиф қилиб тасвирлаш, азиз зотлар руҳига туҳмат қилиш каби тарихий ҳақиқатга зид баёнлар, чалкашлик ва ноҳолисликлар учрар эди. Шунингдек, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг сиймолари ва фаолиятларига ўта салбий муносабат кўрсатилиб, у зотни Мирзо Улуғбек қатлига фатво берган ғоят мутаассиб дин арбоби деб талқин этилар эди. Бугунги кунда бу даъвонинг мутлақо бўҳтон эканлиги кундай равшандир.

Мирзо Улуғбек – Муҳаммад Тарағай ҳижрий 796, милодий 1394 йилда туғилиб, ҳижрий 853, милодий 1449 йилда қатл қилинганлар. Хожа Аҳрори Валий ҳазратлари ҳижрий 806–895, милодий 1404–1490 йилларда яшаб ўтганлар. Мирзо Улуғбек вафот этган йилда Шайх ҳазратлари 45 ёшларда эдилар.

Шунингдек, падаркуш Абдуллатиф қиёфасини тасвирлашда унинг ўз отаси Мирзо Улуғбек ҳақида «диёнатсиз шоҳ», «такаббур», «дахрий шоҳ» дейиши, унинг ноёб китобларини «куфр китобла-

ри» деб аташи, шунингдек, буюк аллома Али Қушчини «иблиси лаъин», «такаббур» деб айтиши далили мустаҳкам бўлмаган гаплардир. Лекин, айниқса, Шайх Низомуддин Хомуш ҳазратларининг тилларидан Мирзо Улуғбек ҳақларида «дахрийлик йўлини тутган муртад» дейилиши мутлақо асоссиз, далил-ҳужжати йўқ тўқимадир. Бировни ёқлашда ҳаддан ошиш дуруст бўлмаганидек, бировни қоралашда ҳам ҳаддан ошиш ва бўҳтон тўқиш дуруст эмас.

Низомуддин Хомуш билан Мирзо Улуғбек воқеаларида нозик бир нуқта бор. Лекин уни гапириш бизнинг ҳаддимиз эмас.

Яна Шайх Низомуддин Хомушнинг Мирзо Улуғбек ҳақларида «алар битган куфр китобларини ўтда ёқмоқ сен учун (Абдуллатиф учун) вожибдир», дейиши, шунингдек, Улуғбекнинг издошлари ҳақида «уларни қатли ом қилиш», «бепарҳез галаи сакларни маҳв этиш (яъни ўлдириш)»ни гўё Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг истаги ва дуоси қилиб кўрсатиш тарихий ҳақиқатга зид гаплардир.

Улуғ зотлар номидан бўҳтон тўқиш адабиётга ярашадиган иш эмас.

## АБЖАД ҲИСОБИДА БИТИЛГАН ТАЪРИХ

«Бобурнома» асарида Мирзо Улуғбекнинг шаҳид бўлиш тарихи ушбу форсий назмда бундай баён қилинган:

*Улуғбек баҳри улуму хирад,  
Ки дунёву динро аз ў буд нушт,  
Зи Аббос шаҳди шаҳодат чашид,  
Шудаши ҳарфи таърих **Аббос кушт.***

Таржимаси: «Илм ва ақл денгизи бўлган Улуғбек дунё ва диннинг таянчи эди. Аббос қўлидан шаҳидлик болини тотди, «Аббос кушт» («Аббос ўлдирди») ҳарфлари ўлим тарихи бўлди».

عباس كشت «Аббос кушт» иборасини абжад ҳисобидаги ҳарфлар билан ҳисоблаганда ҳижрий 853 йил келиб чиқади. Бу милодий ҳисобда 1449 йилдир.

Ҳазрати Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида «Улуғбек Мирзо – донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди», десалар, «Абдулатиф Мирзо – савдони мизож ва васвасий табъ ва девонасор киши эрди. Мундин ўзга дағи ғариб бадфеълликлари бор эрдиким, зикридин беҳижоблик лозим келур. Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отасин ўлтурди», дейдилар.

Энди бугунги даврда ўтган хатоларни тузатиш, тарихий ҳаққониятни тиклаш имкони пайдо бўлди.

Бу сўзлардан чиқадиган хулоса шуки, тарих – ўтмишга айланган ҳақиқатдир. Мафкуравий тазйиқлар билан ёки шахсий дунёқараш сабабли тарихни бузиб кўрсатишга, маънавий ҳаётнинг бе-назир дарғалари бўлган зотларни қоралаб, манфур шахсларни қаҳрамон қилиб кўрсатишга ҳеч қачон, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

## **«ТАРИХИ МУҲАММАДИЙ» АСАРИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИДИР**

Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий» асари ўзбек романчилигининг олий намуна-сидир. Улуғ адиб, аллома ва шоир бу асарни оғир мустамлака ва истибдод даврида ёзган. Бу қатъий

тарихий далил-хужжатларга асосланган асардир. Асар шўро даврида дунё юзини кўрган эмас. Фақат қисмларга бўлиниб, сўнгги ошкоралик ва илк истиқлол йилларида нашр бўла бошлади. Ҳозиргача ўзбек адабиётида бу қадар кўп ададда нашр этилган асар бўлмаса керак. Ориф ва ошиқ муаллиф мустахлак сиёсати буткул барбод бўлишига, озод ва мустақил замонлар келишига, шубҳасиз, қатъий иймон билан ишонган. Асарни ёзгач, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасига ундан нусха топшириб, илмий-ижодий фаолиятида бемалол давом этаверган! Мана, иймоннинг қуввати! Мана, комил эътиқоднинг мукофоти!

Биз эшитганмиз, атоқли адиб Ойбек Навоий асарини неча қайта ишлаган, Соҳибқирон Амир Темур ҳақида маълумотлар тўплаган. Пиримқул Қодиров «Юлдузли тунлар»ни бир неча марта қайта ёзишга мажбур бўлган.

Лекин у аслиятлардан яхлит намуна қолган эмас. Агар адибларимиз бор ҳақиқати билан тарихий асарларни ёзиб, келажакка ишониб, асарларини яширин сақлаб қўйсалар эди, бугун адабиётимиз анча бойиган бўлар эди. Афсус, деймиз. Лекин зўрға ўлимдан қолиб, қўрқувда яшаган марҳум ёзувчиларимизни ҳам айбдор санамаймиз.

## БЕРУНИЙ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Азиз ва севимли ёш дўстларим!

Тарих – абадият деворларига ёзилган ҳақиқатдир. Уни даврлар манфаати ва мафкурасига қараб ўзгартиришга ёки бузиб талқин қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Албатта, ҳар бир тузумнинг ўз мафкураси, ўз ижтимоий-сиёсий йўналиши, давр ва замон талабига кўра, яшаш учун курашиш услублари бўлади. Абу Райҳон Беруний – Муҳаммад ибн Аҳмад (973–1048) дунё илм-фанининг буюк сиймоларидан бўлиб, асарларида ўз даврининг барча фанлари, жумладан, фалакиёт (астрономия), физика, риёзиёт (математика), илоҳиёт, маъданшунослик фанларини қамраган мутафаккир алломадир.

Алломанинг «Осор ул-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асари – ўхшаши йўқ илмий-қомусий асар. Унда инсоният тарихи, эътиқодий қарашлари, яшаш тарзлари ҳақида далил-ҳужжат бўладиган ҳақиқатлар қамралган.

Ёш авлоддан кимки бу асарни ўқиса, ўзи учун мисли кўрилмаган ҳақиқатларни кашф этади. Сўзни қисқа қилиб, асардаги бир неча нуқтага тўхталмоқчиман. Қолгани ёш ижодкор дўстларимнинг ўз ақл-заковатига ҳавола.

1. Асарда «Пайғамбарликни даъво қилган шахслар ва уларга алданиб қолган умматлар» деган боб бор. Беруний боб сарлавҳасида мазкур даъвогар шахслар шаънига «Лаънатуллоҳи ғалайҳим» – «Уларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин» деган сўзни илова қилган. Бу бобда Маздак, Зардушт, Муқанна каби шахслар қаламга олиниб, уларнинг пайғамбарликни, ҳатто баъзилари худоликни даъво қилган шахслар экани исбот этилган.

2. Она ҳар қандай давр ва шароитда ҳам одамзод учун энг шарафли, энг муқаррам, энг мўътабар, меҳрибон зотдир. Инсон фарзанди ва бутун жону жонзот онадан дунёга келади. Илмий таърифга кўра, инсон боласи отадан ажралса, етим ҳисобла-

нади, ҳайвон боласи эса онадан айрилса, етим саналади. Инсон фарзанди онани азиз ва мукаррам тутиши шартдир.

Жаҳон тарихида ўтган ҳар бир пайғамбар онанинг мукаррам зот эканини таъкидлаб келган. Беруний Зардуштга асло тухмат қилмайди, эҳтиёт ва илмий босиқлик билан Зардуштнинг жамиятдан узилиб қолган ва ёнида онасидан бошқа аёл зоти бўлмаган кишига ўз онасига уйланишга рухсат берганини баён қилади. Бу билан унинг асло пайғамбар эмаслигини исбот қилади.

3. Беруний Зардушт келтирган китобнинг луғати, сўз таркибини тадқиқ этиб, унда кўпсўзлик бор эди, деб танқид қилади. Бу билан «Авесто»нинг илоҳий китоб эмаслигини исбот этади. Дарҳақиқат, «Авесто» ўзбекчага таржима қилиниб нашр этилганида илоҳий китоб сифатида эмас, балки маданий ёдгорлик сифатида чоп этилган эди.

4. Оила шарафли, муқаддас ва муборак даргоҳдир. Унинг муқаддаслиги никоҳ орқалидир. Лекин дунё тарихида оиланинг шарафини оёқости қилган, аёлнинг пок фитрати ва ҳақ-ҳуқуқини поймол этган, барча мол-мулк ва хотинлар масаласида одамларни бир-бировларига шерик қилган Муқанна, Маздак каби шахслар ўтганини Абу Райҳон Беруний китобидан билиб оламиз. Беруний уларни далил-исботлари ила қоралайди ва инсонийлик сифатларидан узоқ шахслар эканини фош этади.

5. Ҳар бир инсонинг мол-мулки ва жони – ҳаёти муқаддас ислом дини муҳофазасига олинган қимматли хазинадир. Беруний инсонларнинг моли ва

жонига беписанд қараган ҳамда уларни таҳқир қилган шахсларни башарий хислатлардан йироқ кимсалар сифатида танқид остига олади.

6. Илоҳий китобларини ўз қўллари билан ўзгартирган аҳли китобларнинг ҳолатини далил-исботлари билан фош этади. Чунончи, Ийсо алайҳиссаломни ёки Узайр алайҳиссаломни Худонинг ўғли дегувчиларни қаттиқ танқид қилади.

### ТАРИХАН НОЛОЙИҚ ШАХСЛАР ҚАҲРАМОН БЎЛА ОЛМАЙДИ

Азиз ва севимли ёш дўстларим!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзувчилардан инсонларни жасоратга ундайдиган, уларда қаҳрамонлик туйғуларини уйғотадиган асарлар ёзиш талаб этила бошлаган. Ҳатто миллий озодлик ҳаракатлари вакиллари ҳам қаламга олишга рухсат берилган. Бу маъракадан Муқанна ҳам четда қолган эмас.

Абу Райҳон Беруний «Осор ул-боқия» асарида айтишича, «Муқанна – боши ва юзи беркитилган, демакдир. Аллома ёзади: «Ундан (Баҳофариддан) кейин Муқанна номи билан машҳур бўлган Ҳошим ибн Ҳаким Марвда – Ковакимардон номли қишлоқда юзага келди. **У бир кўзли бўлганидан** юзига кўк шойидан ниқоб тутган эди. Муқанна **ўзини худо деб даъво қилди** ва жасадга кирганини, чунки жасадга кирмасдан олдин биров унга қарай олмаганини (айтди). У Амударё орқали Кеш (Шаҳри-сабз) ва Насаф (Қарши) томонларга ўтди. Ҳоқонга

хат ёзиб, ундан ёрдам сўради, «оқ кийимлилар» ва турклар унинг атрофига йиғилдилар».<sup>5</sup>

Муқаннанинг шахси, ахлоқи ва тузган жамиятининг мафкурасига доир ушбу маълумот ҳар кимни ҳайратлантириши, очиғи, нафратлантириши табиийдир: «Муқанна уларга (бошқаларнинг) **моллари ва хотинларини ҳалол қилди**, қаршилик кўрсатганларни ўлдирди ва (олдинги сохта пайғамбар бўлмиш) **Маздакнинг барча** (йўл-йўриғини) **қонун қилиб берди**».<sup>6</sup> Маздак эса: «**Одамлар барча мол-мулк ва хотинлар масаласида бир-бировларига шериклар**», дея фосид тузум ташкил этган эди. (Қаранг: *Беруний, «Осор ул-боқия», 243-бет.*)

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг «Бухоро тарихи» китобида эса Муқаннанинг «кўзбўямачилик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганган»лиги, «сеҳр илмини яхши ўрганиб олиб, пайғамбарликни даъво қилган»лиги, худоликни ҳам даъво қилганлиги, «жуда хунук, боши кал, бир кўзи кўр» эканлиги, ҳаддан ортиқ тубанлик ва разолатлари баён қилинади<sup>7</sup>.

Беруний тадқиқларидан чиқадиган хулоса шуки, тарихан бузуқ ва жирканч шахслар миллий қаҳрамон бўла олмайди. Уларни миллий қаҳрамон қилиб васф этишга ҳеч бир ижодкорнинг ҳаққи йўқ. Ўтган мустамлака замонларида сиёсий ва мафкуравий тазйиқ билан ёзилган баъзи асарлар борки, бу кун уларнинг муаллифларини қоралайвермайлик,

<sup>5</sup> Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, 246–247-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша асар, 247-бет.

<sup>7</sup> Қаранг: Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент: «Камалак» нашриёти, 1991, 137–146-бетлар.



кенгфеъл ва кечиримли бўлайлик. Лекин ўша шоир ва ёзувчиларнинг яқинлари ҳам тарихий ҳақиқатларни кенгфеъллик билан қабул қилмоқлари ва уларнинг хатоларини ёқлаб, халқ ва зиёлилар орасида уларни бадном қилмасликлари керак.

### **БОСҚИНЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – ИНСОНИЯТ ЭРКИГА ЗИДДИР**

Азиз ва севимли ёш дўстларим!

Адабиёт орқали босқинчиликни ёқлаш ёки қўллаб-қувватлаш инсониятга қилинган буюк хиёнат бўлади. Ёзувчи босқинчиликни, бир мамлакатни зулм билан босиб олиб, бир халққа қарши адолатсиз уришишни қаҳрамонлик қилиб кўрсатмаслиги керак. Бундай иш ҳар қандай ёзувчи учун улуғ жиноят ва чексиз разолатдир.

### **ШОҲГА НОХОЛИС МАСЛАҲАТ БЕРГАН ЁЗУВЧИ**

Буюк адиб Шукур Холмирзаев «Танҳолик» деган беназир ҳикоясида жаҳон адабиётида мумтоз (классик) деб тан олинган айрим машҳур ёзувчиларни улуғ адиб Лев Толстой «ичи бузуқ, беномус, босқинчи» деб танқид қилганини ифода этади. Бу бадий тўқима эмас. Муаллиф бу далилни Толстойнинг ёзишмаларидан олган. Лев Толстой сўзи орқали: «Яхшилик билан ёмонликнинг ўртасида, буларнинг фарқига бормай ўлиб кетган» Достоевскийни, Александр I га берган маслаҳати уят, номуссизлик бўлган, «Нима қилиб бўлса ҳам, Ўрта Осиё билан Туркияни босиб олмоқ керак», деб ёзган Достоев-

скийни фoш этади, «Турклар билан жанг маҳали ўзини тутолмай отини елдириб кетган», «Яшасин Русь қироли! Туркларнинг яна бир тепалиги бизники бўлди!» деб хитоб қилган Пушкинни эслайди, «рус қўшинларини меҳр билан тасвирлаган», «Кавказ ўзимизники бўлади», деб қувонган ёш Лермонтовни танқид қилади, ўшанда ҳам ёвузлик ва босқинчиликни асарининг ғоясига айлантирган Гоголни бу жиҳатдан гапирмайди. Достоевский ҳақида Толстой айтади: «...У – Ўрта Осиё билан Туркияни тезда босиб олишни шоҳга маслаҳат берган босқинчи, қон тўкилишининг тарафдоридир» («Танҳолик»).

Толстой айтганидек: «...Санъатнинг энг улуғ вазифаси эса – инсонларни бирлаштириш, бир-бирига биродар қилишдан иборат».

Шукур Холмирзаевдек санъаткор адиб шўро мустамлакаси даврида бу ҳикояни бежиз ёзмаганини ҳамма тушунса керак.

## **НИКОҲ ВА ТАЛОҚНИНГ ҲАЗИЛИ ҲАМ, ЧЕНИ ҲАМ ҲАҚИҚАТДИР**

Ўрта Осиё халқларининг кўплаб одат ва ахлоқий тамойиллари муқаддас ислом динидан манбаланган. Оғир мустамлака замонларида муайян илмнинг асли қолмаган бўлса-да, халқимиз ҳаётида унинг амалиёти сақланиб қолган. Одамлар ҳазиллашиб никоҳласа ёки ҳазиллашиб талоқ қўйса, никоҳ ёки талоқ воқеъ бўлаверади. Никоҳ ва талоқ масалалари ўта нозик мавзу бўлиб, бадий тўқима, муболаға, ҳазил, ўйин, саҳна ва масха-рабозлик каби нарсаларни кўтармайди. Саҳнада

эрли аёл бошқа эрга никоҳланса, эрли аёлни никоҳлагани учун никоҳлаган одам гуноҳкор бўлади. Ўз жуфти ҳалоли билан роль ўйнаётган актёр хотинига талоқ айтса, талоқ тушаверади. Никоҳ ва талоқнинг ҳазили ҳам, чини ҳам ҳақиқатдир. Бас, ижодкор одам халқ ҳаётини билиши ва асарларида, айниқса, сахна асарларида ўз эҳтиётини қилиши зарур.

## ХАЛҚ ҲАЁТИНИ БИЛМАСЛИК ОҚИБАТИ

Бир вақт ойнаи жаҳон орқали бир сахна асарини кўргандим. Муаллиф ва сахналаштирувчи кишилар халқ ҳаётини билмаганлари учун мудҳиш, фожиавий хатоларга йўл қўйганлар.

Ёш келин ва куёв ҳали чимилдиқ ҳаётини бошламай туриб, куёв бир неча марта келинга: «Отаннинг уйига жўна!», «Бор, уйингга кет!», «Туёғингни шиқиллат!» каби сўзларни айтади. Ҳолбуки, бизнинг шарқ халқларимизда, ўзбек халқида эрнинг ўз жуфти ҳалолига бундай гапларни гапириши асло мумкин эмас. Фиқҳ китобларимизда бундай киноявий сўзлар туфайли эр-хотин ўртасига талоқ тушиши таъкидланади. Агар бу сўзларни кўп бор айтса, охири уч талоққа етиш хавфи бор.

Шунинг учун халқимизда аёли: «Хўжайин, отамникига бораман» ёки: «Онамникига боргим келяпти» деса, эри: «Бор», демас экан, балки «Бориб кел», дер экан. «Бор!» деган сўзнинг ўзидан бир киноявий талоқ вужудга келишидан қўрқиб «кел» сўзини қўшиб қўяр экан. «Кел» сўзини қўшиш билан ўзларини, оилаларини маънавий фалокатдан

ҳимоя қилар эканлар. Қаранг, халқимизда қандай гўзал, қандай юксак одоб намуналари бор!

Нодонлик ва жаҳолатнинг ҳадди – чегараси бўлиши керак. Одамзод бу даражада нодон ва жоҳил бўлмаслиги керак. Айниқса, ёзувчи одам, ижодкор шахс халқ ҳаётини, миллий одоб-ахлоқ асосларини, халқнинг маънавий-эътиқодий тамойилларини ўрганиши ва билиши шарт.

Бундай саҳна асарлари неча-нечалаб оилаларни хонавайрон қилади, неча юзлаб илмсиз ёшларнинг тилига ножоиз, нохуш сўзларни жойлайди, ҳаётини бузади, оқибатдан никоҳи бузилган ҳолда, яъни никоҳсиз ҳолда туғилган болалар яхши ахлоқ ва одобдан маҳрум бўлади. Чунки ҳадиси шарифда: «Зинодан ва ҳайздан туғилган болалар яхши ахлоқдан маҳрум бўлади», дейилган. Бу сўзга асло шубҳа йўқ.

## **БИЗ КИМЛАРНИНГ АВЛОДИМИЗ?**

Биз – кейинги насллар Имом Бухорий, Абу Мансурал-Мотуридий, Имом ат-Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний авлодларимиз, дея мақтанишни биламиз! Лекин уларнинг асарларидаги ахлоқий-ақидавий бирор-бир ҳукмдан хабаримиз борми? Ҳазрати Бурҳонуддин Марғинонийнинг жаҳонга машҳур «Ҳидоя» китобида никоҳ ва талоқнинг ҳукмлари муфассал баён қилинган.

Ҳар бир ижодкор ўз миллатининг маънавий манбаларини ўрганиши, асар ёзганда ўша маънавий ҳукмлар доирасида амал қилиши зарур. Абдулла Қодирий диний ҳукмларда хатога йўл қўймаслиги учун неча-нечалаб дин арбоблари билан суҳбатлар

қилгани адиб ҳақидаги хотиралар ва унинг романларидан маълум. Мустамлака даврида ўтган бир авлод вакиллари диний-маънавий илмларни ўрганишдан маҳрум эдилар. Истиқлол даври қаламкашлари учун эса ҳеч қандай узр йўқ. Қуръони карим, ҳадиси шариф, эътиқод ва одоб илмларини ўрганиш учун ҳозир ҳамма шароитлар мавжуд.

Китобхон дегани сиз билан биз билган ўқувчилардан иборат эмас. Юртимизда, чет элларда илму маърифатдан, эътиқод илмидан хабардор минг-минглаб билимли ўзбек китобхонлари бор. Қалам аҳли ўз асари билан китобхон олдида ўзини хижолатга қўймаслиги керак.

## ДУНЁНИНГ ЖАННАТИ ҚАЕРДА?

Камина ўзим учун ғоят севимли, азиз ва ва қадрли бўлган, ҳаёт йўлимда устоз мақомида турган бир адибнинг баъзи сарлавҳаларини ҳақида холис фикрлар билдирмоқчиман. Бу адиб – халқимизнинг атоқли ёзувчиси, ҳаёт муассифи, шубҳасиз, ҳар бир асарини санъаткорона ёзади. У киши жўшқин қиссаларидан бирига: «Жаннат ўзи қайдадир?» деб сарлавҳа қўйган. Китобда оламшумул маънавий-ахлоқий муаммолар қаламга олинади. Лекин асар номига илк бор кўзи тушган иймонли киши, ҳали ичини ўқимай туриб, сесканиб кетиши мумкин: «Ёзувчи жаннатнинг ҳақ эканига шубҳа қиялптими ёки охиратни инкор қилмоқчимми?» – дейиши турган гап. Камина диний-эътиқодий илмлар анча ривожланган янги, мустақил Ўзбекистон манфаати нуқтаи назаридан гапиряпман. Чунки жаннат ҳақиқати барча Илоҳий динларнинг тамал

ҳақиқатларидандир. Шунинг учун ўқувчини тор фикрлилик, мутаассиблик ёки жаҳолатда айблаганга ҳаққимиз йўқ. Виждон эркинлигига, иймон-эътиқодга дахл қилувчи сўзлар эҳтиросни қўзғовчи, ихтилофларни чиқарувчи, аҳилликка путур етказувчи бўлади.

Ўқувчи китобни ўқиб, то гап бошқа ёқда эканини англагунича анча вақт ўтиб кетади.

Адиб бунинг ўрнига: **«Дунёнинг жаннати қайдадир?»** деб сарлавҳа қўйса эди, ҳам эътиқодга хилоф ифодадан, ҳам маломатдан қутулган бўлар эди, ҳам беназир сарлавҳага ҳам эга бўлар эди. Чунки қиссада охиратдаги асл жаннат ҳақида эмас, балки бу дунёнинг жаннати ҳисобланган жаннатсифат манзилни излаш ҳақида гап боради.

### **«БУ ҚИРЛАР – ДУНЁНИНГ ЖАННАТИ»**

Ҳақ таоло мен фақир у ҳақида анча йил нақшбандия тариқатининг улуғ шайхи, беназир аллома Аҳмаджон Маҳдум Ҳанафий-Нақшбандий ҳазратларининг суҳбат ва хизматларида бўлиш саодатини насиб этди. У кишининг Ҳожи Иқрооруддин Бободеган дўстлари бўлар эди. Тўполондарёнинг ёқасида сўлим боғи бўлиб, биз бир гал ўша боғда суҳбат қурганмиз.

Суҳбатда эътиборли ўқув даргоҳининг раҳбари Мавлон Раҳмонов деган дўстимиз ҳам иштирок этди. Айни баҳор мавсуми, кўкламнинг гуркираб яшнаган маҳали. Дўстимиз соҳилдаги гўзал манзаралар, дарёнинг у бетидаги кўм-кўк қирларни кўриб: «Оҳ, жаннат, жаннат!» – деб юборди. Камина

эътиқод тамойилларидан хабардор бўлганим учун бу гапдан чўчиб: «Ҳазратдан сўрайлик-чи, бу гап дурустмикан?» – дедим. Сўнг: «Ҳазрат, бу манзараларни жаннат дейиш мумкинми?» – дедим. Шайх ҳазратлари табассум қилиб: «Ҳа, булар – дунёнинг жаннати-да!» – дедилар. Демак, дунёнинг гўзал манзилларини «Дунёнинг жаннати» дейиш мумкин экан.

Бас, мазкур асарда осойиш ва оройиш истаганлар – дунёнинг жаннатини излаган кишилардир. Бу гапларни адибнинг ўзига айтиб қўйишим ҳам мумкин ва осон эди. Лекин бу сўзларда ҳозирги ёшлар ва келажак авлод учун улкан ибратлар борлигини ўйлаб, ошкор ёзишни мақбул санадим.

## ОШИҚЛИК БЎЙ-БАСТ ТАНЛАМАЙДИ

Шарқ оламининг маънавий ҳаётида бировнинг бўй-бастидан кулиш, уни камситиш ёки таҳқирлаш қабилида гапириш жоиз ҳисобланмайди. Улуғларимиз: «Яратганнинг иморатига истехзо қилманг!» дейишар эди. Масалан, «Новча», «Узун», «Пакана», «Пакар» каби сифатларни қўллашдан сақланган яхши эканини уқтиришарди.

Севимли адибимиз бир асарига «Пакананинг ошиқ кўнгил» деб ном қўйган. Ундан кўра «Ошиқ кўнгил» деб номланса, бағоят ажойиб бўлар эди. Ўқувчи китобни ўқигач, гап пакананинг севгиси ҳақида бораётганини билиб олаверади.

Ёзувчи: «Муҳаббат бўй-баст танламайди» демоқчи. Бу айтиш ҳақиқат! Шундай экан, сарлавҳада ошиқнинг бўйига урғу бериш шарт эмас эди. Бас, қиссанинг ҳақиқий номи – «Ошиқ кўнгил».

«Ототийнинг туғилган йили» қиссаси ҳақида қирқ йил аввал (1978 ёки 1979 йил) юракдан самимий тақриз ёзганман. Тақриз «Шеърият ва руҳият» китобимга киритилган. Лекин бу қисса номининг ҳам улуғ шоир, азиз зот Шайхзода Атоий шаънига мос келмайдиган нозик тарафлари бор.

## **ИЧКИЛИК БАЛОСИНИНГ АДАБИЁТГА ЕТКАЗГАН ТАЛОФАТЛАРИ**

Азиз ва севимли ёш дўстларим! Ўғилларим, қизларим!

Маст қилувчи ичимликлар барча нопокликларнинг онасидир. Ичкиликдан кўплаб нопокликлар туғилади. Баъзи шоир ва ёзувчиларнинг ичкиликка берилиши адабиётга улкан талофатлар етказди.

Бу шундай ўнғайсиз мавзуки, халқнинг пешқаддам вакиллари бўлган қалам аҳли, зиёлиман деган шахслар, миллатнинг маънавий раҳнамолари ва муаллимлари ҳисобланган шоир-ёзувчилар ҳақидаги «ичар экан», «ичкиликка берилган экан», «масту расво юрар экан» деган гаплар нақадар тубан тавсифлардир. Ичкиликка берилиш виждонни йўқотиш, ор-номусдан, онгли фаолиятдан жудо бўлиш, шу билан бирга, ижод барокотидан маҳрум бўлишдир.

Мен билган баъзи улуғ истеъдод соҳиблари ичкилик туфайли беиззат ва беҳурмат бўлдилар, йиллар бўйи онгли ва нурли фаолиятдан маҳрум яшадилар.



**ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ...**

Устоз Эркин Воҳид ёзганларидек:

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат,  
лек ширин ёлғон ёмон,  
Шу ширин ёлғонга лекин  
алданиб қолғон ёмон.*

Маълумки, маст қилувчи ичкиликка берилиш одати Ўзбекистонга ва бошқа мустамлака мамлакатларига босқинчи халқлар орқали кириб келди. Бу мусибатни энди Россиянинг ўзи ҳам ўз халқининг бошидан дафъ этолмай сарсон. Тамоман тақиқлаб қўяй деса, хусусий мусалласчилар кўпайиб, бадтар зарарлироқ ичкиликлар ишлаб чиқарилади; ўз ҳолига қўяй деса, халқ соғлом ва онгли фаолиятдан, инсоний хислатлардан тобора маҳрум бўлиб боради. Ичкилик туфайли эркак эркаклигидан, аёл аёллигидан маҳрум бўляпти. Мустақиллик бўлганига неча йиллар тўлса-да, лекин ичкилик разолати ўзбек ва бошқа қўшни халқлар шоир-ёзувчиларини ҳамон тарк этгани йўқ. Тўғри, ақлини юритган, тафаккур қилиш лаёқатига эга бўлган адибларнинг бир қанчаси ўзини ўнглаб олди, ҳаётини бу фалокатдан қутқарди, лекин ҳали анчагина инсонлар ҳаётида бу разолат давом этмоқда.

Ичкиликнинг ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти учун қандай зарарли жиҳатлари бор? Қаламкашнинг шахсий ва оилавий ҳаётига, соғлом онгли меҳнатига ичкиликнинг қандай таъсири бор? Агар мен бунга шарҳ ва далилни муқаддас ислом дини манбаларидан келтирсам, баъзи дўстлари-

мизга малол бўлиб, бу бирёқлама иш бўлиб туюлиши мумкин. Агар шарҳ ва далилни фақат дунёвий жиҳатлардан келтирсам, ақлий мантиқим тан олинмаслиги мумкин. Шунинг учун камина кенгфеъллик билан бу масаланинг шарҳини дунё тарихидаги барча илоҳий динларнинг моҳиятидан келтирмоқчиман. Шунда ҳар бир ёш дўстим инсоф тарозусини ишга солиб, ўзи одилона хулоса чиқариш мумкин.

Камина «Ислом ва оила» деган бир китобда барча ҳаққоний илоҳий динларда муштарак бўлган асослар ҳақида, бешта нарсани муҳофаза қилиш учун бешта тақиқ қўйилгани ҳақида ажойиб маълумотни ўқиган эдим. Улар қуйидагилардир:

1. Барча илоҳий динларда диёнат – иймон муҳофаза қилинган. Бунинг учун ботил эътиқодлар, шахсга ва бошқа мавжудоту махлуқотга сиғинишлар, бутпарастлик ва тоғутпарастликлар тақиқланган. Буни билдириш учун пайғамбарлар юборилган.

2. Барча илоҳий динларда ақл муҳофаза қилинган. Бунинг учун ақлни бузувчи ва кетказувчи ичкилик, чеккилик, гиёҳвандлик каби нопок нарсалар тақиқланган.

3. Барча илоҳий динларда инсоннинг жони муҳофазага олинган. Бунинг учун инсоннинг жонига хавф соладиган ишлар: ноҳақ одам ўлдириш, уриш, озор ва азият етказиш тақиқланган.

4. Барча илоҳий динларда инсоннинг мол-мулки муҳофаза қилинган. Бунинг учун ўғрилиқ, қароқчилик, судхўрлик, порахўрлик каби нотўғри ишлар тақиқланган.

5. Барча илоҳий динларда инсон насли муҳофаза қилинган. Бунинг учун ноқонуний муомалалар: зино – никоҳсиз жинсий алоқалар, бекордан бекорга оилаларни бузишлар тақиқланган. Токи инсоннинг насли пок, тоза ва соғлом сақлансин, тайинли ота ва онадан баркамол авлодлар дунёга келсин, ҳайвонларга ўхшаб ота-онаси нотайин бўлиб қолмасин.

Инсоф билан айтганда, ҳозирги замон қонунларида ҳам бу муҳофаза ва тақиқларнинг баъзилари ўз аксини топган.

Демак, баъзан ҳаётда бир нарсанинг муҳофазаси учун бир тақиқ зарур бўлар экан. Албатта, аввалда илоҳий бўлган баъзи динлар йиллар ва асрлар оша ўз илоҳий моҳиятини йўқотганлигини, шу боисдан бу тамойиллар муқаддас ислом динида кучлироқ сақланганини китобхон яхши тушунади. Бу эътироф инсоф доирасидаги гапдир. Зеро, исломдан олдинги баъзи динларнинг муқаддас китоблари қўл билан ўзгартирилиб, бузилгани, ҳукми мансух бўлгани, илоҳий моҳиятини йўқотгани учун бу ҳукмлар муқаддас ислом динида сақланиб қолган.

Бас, шундай бўлгандан кейин, ҳар бир ижодкор ҳаёлига келган мавзу билан қоғоз қоралайвермасдан, ақл, инсоф, виждон андозаси билан қалам юритиши керак. Йўқса, ўзи билмаган ҳолда бузуқликни, фаҳшни, беҳаёликни зийнатли кўрсатиб, бу тарғиботи билан сўз санъатининг мақсад ва моҳиятига хиёнат қилиб қўйиши мумкин.

Афсус, бир қанча адибларни ичкилик хароб қилди, аввал айтилганидек, улар соғлом онгли фаолиятдан ўзларини маҳрум қилдилар. Улар ўз их-

тиёри билан ўзларини маънан ўлдирдилар. Хуллас, ижодкор сўз санъатининг кучини нолойиқ нарсага сарфлаб, ўзини беиззат қилмаслиги керак.

### **«ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ»**

Собиқ мустамлакачиларнинг энг катта фитнаси ичкиликни тарғиб қилиш эди. XX асрнинг ўнинчи йилларида Тошкент кўчаларида илк пивохоналар пайдо бўла бошлаганда ўзбек миллатининг етук зиёлилари босқинчиларнинг шум ниятини – сиёсат назари Туркистон халқларининг иймон-эътиқодини бузишга, ҳалолликдан айиришга қаратилганини пайқадилар ва газеталарга норозилик мақолаларини ёздилар. Нафс дунё роҳатига ўч бўлар экан. 1950 йилларга келиб, шаҳарларнинг кўчаларида пивохоналар пайдо бўлди... Кейинги йилларни эса гапиришга ҳожат йўқ.

### **МОТАМДАГИ ҚУВНОҚ АШУЛА**

Ўтган XX асрнинг 70-йилларида «поминка» деган нарса, яъни азадор хонадонда ичкилик ичилиши бизнинг халқимиз ҳаётига ҳам кириб кела бошлаган. Абдулла Қаҳҳор «Муштум» журналида танқидий мақола чоп эттириб, бу разолатни қаттиқ қоралаган. Муаллиф бир кишининг мотамда маст бўлиб қолиб, баралла қувноқ ашула айтиб юборганини кулгили лавҳада баён қилган эди.

Бир улуғ шоирнинг айтишича, Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Шароф Рашидов бу манфур одатни олти ойлар ичида йўқотишга эришган.

### **«БУ – МИЛЛАТНИ ЎЛДИРИШ-КУ!...»**

Ошкоралик даври ва Ўзбекистон истиқлолининг илк йилларида қадимий дўстлик эшиклари очилиб, жаҳон шоир-ёзувчилари юртимизга кела бошладилар. Бир гал Туркиядан улкан бир адиблар жамоаси ташриф буюриб, юртимизни кезди, зиёратларга борди. У вақтда бизнинг адабий муҳитда дастурхонни ичкиликсиз тасаввур қилиш мумкин эмас эди. Ҳар жойда ҳаром ичкилик қўйилаётганини кўриб, турк қаламкашлари ҳайрон бўлишган, лекин бирор жойда бирортаси бир қултум ичмаган. Ўшанда шоир Тўра Мирзо ҳайратланиб: «Мирзо, турк ёзувчилари умуман ичкилик ичмас экан! «Ичкиликка берилиш бу – миллатни ўлдириш-ку!» – дер экан», – деган эди.

### **«НИШОНГА УРИШ ЭМАС, НИШОНГА УРМАСЛИК МАҲОРАТДИР...»**

Улуғ устоз Эркин Воҳидовнинг «Дил тубига чўккан лаҳзалар» китобида «Мерганлик мактаби» деган ҳикоя бор. Унда баён қилинишича, 1963 йил Хоразм учун омадли келади, пахта режасини дўндириб бажариб, «Машъал Хоразм» номини олади. Декабрнинг қорли, аёзли кунларида вилоятнинг ҳосил байрамида қатнашиш учун Ёзувчилар уюшмаси топшириғига кўра, шоир Шуҳрат, унга ҳамроҳ ва ёрдамчи бўлиб ёш Эркин Воҳидов Урганч шаҳрига борадилар.

Тантаналар ўтгандан кейин ҳам мухлислар Шуҳрат акани Тошкентга юборишмайди. Ҳар куни зиёфат, шеърхонлик, тонготар ширин суҳбатлар...

Вилоят ёзувчилар уюшмаси раҳбари, қирқ йиллик овчи, шикор мавзусида кўп ҳикоялар ёзган Раҳим Бекниёз бир кун эрталаб Шухрат акага қўшоғиз милтиқ олиб келади ва овга чиқишади. Ов бароридан келмайди. Сўнг мезбонлар ажабтовур мерганлик мусобақасини ўйлаб топадилар. Овдан тежалган ўқлар билан ичкиликдан бўшаган шишаларни отадиган бўлишади. Ўйин шарти шуки, ким ўн қадамдан шишани урса, тўла бир қадаҳ мукофот олади.

Биринчи бўлиб мерганлик маҳоратини Раҳим Бекниёз кўрсатадиган бўлади. Узоқ вақт мўлжалга олиб, гўё нишонга теккиза олмайди... «Шинелли йиллар» романининг муаллифи бўлган жангчи Шухрат ака эса, совуқни айбдор қилиб, қўл силтаб уйга кириб кетади. Навбат Эркин Воҳидовга келганида умрида милтиқ тутмаган ёш шоир бир неча марта нишонга уриб, шишани чилпарчин қиладди. Мезбонларнинг «Ура!» садолари ва олқишлари остида бир неча қадаҳни бўшатади.

Эрталаб бошда оғриқ, лекин кўнгилда «ғолиблик» қувончи билан уйғонган шоирга устоз Шухрат ака бундай дейди:

– Содда бўлмай қол. Ўн қадамдан сочма ўқ билан шишани уриш эмас, урмаслик учун ҳунар керак. Омад келди, деб йиқилгунча ичасанми?

Мулзам бўлган ёш шоирга устоз Шухрат ака яна танбех беришда давом этади:

– Булар-ку, ўз дўстларимиз. Ҳали сени мақтайдиган, «юзта-юзта» қуйиб берадиган, дўст бўлиб душманнинг ишини қиладиган ошналаринг кўпаяди. Ўшанда ҳушёр бўл. Шуни билиб қўйки, шоир-

ни адои тамом қиладиган нарса ичкилик, «балли-балли» билан қарсак бўлади.

Устоз ҳикоя сўнгида «**Бу аччиқ сабоқ умрим йўлларида менга асқотди**», деб миннатдорлик ва шукронасини баён этган.

Устоз Эркин Воҳидов ёш вақтларидан бошлаб ичкилик балосидан ўзини тийгани, шунинг натижасида ғоят гўзал, сермаҳсул ва сермазмун ижод қилгани бутун халқимизга маълум.

### **АҚЛНИ ВА НАСЛНИ БУЗАДИГАН ИЛЛАТ**

Айтилган сўзлардан чиқадиган хулоса шуки, ичкилик ақлни, наслни ва миллат тафаккурини бузадиган хатарли заҳардир. Ҳар бир қалам соҳиби бу манфур иллатнинг бизнинг ҳаётимизга халқимиз, дину диёнатимиз, бугунимиз ва келажакимизга душман бўлган босқинчи тоифалар томонидан кириб келганини эслаш ва ёдда тутиши кифоядир. Хусусан, миллатнинг пешқадам вакиллари, маънавий раҳнамолари ҳисобланган зиёлилар, ижод ва санъат аҳллари бундан ҳазар қилмоғи зарурдир.

## ХОТИРА ЁЗИШ ОДОБИ

Азиз ва севимли ёш дўстларим! Ўта муҳим мавзуда – ўтганларни эслаб хотира ёзиш одоби хусусида сизлар билан дилдан суҳбатлашмоқчиман.

Шарқ адабиётида хотира ёзиш одоби қадимий илдизларга эга. Саҳобалар (розияллоҳу анҳум) ҳақидаги жилд-жилд китоблар хотира ва тазкира жанрининг олий намуналаридир. Абдураҳмон Суламийнинг «Табақот ус-суфия» («Тасаввуф табақалари»), Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» («Валийлар ёдномаси»), Мавлоно Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» («Чин дўстлик ислари»), ҳазрат Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабодалари»), «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» каби асарлари хотира ва тазкира жанрининг энг гўзал нусхаларидир.

Ҳазрат Имом Бухорий, ҳазрати Имом Муслим, ҳазрати Имом Термизий, ҳазрати Имом Абу Довуд, ҳазрати Имом Насой, ҳазрат Имом Ибн Можа (раҳматуллоҳи алайҳим ажмаъийн) каби энг улуғ муҳаддисларнинг саҳиҳ ва сунан китобларида келган «Пайғамбарларнинг хислатлари», «Саҳобаларнинг фазилатлари» каби боблар бутун олам аҳли учун ўрнак бўладиган энг юксак адабиёт намуналаридир. Мазкур асарларда инсоният одоби, хислати, фазилатининг камоли бўлган васфлар баён этилган.

Ғарб ва Европа ёзувчилари хотира ёзганда эсланувчининг ҳамма қилмишларини ёзаверишади. Ҳаромхўрлиги, ароқхўрлиги, зинокорлиги, фоҳишабозлиги, қаллоблик ва товламачилик каби манфур сифатлари ҳам четда қолмайди.



Бизнинг Шарқ адабиётидаги хотиранавислик эса жирканч мавзуларни кўтармайди. Инсонга ёмонликни эслатадиган, нопок ишлардан ор қилмасликни ўргатадиган, беномусликни тарғиб қиладиган, фаҳш ва бузуқликка ундайдиган хотиранлар бизнинг адабиётимизга хос эмас.

Ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз, қорақалпоқ – ислом маърифатидан баҳра топган барча халқлар адабиётининг умумий хислати – инсонларга эзгулик, поклик, яхшиликни ўрнак қилиб кўрсатмоқ, юксак башарий васфлардан таълим бермоқдир.

## НОЛОЙИҚ ИШЛАРГА ҲУРРИЯТ ЙЎҚ

Азиз ва севимли ёш дўстларим! Хотира ёзиш одоби ҳақидаги суҳбатимизни давом эттирамиз.

Ҳаёт ва адабиётдаги ҳуррият мезони жамият ҳаётига оид ҳуррият ўлчовларига таянади.

Бутун дунёда эркинлик, ҳуррият, демократия деган муаммо бор. **Ҳуррият дегани инсонга хоҳлаган ишини қилиш, хоҳлаган ҳунарини кўрсатиш ёки хоҳлаган сўзини сўзлаш имкони дегани эмас.** Бизнинг шарқ маданиятимизда, миллий удумимизда ҳалолликка, покликка, тўғриликка, ҳаётбахш ва манфаатли нарсаларга ҳуррият бор. Нопокликка, ҳаром нарсаларга, ботил сўз, бейфойда амалларга асло ҳуррият йўқ.

Баъзи хорижий мамлакатлардаги айрим «демократия» кўринишларида инсонлик шарафига зид, иймон, диёнат, виждон тамойилларини таҳқирлайдиган нотўғри ишлар учрайди. Бу асло ҳуррият эмас, аксинча, асл ҳурриятни оёқости қи-

лишдир. Шунинг учун баъзи ғарб ва оврупо ўлкаларидаги ҳуррият тушунчалари бизнинг миллий одоб-ахлоқимиз, виждоний тушунчаларимизга тўғи келмайди, дейилса, бу сўздан асло ажабланмаслик ва ранжимаслик керак. Чунки маънавий ўлим ва ҳалокатга, авлод ва насли барбод этишга олиб борадиган нарсалар моҳият эътибори билан асло ҳуррият саналмайди, балки ҳуррият ва инсон ҳуқуқларига зид ҳаракатлар саналади.

Бу сўзлар хотира ёзиш одобига ҳам тегишлидир.

### **ХОТИРА ЁЗИШ ҚАЛАМКАШНИ ТАҲҚИРЛАШ БЎЛМАСИН**

2010 йилда «Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида» деган китоб нашр этилди. Китобда буюк адибнинг шахси ва ижодини очиқлаган хотира-мақолалар кўп. Лекин унда ёзувчи шахсини пастга урадиган, шаънига доғ бўладиган эсдаликлар ҳам анчагина. Булар ичкилик билан боғлиқ нохуш хотиралардир.

Хотиранавислардан бири Москвадан бир ношир-ёзувчи келгани, уни меҳмон қилишиб, Тошкентда бир кун, Фарғонага кетишда – йўлда бир кун, Водийда бир ёки икки кун, қайтишда – йўлда яна бир кун, қайтгач, Тошкентда яна бир кун тинимсиз ароқ ичганлари, масту беҳуд бўлганларини «васф этган». Бунини ўқиган киши адибнинг ҳаёти ароққа бўкишдан иборат экан-да, деб ўйлаши турган гап.

Яна бир муаллиф вилоятда, дашту далада ичкиликбозлик қилишгани, шаҳарга қайтишда Давлат автомобил назорати хизматчиларини алдаб, най-

ранг билан текширув нуқтасидан ўтиб олганлари ва бошқа шармандали ҳолларини завқ-шавқ билан баён қилади.

Яна бир хотирачи Бойсунда – адиб туғилган хонадондаги «оқ чой, кўк чойлар»ни таърифлайди. Тағин бирови ёзувчига тахлам-тахлам чеккиликлар (сигаретлар) келтириб беришганини эслайди. Хуллас, китобдан башар зоти учун ҳеч бир фойдаси ва ўрнаги бўлмаган беҳуда сўзлар ҳам ўрин олган.

Бу китобни ўзим ўқиган мактаб кутубхонасига ҳадя қилишга ниятланган эдим. Сабаби, Шукур Холмирзаев Сурхон воҳасидан етишиб чиққан буюк адиб, албатта, ҳар бир қавм ўзидан чиққан улуғ зотларга эътимод ва ҳурмат кўрсатади, ёшлар ундан ўрнак олиб, улуғ шахс бўлишга ҳаракат қилади, деб ўйлаганман. Лекин юқоридаги нохуш хотиралар мени ниятимдан қайтарди. Ахир, ёшлар, мактаб ўқувчилари, турли ўқув юртларининг талабалари бу шармандали ифодалардан нима ибрат олади?

Ўша йили Ёзувчилар уюшмасининг Халқлар дўстлиги саройи яқинидаги биносида китоб тақдимоти бўлди. Шукур аканинг оила аҳли мени ҳам йиғинга таклиф этишган, менга сўз берилиши маълум қилинган эди. Чунки китобга каминанинг ҳам каттагина хотира-мақолам киритилган.

Сўз навбати менга келганда Ёзувчилар уюшмаси раиси устоз Абдулла Орипов «бир иш билан» ташқарига чиқди. Шунда йиғинни бошқариш ва сўз бериш раиснинг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид зиммасига тушди. Камина танқидий руҳдаги мазкур гапларни далиллар асосида гапирдим.

Сирожиддин Саййид эса жасорат билан: «Бу

гаплар ибрат жиҳатидан тўғри. Ибрат жиҳатидан мақбул» деб таъкидлар эди.

Ўша маҳалда яна қайсидир газетада бир муаллифнинг раҳматлик Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотираси чоп этилди. У қачон шоирни йўқлаб вилоятдан келса, уни ичиб маст-сархуш бўлиб турган ҳолатда учратганини, ҳеч қачон тўғри ва мўътадил гаплашиш насиб бўлмаганини ўкинч билан ёзган эди.

Тасодифни кўрингки, кўп ўтмай, давлат раҳбарлари томонидан хотира ёзишга эътибор қаратиш зарурлиги, ҳар хил нарсаларни ёзмаслик, хусусан, ичиб, бижғиб юрганлар ҳақидаги хотираларни матбуотда чоп этмаслик тавсия этилди.

Севимли ёш дўстларим!

Дарҳақиқат, Шукур Холмирзаев ҳаёти айрим маҳдуд, нохуш ҳолатлар ичида ўтди, бунини яшира олмаймиз. Лекин у, шубҳасиз, буюк адиб эди. Ўзбек адабиётида унинг назири, тенги йўқ. Ҳикоячилик бобида у жаҳон адабиётининг энг юксак ўлчовларига мувофиқ ўлмас асарлар ёзди. Ичса-да, чекса-да, ҳар қандай ҳолатда унинг ўзгармас ижодий интизоми бор эди. Унинг бутун ҳушу хаёли, мақсади, фаолияти, кечалари, кундузлари фақат ва фақат ижодга қаратилган эди. Мен бундай беомон меҳнат қиладиган ёзувчини кам кўрганман. Шукур Холмирзаев, халқига бўлган шафқати туфайли, ўз-ўзига шафқати бўлмаган ўта заҳматкаш ёзувчи эди. Унинг дарди – халқ дарди, ғояси – ватан озодлиги, истаги – миллат буюклиги, касби – адабиёт учун ўз жонини қурбон қилиш, қувончи – нияти-

даги асарни тугаллаш, бошпанаси – торгина, пастгина, ғарибона кулбаси, емаги – топган насибаси, фақирларнинг энг фақири ейдиган оддий таомлар. Энг муҳими, унинг улуғ ғоя ва мақсадларида сохтакорлик йўқ эди. Ана шундай заҳмат-заққум ичида миллати учун ўзини фидо қилиб ўтган буюк адибни паст гаплар билан эслашга менинг қалбим рози бўлмайди!

Хотира ёзганда унинг буюклигини кўрсатиш, ўрнак бўлгулик фазилатларини топиш, темир интизомини тан олиш, ғарибона ҳаётидаги улуғликларини эслаш – хотиранавис дўстларнинг виждонида бўлиши лозим. Агар буларни тополмаса, хотира ёзмай қўя қолсин.

Ватанни севишни, миллат учун фидо бўлишни ҳар ким Шукур Холмирзаевдан ўргансин!

Шу ўринда фидойи олим ва жуналист Олимжон Тошбоевнинг Шукур Холмирзаев ҳақида ўхшаши йўқ бадий-ҳужжатли асар ёзганини мамнуният билан эсламоқчиман. Бу асар фидойиликнинг ҳам, хотиранавислик ва ҳақиқатгўйликнинг ҳам энг яхши намунасидир. Ҳар ким асл миллат фарзанди бўлса, асл миллат фарзандини таниши керак!

## ҲАЁТ ҲАНГОМАДАН ИБОРАТ ЭМАС

Устоз Абдулла Орипов ҳаёт маҳалида «Дўрмон ҳангомалари» китобида нақл қилинган ичкилик билан боғлиқ ҳодисалардан қаттиқ ранжиган ва ғазабланган эди. Демак, ўзига ҳам бегона бўлмаган бир феълни зотан ўзи ёқтирмас эди. Тасаввур қилинганки, ҳаёт маҳалида шунчалик ранжиган бўлса, вафотидан кейин ёмон эсламалардан руҳи қанчалик безовта ва ношод бўлади.

Устознинг башарий қабилдаги ҳолатларидан кўз юма олмаймиз. Баъзи дўстларимиз у кишининг кўп йиллар юқори мавқеда туриб, ўз халқи учун кўнгилдагидек хизмат қила олмаганини гоҳ ўкинч, гоҳ маломат билан гапирадилар. Ватан ва миллат у кишидан кўп улуғ фаолиятлар кутган бўлиши табиий ҳолдир. Тушунишга уринамиз, бу қоралаш эмас, бу – армон, бу – ўкинч...

Лекин вафотидан кейин шоирнинг иккинчи – абадий ҳаёти бошланди. Энди ҳамма гапларни йиғиштириб қўйиб, унинг асл ҳаётига асл ижоди орқали баҳо бериш вақти келди.

Абдулла Орипов ўзбек шеъриятида чин маънода инқилоб ясаган шоирдир. У ўз инқилобий шеърияти билан фақат ўзига авлоддош қаламкашларни эмас, балки ўзидан олдинги довруғи бутун юртни тутган катта авлод вакиллари ҳам ҳаққоният руҳидаги шеърлар ёзишга ундай олган шахсдир. Абдулла Орипов ростгўй шеърияти билан Абдулла Қаҳҳордек талаби қаттиқ адибни рост гапларни ошкор айтишга ундаган шоирдир! Абдулла Орипов ўзидан кейинги қалам аҳлига ҳақиқат йўлини бел-

гилаб берган зотдир. Абдулла Орипов ўзбек ҳаётига ўз гулдураклари, ўз чақмоқ ва ҳаётбахш ёмғирлари билан кириб келган янги бир баҳордир!

*Яна баҳор келди. Яна оламда  
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт.  
Мен сени қутлайман шу улуғ дамда,  
Улуғ елкадошим, музаффар ҳаёт!*

## УМРНИНГ АВВАЛИДАН КЎРА ОХИРИ МУҲИМДИР

Инсон ҳаётининг аввали ҳам, охири ҳам муҳим. Лекин иймон неъматини жиҳатидан умрнинг аввалидан кўра охири муҳимдир. «Илоҳий комедия» таржимаси ҳақида гапирдик. Айтиш лозимки, «Комедия» таржимаси Абдулла Ориповнинг руҳий кенгликлари чекланишига сабаб бўлди. «Комедия» мавзуларининг қалтислиги ҳам шоир ҳаётига манфий таъсир қилмай қолмайди.

Устоз ўз суҳбатларида мамлакат раҳбари Шароф Рашидов ҳузурида Гётенинг «Фауст» асари таржимасига Эркин Воҳидов талабгор бўлгани ва бу иш унга насиб этгани, «Илоҳий комедия» эса унинг чекига тушганини ўкинч билан эслар эди. Бу сўзимда ҳеч муболаға ва тўқима йўқ. Ўша суҳбатларга мен билан бирга бошқа олим ва шоир дўстларимиз ҳам гувоҳдир.

Устоз «Комедия» таржимаси натижасида «Жаннатга йўл» драматик достонини ёзганини қайд этган. Лекин бу икки асар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. «Жаннатга йўл» – иймон тантанаси, «Илоҳий комедия» эса бўҳтон тантанасидир. Устоз асари соф исломий таълимот асосидаги асардир. Бу

достон «Киши охират оламида севган кишиси билан бирга бўлади», деган ҳадиси шарифга таянади. Икки дўст бир-бирига шафқат ва мурувват кўрсатиб, иккиси ҳам мангу саодатга – абадий жаннатга эришади. Ислом манбаларида бу хулосанинг шундай собит далил-ҳужжатлари борки, Яратган Зотнинг шоир дилига солган икромидан ҳайратга тушасиз.

### «ТАВБАМНИНГ ИЗҲОРИ – ШУ ШЕЪРНИ ЎЗДИМ...»

Абдулла Орипов «Ҳикмат садолари» ва «Ҳаж дафтари» туркумлари билан ўзбек шеъриятининг йўналишини абадий ўлмас мавзулар томон бурди, маърифий юксаклик томон кўтарди, поклик ва олийлик томон юз ўгиртирди. Устоз «Пайғамбар» шеърида ёзади:

*Ҳақ деб нина билан тоғларни қаздим,  
Бандаман, рост йўлдан гоҳида оздим,  
Тавбамнинг изҳори – шу шеърни ёздим,  
Ассалому алайка, ё Муҳаммад,  
Ассалому алайка, ё Аҳмад.*

Ўзбекнинг қаҳрамон шоири ҳаётининг охирида (2015–2016) жамиятдан четлатиб қўйилди, бир вақтлар: «Бир зум ўз ҳолимга қўй сен ҳам, болам... Бир зум одам каби яшайин мен ҳам», деб инсонлардан узоқликни истаган шоир энди эшигини қоқиб келувчи дўстларга мунтазир бўлиб қолди. Ана шундай даврда қўқонлик олим, севимли дўстимиз Ёрқинжон домла Фозилов саъйу ҳаракат-



лари билан биз устознинг яқин суҳбатдошларига айландик.

Суҳбатлардан бирида устознинг 1992 йилда адо этган ҳаж ибодати ҳақида сўз борди. Шунда у киши ўкиниб: «Ўша ҳажни энди қайтадан қилишим керак!..» – деб қолди. Ана шу пушаймонлик шоирнинг тавбасидир.

Бир гал қувваи ҳофиза ҳақида сўз кетди. Устоз болаликда хотираси ўта кучли бўлгани, Қуръони каримни ёдлашга мойил экани, ҳофизи Қуръон бўлишига оз қолганини надомат билан эслади. Ана шу надомат шоирнинг тавбасидир.

Шоир Туркияда мусулмон шифокорлар қўлида жарроҳлик амалиётидан ўтганини шуқр тариқасида эслар эди. Иймонли ва ибодатли зотларга бўлган ҳурмат ва эътибори шоирнинг тавбасидир.

Устоз ҳаёти охирида иймонининг қуввати-ни намойиш этувчи кўркам шеърлар ёзди. Шайх Усмонхон ибн Темурхон ҳазратларига бағишлаган «Муфти» сарлавҳали шеъри, таниқли олим марҳум Анвар қори Турсуновга бағишлаб ёзган «Ўқинг, Анвар қори» деган шеъри – шоирнинг тавбаси ва иймонининг далиллари дир.

Гўзал ҳадиси шарифда айтилади: «Кимки ғариб ҳолда вафот этса, шубҳасиз, шаҳид ҳолда вафот этган бўлур!» Шоир Ватандан олисда, Ер қуррасининг терс томонида – йироқ Америкада вафот топди. Шояд, Ҳақ таоло шаҳидлик мартабасини берган бўлса!

Таниқли шоир Абдусаид Кўчимов «Мен шоирман, истасангиз шу» номли китобида устознинг кўпларга маълум бўлмаган нодир хислатларини очиб берди. Устознинг ўзи бу китобдан мамнун

эканини изҳор этган ва матнни ўн жилдлик куллиётининг сўнгги жилдига киритиш фикрини муаллифга билдирган эди.

Адабиёт оламида мумтоз шоир ижодининг инқилобий моҳияти етарли очиб берилган эмас. Ўтганларни маломат қилгандан кўра, бу улкан ишни бажаришимиз хайрлироқдир. Токи шоирнинг ўлмас боғига тош отишга ҳар ким ҳам журъат этавермасин.

## **БИР ТОМЧИ ҚОН, БИР ҚОЗОН ТАОМ**

Қайнаб турган бир қозон таомга бир томчи қон томса, уни ҳаром қилганидек, бир-икки нолойиқ лавҳа бутун бошли китобни қадрсиз қилиб қўяди.

Алҳол, ёш дўстларим билан бир муҳтарам устозимнинг «Хотиралар» китоби ҳақида сўзлашмоқчиман. Бу китобда кўплаб адиблар васфи қаламга олинган ва уларнинг яхши, ибратли хислатлари зикр этилган.

Лекин бир-икки шахс ҳақидаги нохуш сўзлар ўқувчида эътироз уйғотади. Хусусан, атоқли шоир Рауф Парфи ҳақидаги хотира кишида қандайдир нохуш таассурот қолдиради.

Миллий маданиятимиз, миллий туйғуларимизга хилоф бўлган бундай гапларнинг нимасини хотира дейиш мумкин?! Рауф Парфининг тенгсиз ва абадий ўлмас шеърояти турганда бу гапларни ким қабул қилади?

Яшириб бўлмайди, оиладорлик, рўзғор таъминоти, аҳли оила ва шахсий ҳаётга эътибор масаласида устоз Рауф Парфининг ачинарли ва оқлаб бўлмайдиган ҳоллари бор эди.

Лекин ўрни келганда айтиш лозимки, Рауф Парфи – ўзбек адабиётида мисли бўлмаган буюк шоир. Унинг ҳар қандай башарий кайфият ва ҳолат ичидаги бутун ҳаёти, дарди, ғояси, мақсади – ватан озодлиги, миллат истиқлоли, қадимий Туркистон бирлиги эди. Ҳамид Олимжондан бошлаб ҳамма шоирлар Ватанни янги номи билан «Ўзбекистон» деб куйлаган, камина ҳам асосан Ўзбекистон деб ёзганман. Лекин Рауф Парфи бутун умр Туркистон деб ёзди ва буюк Ватан мухториятини орзу қилиб яшади. (Ҳалима Худойбердиева ҳам «Туркистоним, Туроним» деб ёзганини юқорида эслаб ўтдик.) Бас, дарди буюк шоир ҳақида нолайиқ гапларни ёзиб, унинг шахсиятини майдалаштиришга ҳаққимиз йўқ. Рауф Парфининг қандай шахс эканига энг муҳим далил-ҳужжат унинг ижодидир.

Қолаверса, уларнинг оила аҳллари – ўғил-қизлари, неваралари бор, улар бу нохуш гапларни ўқиса, қандай ҳолатга тушади?

Яна муҳим бир гап. Рауф Парфи умри охирида чиройли ҳаёт билан, Ҳақ таолонинг ёди билан яшади. «Тавба» номли шеърини китобини ўзи тирик чоғида нашр ҳам эттирди. Бировни тавсифлаганда ҳаётининг аввали эмас, охири – хотимаси эътиборга олинади. Шоир ёзган эди:

*Охират илмидан қил мени огоҳ,  
Муродим шамъини сўндирма, Аллоҳ!..*

Машраб Бобоев эса тақвимда кўрсатилган вақт кирди дегунча янги таҳорат билан жойнамоз устида турар эди. Мен бунга шоҳидман. Ўзи ҳам зотан саййидзода эди. Умид қиламанки, у ҳусну хотима –

гўзал якун билан, яъни иймон билан оламдан ўтди. Бундай шахс ҳақида башар зоти хаёлан эслаши мумкин бўлмаган гапларни қоғозга тизиш хотира одобиға тўғри келмайди.

Машраб Бобоевнинг жуфти ҳалоли Райҳон янға эса жойнамоз устида – сажда ҳолида жон берган. Исломиё маърифатдан озгина хабари бўлган одам бунинг қандай чексиз улуғ бахт эканини англайди.

Қадрли ёш дўстларим! Бу гапларни камина азиз устозимни танқид қилиш учун ёзаётганим йўқ, балки янги авлод қаламкашларидан шундай ман-фур хотиралар ёзиш асло содир бўлмасин, деган қайғуда ёзаяпман.

## РАУФ ПАРФИ ЮРАГИДАН ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАР

\* \* \*

*Эсдаликлар ёғади осмон.  
Тирикликнинг шоҳиди Қуёш  
Эсламакдан тинмайди ҳамон.  
Оҳ, Туркистон, Она Туркистон.*

\* \* \*

*Мен олисга отланар бўлсам  
Куйган юрак бўлиб кўриндинг.  
Оҳ, Туркистон, Она Туркистон.*

\* \* \*

*Шу парча қоғозни босиб  
Ким қалбимни ғижимлар отар?!  
Харита – Туркистон – нафасим,  
Кўзимнинг иссиғи – харита.*

\* \* \*

Сендан аямасман умримни, асрим. Бу умрим нимадир?! О, она Туркистон, бир варақ қоғоз каби ўзимни йиртмасам... нарсалар нарса эмас мен учун. Нарсаларда бор менинг ўчим, кесилган дарахтлар-тўнгақдир кесилгучи бошларга.

\* \* \*

*Туркистонни бўлдилар,  
Парчalandи бемажол.  
Устимиздан кулдилар  
Ул ёвузлар бемалол.  
Чиқмасми қуёш балқиб...*

\* \* \*

*Йиғла энди, кўзим, сен-да йиғлаб ол,  
Тўйсин кўз ёшингга бу туркий ситам.  
Тўйсин, Ватан ёди чидар бемалол.  
О, сабр дарахти, қутлуғ Туркистон.*

\* \* \*

*Уйғонар Туркистон, уйғонар Дунё,  
Порлоқ умидларга тўлиб кун ботар.  
Бахт сингари олис юлдузлар гўё  
Азал гўзалликнинг шаъмини ёқар.*

\* \* \*

*Кўрингиз тарихни, эй туркий халқим,  
Кўзимга эртанинг севинчи, холос.  
Ул Турондир, Туркистондир? У балким  
Ичимни кемирган қадимий қасос.*

\* \* \*

*Оҳ, Она Туркистон, куйлайин ёниб,  
Дунё журъатини бердинг қўлимга.  
Мен энди англадим туркий дунёни,  
Мана мен, тайёрман энди ўлимга...*

\* \* \*

*Парчин-парчин бўлди ёдим симлари,  
Симлар – кўзларимга мил тортган чизгу.  
Ўтган улуғларни эслайман барин,  
Хотирот мозори – Туркистон мангу.*

## ШОҲМОТДА ЮТҚИЗГАН УЛУҒ АДИБ

«Хотиралар» китобида яна Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари лавозимида хизмат қилган атоқли адиб Одил Ёқубовнинг шоҳмотда қўл остидаги ходимлардан бирига ютқизиб қўйса, ундан қасос олиши, унинг муҳаррирлик қилган китобларини ўтказмай, тўсқинлик қилиб туриши эсланади. Муаллиф бу ҳолатни «болаларча беғубор»лик деб таърифлайди. Ҳолбуки, бу болаларча беғуборлик эмас, инсон шахсини майдалаштириб ва тубанлаштириб кўрсатишдир. Одил Ёқубовдек улуғ адиб шаънига ярашмайдиган бундай хотираларнинг кимга кераги бор? Бу гаплар китоб ва муаллифнинг қадрини туширади, холос.

## БИР ГУНОҲ КЕЧИРИЛГАН БЎЛСА...

«Хотиралар» муаллифи фақат Рауф Парфи ёки бошқаларни шарманда қилиш билан кифояланмай, ўз «жасорати»дан ҳам мақтаниб қолади: «Мен ўзи ўша пайтларда оз-оз, юз-юз эллик граммдан оширмай ичардим, бундан ошса касал бўлиб қолар, икки-уч кун ўзимга келолмай юрардим. Аммо бу кеча бутунлай бошқача бўлди... Мен умримда биринчи бора ҳамма билан барабар, яъни ҳар биримиз уч шишадан, яъни бир ярим литрдан ароқ ичдик. Мен эртага ўлиб-нетиб қолишим мумкин деб ўйладим. Аммо эрталабгача яна ухلامасдан, соат тўққизда тўппа-тўғри ишга кириб бордим. Ажабланарли томони: менга бало ҳам ургани йўқ, ҳар кунгидай уйқуга тўйган одам каби ғайрат билан ишладим...» (291-саҳифадан).

Бундай «хотиранавислик» дунёда – шармандалик, охиратда расволикдир.

Ўрни келганда исломий илм ҳукмларини эсла-тиб ўтишимиз ҳам манфаатли бўлади. Огоҳ бўлай-ликки, ўтмишдаги бирор гуноҳимизни Аллоҳ таоло кечирган бўлса, биз ўз тилимиз – ўз қаламимиз билан уни мақтанганнамо бўлиб эсласак, Ҳақ таоло уни қайтадан номаи аъмолга ёздириб қўяди. Бу – тил офати ва қўл офатидир.

Мавлоно Жалолуддин Румий «Маснавийи маънавий» асаида «Тавбаи насух» оятининг шарҳида айтадилар: «Инсон эски гуноҳларини кўнглида пуншаймонлик, афсус-надомат ва жирканиш билан эсласа, бу унинг тавбаси қабул бўлгани аломатидир. Инсон аввалги гуноҳларини соғиниб, тамшаниб эсласа, бу тавбаси қабул бўлмаганининг аломатидир. Тавбаи насух эса бошқа гуноҳга қайтмаслик қасди билан қилинган сўнги, самимий, ҳақиқий тавбадир».

## ҲАММА РОСТ ГАП ҲАМ ДЕГУЛИК ЭМАС

Халқимизда «Фитна кўзғовчи рост гапдан сулҳ ва омонликка келтирувчи ёлғон яхши», деган гап бор. Яъни, ҳамма рост гап ҳам айтгулик бўлавермайди. Ҳазрат Навоий ёзадилар:

*Хирадманд чин сўздин ўзга демас,  
Вале бари чин ҳам дегулик эмас.*

Яъни: «Доно ва ақлли одам рост гапдан бошқани гапирмайди, лекин ҳамма рост гап ҳам айтгулик бўлавермайди».

«Фитна ангиз рост сўздан сулҳ ангиз ёлғон ях-



широқ», деган қавл бор. Яъни, фитнес-фасод қўзғовчи рост гапдан кўра сулҳ ва омонликка келтирувчи ёлғон яхшидир.

Ҳазрати Шайх Саъдий «Гулистон» китобида бир кизиқ воқеани баён қиладилар. Бир подшоҳ бир кишини ўлимга ҳукм қилади. Халқ тўпланган, оломон – томошага ўч, подшоҳ ва вазирлар кузатув мақомида. Ўлим вақтида маҳкум киши ноҳақ қатл қилинаётганини айтиб, подшоҳни золимлик ва адолатсизликда айблаб, бақриб сўка бошлайди. «У нима деяпти?» – дейди подшоҳ. Бир доно вазири: «Шоҳим, у сизнинг адолатингизни мақтаб гапиряпти, «Мен-ку, ўлиб кетяпман, лекин сизлар подшоҳнинг адолатига итоат қилинган!» деяпти», – дея ҳукмдорни яхшиликка тортмоқчи бўлади. Бошқа бир ростгўй вазир эса дарҳол: «Сен подшоҳи оламни алдаяпсанми? Ахир, у подшоҳни зулм ва адолатсизликда айблаб сўкяпти-ку!» – дейди. Шунда подшоҳ ростпараст вазирга қараб: «Сенинг рост гапингдан кўра бунинг ёлғони менга яхшироқ!» дея маҳкумни ўлимдан озод этган экан.

Баъзи хотиранависларнинг рост сўзи маънавий ўлим ва ҳалокатга сабаб бўлувчи фитнесдир. Бир инсоннинг обрўйини тўкиш унинг қонини тўкиш билан баробар.

Инсонни шарманда қиладиган ва маънан ўлдирадиган рост гапнинг ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч кимга кераги йўқ. Ижодкорнинг ҳар бир иши умумбашарий маданиятга, хусусан, халқимизнинг миллий одобига мувофиқ келиши дурустдир. Шарманда қилувчи сўз муаллифнинг ўзига шармандалик келтиради, холос.

### «ЎЛГАНЛАРНИ СЎКМАНГЛАР...»

Шоир Сирожиддин Саййид ўз «Арбаъийн»ида «Ўлиб кетганларни ёмонлаб ҳақорат қилманглар, чунки улар қилмишларига яраша жазо ёки мукофот оладиган жойга кетганлар», деган маънодаги муборак ҳадисни қуйидагича назмга тизган:

*Ўлиб кетганларни ёмонламаслар,  
Уларни маломат қилиб бўлмайди.  
Улар ранжурдирлар, улар озурда,  
Кек сақлаб, ҳақорат қилиб бўлмайди.*

*Ўзлари биландир қилмишлари ҳам,  
Тинч қўйинглар, ахир, улар ўлганлар.  
Улар мукофот ё жазо олувчи  
Жойга аллақачон етиб бўлганлар.*

Мазкур сатрлар ҳазрати Имом Бухорийнинг «Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ» китобида баён этилган 6516-ҳадисга асосланади. Ҳазрати Ойша онамиз розияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ўлганларни сўкманглар, чунки улар қилмишларига** (жавоб бергани) **кетдилар!**» – дедилар».

### УМРИНГИЗ ДАВОМИДА ИККИ ҲОЛАТГА ДУЧ КЕЛАСИЗ...

Ҳар бир инсон, ҳар бир қаламкаш умри давомида икки ҳолатга дуч келади: ё яхшилик тарозусига тош қўйиш, ё ёмонлик тарозусига тош қўйиш ҳолати. Жузъий ихтиёр дегани – башар зотига хос бўлган бир қисм ихтиёрдир. Яхши ва ёмон; тўғри

ва эгри; пок ва нопок; ҳақ ва ноҳақ; ҳалол ва ҳаром; иймон ва куфр – Яратган Зот ҳар бир инсонга бу иккисидан бирини танлаш ихтиёрини берган. Ана шу жузъий ихтиёр дейилади.

Ҳар бир ижодкор ҳаётида бирор инсонга, бирор қаламкашга, бирор олим ёки шахсга яхшилик қилиш ёки ёмонлик қилиш ҳолатига дуч келади. Токи виждонингиз тирик экан, токи шуурингиз уйғоқ экан, яхшилик етказишга ҳаракат қилинг. Яхшилик тарозусига тош қўйинг. Асло ёмонлик тарозусига тош қўйманг. Агар яхшилик қилишга қодир бўлмасангиз, ҳеч йўқса, ёмонлик қилманг. Ҳеч йўқса, ёмонлик қилишдан сақланинг.

Ижод кишиси учун бу нарсани дастурул амал қилиш фақатгина файз ва барака келтиради. Негаки сизнинг қаламингиздан чиққан ижод маҳсулларини қанчадан-қанча кишилар ўқийдилар. Улар ҳар бир битигингиздан яхшилик топсалар, бу ижодкор учун саодатдир.

## **ЯХШИЛИК ҚИЛИШ ҚОИДАСИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ЭТМАЙЛИК**

Яхшилик қилиш қоидасини суиистеъмол қилмаслик керак. Масалан, бир ёзувчининг яроқсиз, ярамас, бадийий ёки маънавий жиҳатдан паст асари муҳокама қилинди. «Яхшилик тарозусига тош қўйишим керак» деб, ўша ярамас асарни қўллаб-қувватласак, сўз санъатига, адабиётга, истеъдод аҳлига хиёнат қилган бўламиз. Истеъдодсиз қаламкашга қилинган яхшилик истеъдодли одамга қилинган ёмонликдир. Бу ўринда ҳақиқий адабиёт тамойи-

лини муҳофаза қилиш шарт бўлади. Яхшилик қилиш ва ёмонлик қилмаслик қоидаси бу – бир ижодкорнинг бошига фалокат, мусибат ва жазо бўладиган масалалардадир. Асл ижодкор ҳеч қачон бошқа бир ижодкорнинг фалокатга йўлиқиб кетишига сабаб бўлмайди, рози ҳам бўлмайди, йўл ҳам қўймайди.

Бир-биримизга меҳрибон бўлайлик, покиза яшайлик.

### **СИЁСИЙ АЙБ ТАҚАШДАН САҚЛАНМОҚ**

Мазкур қоида, яъни яхшилик тарозусига тош қўйиш – ижодкорнинг тақдирига оид бўлган масалаларга оиддир. Бу сўз асосан – ижод ва илм аҳлига сиёсий айб тақашдан сақланиш ҳақидадир. Адабиётимиз юз йил давомида сиёсий айбномалардан улкан зарар ва талофатлар кўрди. Миллатимиз сиёсий айбномалар туфайли Чўлпон, Абдулла Қодирӣ, Фитрат, Усмон Носир каби буюкларидан жудо бўлди. Тирик қолган шоир ва ёзувчиларимиз эса маънавий мажруҳ ҳолда яшадилар.

Камина адабий муҳит гирдобидида ўтган умримда шундай инсонларни кўрдимки, улар шахсий манфаати, мансаби ва ҳавойи нафси учун Тангри таолдан ҳам, инсондан ҳам қўрқмасдан қалам аҳлига сиёсий айблар тақаб, мамлакат раҳбарига хат ва тезхабарлар билан мурожаатлар қилдилар. Ўзи асрасин, агар эски даврларнинг шамоли эсса эди, янги даврнинг маънавий жаллодлари ана шулар бўлар эди!

## ТАНҚИД ДУШМАН ИЗЛАГАНДА

Олдинги мавзуларда марҳум олим Шерали Турдиевнинг «Танқид душман излаганда» рукнидаги иқтибосларини эслаб ўтдик. Бу туркум иқтибослар собиқ Шўро даври – истибдод ва қирғин-қатағон даври фожиаларини акс эттирувчи тарихий далил-ҳужжатлардир. Олим уларни ўша давр мақолаларидан танлаб жамлаган ва 1989–1991 йилларда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг кўплаб сонларида чоп эттирган. Ана шу иқтибослар халқимизнинг айрим зиёлилари бир-бирларига қандай бешафқат муносабатда бўлгани, қандай сотқинлик ва хиёнат йўлини тутганлигига далилдир.

Мудҳиш сиёсий айб тақашлар XX асрнинг 50-йиллари, ҳатто 60-йилларида ҳам давом этганини адабий танқид оламида кузатиш мумкин. Адабиётшунос олим ва адиб Олимжон Тошбоевнинг буюк адиб Шукур Холмирзаев ҳақидаги тарихий-ҳужжатли асаридан маълум бўладики, баъзи адабиётшунос олим ва танқидчилар 60-йилларда эндигина адабиёт оламига кириб келаётган ёш ёзувчи Шукур Холмирзаевни ҳам сиёсий айблар билан жувонмарг қилиб юборишларига оз қолган экан.

Афсуски, қаламнинг кучини хиёнатга сарфлайдиган бундай «ёзғувчи» ва танқидчилар ҳозир ҳам учрайди.

Азиз ва севимли ёш дўстларим! «Бўладиган халқнинг фарзандлари бир-бирини ботириб дейди, бўлмайдиган халқнинг фарзандлари бир-бирини ейди», деган гап бор. Қалам аҳлининг жузъий бир эҳтиётсизлиги бир инсоннинг ёстиғи қуриши-

га сабаб бўлиши мумкин. Халқимиз халқ бўлсин, миллатимиз миллат бўлсин десак, бировга тухмат қилишдан, айниқса, сиёсий айблар тақашдан сақланмоғимиз керак.

## ТАХАЛЛУС ТАНЛАШ МАСАЛАСИ

Адабий жараённи кузатиб, шунга шоҳид бўлдимки, тахаллус танлаш масаласи кўплаб ёш ижодкорларни қизиқтиради. Шоир Шаҳриддин Умиров ижтимоий тармоқда бизга ажиб савол билан мурожаат этибди.

**САВОЛ:** – Мени бир нарса кўп ўйлантиради... Устоз шоир Муҳаммад Юсуф: «Шоирликни даъво қилган одамдан кўрқинг», деган эканлар... Баъзи ҳолларда, бирор китоби у ёқда турсин, ҳали на бирор шеъри, на бирор мақоласи матбуот юзини кўрмай туриб ҳам, ўзига тахаллус қўйиб олган ёш ижодкорларни эшитиб қоламиз. Бу ҳолат шоир ёки ёзувчиликни даъво қилиш эмасмикин, деб ўйлаб қоламан. Сиз бунга нима дейсиз?

**ЖАВОБ:** – Тахаллус танлаш ҳар бир қаламкашнинг ўз ихтиёридадир. Ёшлиқдан тахаллус танлаган қаламкаш, эҳтимол, улкан ижодкор бўлиб етишар. Агар у йўлда қолиб кетса, бунда тахаллуснинг айби йўқ. Лекин биз некбин ва яхши ниятли бўлаверайлик ва ҳиммати баланд тахаллус соҳибларига баркамоллик тилаб қолаверайлик. Муҳаммад Юсуфнинг сўзи эса – нисбий бир сўз. Паҳлавоннинг даъвоси бўлмаса, елка ташлаб, майдонга чиқадими? Лекин бу сўз камтарлик, хокисорлик хислатларига оиддир. Катта кетиш, ўзида йўқ хислатни

даъво қилиш, манманлик ҳеч бир ижодкорга иззат келтирмаслигини айтмоқчи шоир.

Лекин таҳаллус танлаганда ҳам, фарзандларига исм қўйганда ҳам ўша ном некбинлик ва яхшиликни ифода этсин. «Оташ», «Норий», «Олов» каби таҳаллусларни танлаш эътиқод илмида дуруст эмас. Чунки булар дўзахнинг сифатларидир. «Нажот», «Умид», «Фалаҳ», «Мадад» сингари номларни танлаш ҳам дуруст ҳисобланмайди. Чунки биров уни йўқлаб келиб: «Умид борми?», «Нажот борми?», «Фалаҳ борми?», «Мадад борми?» деб сўраса-ю, уйдагилари: «Умид йўқ», «Нажот йўқ», «Фалаҳ йўқ», «Мадад йўқ» деб жавоб берса, унда умидсизлик, нажотсизлик, фалаҳсизлик ёки мададсизлик ҳоли ифода этилган бўлиб қолади. Бу эса эътиқод илмида дуруст саналмайди.

Шунингдек, Қуюн, Бўрон каби таҳаллуслардан ҳам сақланган яхши. Чунки булар зарар ва талофат келтирувчи нарсалардир.

Ҳазрати Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий» асарида севикли Пайғамбаримиз алайҳиссалом яхши номдан яхшилик хушxabарини олганлари ҳикоя қилинган. Дарҳақиқат, бу сўзнинг исботи ҳазрати Имом Бухорийнинг «Ал-Жомийъ асаҳиҳ» китобларидаги ҳадиси шарифларда келган.

Ҳазрати Шайхзода Атоий ёзадилар:

*Атойини қулум дебтур ўшал ой,  
Бале, «Кўктин инар алқоб» дерлар.*

Яъни, ғоят гўзал тавсиф билан «Лақаблар – исмлар осмондан тушади, демакки, тақдиротни ифода қилади», деган маънони изҳор этмоқдалар.

## ХОТИМА

Азиз ва севимли ёш дўстларим, ўғил-қизларим! Мана, «Дил сўзларим»ни ўқиб бўлгунингизча, бир қанча муддат ҳамнафас, ҳамфикр яшадик.

Инсоннинг уч душмани бор: 1) нафс; 2) шайтон; 3) жаҳолат, яъни илмсизлик, нодонлик. Шайтоннинг инсонга очиқ душман экани Илоҳий Каломда кўп бор таъкидланган. Лекин тасаввуф арбоблари нафсни биринчи душман санаганлар. Чунки у доим ёмонликка буюриши, шайтон билан ҳамкорлик қилишга доим тайёр экани, унда мунофиқлик аломати борлиги валий зотларнинг сўзларида билдирилган. Яратган Эгамиз Ўз Каломида «нафсини (ширк, ибодатсизлик, ёмон туйғу ва феъллар ҳамда гуноҳлардан) поклаган кишининг, муҳаққақ, нажот топиб муродига етиши, нафсини (гуноҳлар билан) булғаб кўмган киши эса, албатта, зиёнга учраши»ни маълум қилади (Шамс сураси, 7–10-оятлари).

Бас, одамзоднинг қиладиган барча ёмонликлари ана шу уч душман, жумладан, нафс таъсиридан холи эмас. Камина ушбу рисолада ёш ижодкор дўстларимни бу уч душмандан огоҳлантиришга ва улардан қутулиш йўллари кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Истеъдод – улуғ эҳсон, ижод – улуғ бахт, қалам улуғ неъматдир. Биз зиёлилар – мунаввар шахслар бир-биримизга меҳрибон ва муҳофиз бўлсак, бир-



лашсак, истеъдодни эзгуликка, ижодни ҳақиқатга, қаламнинг кучини нурли ҳаётга фидо қилсак, халқимиз улуғ халқ бўлади, миллатимиз улуғ миллат бўлади, Ватанимиз улуғ Ватан бўлади.

Ҳали олдимизда йўқотганларимизни тиклаш муаммоси турибди! Очиқ айтиш керак, маънавият, илму маърифат, тафаккур, адолат ва ҳақиқат бора-сида мустамлакачилар кўп йиллик зулм ва истибдод даврида йўқота олмаган маънавий бойликларимизни биз ўз қўлимиз билан осонгина йўқотдик. Йўқотганда ҳам асосан қамоқлар, таҳдидлар, тазйиқлар, ноҳақ тарғиботлар билан йўқотдик. Ана шундай бойликларимиздан баъзилари – миллий ахлоқ ва маънавият, сўз ва виждон эркинлиги, қалб ҳуррияти, соғлом руҳ, инсон ҳуқуқлари, асрлар бўйи давом этиб келган устоз-шоғирдлик мактаблари ва тасаввуф даргоҳларидир.

Бу маънавий омиллар тўлиқ тикланмай туриб, юксак мақомларга эришиб бўлмайди.

Умид қиламизки, халқимизнинг маънавий раҳнамолари, адабиётнинг, яъни муҳаббат ва садоқат мактабининг муаллим ва мударрислари бўлган шоир-ёзувчилар – ҳақиқат, адолат, илму маърифат, ижод ва маънавият йўлида бирлашадилар, Ўзбекистон улуғ мамлакат бўлади, ўзбек халқи ва бизга қўшни бўлган барча халқлар қадимий буюк салоҳиятини қайта тиклайди. Адабиёт ҳам халқ қалбига ҳаёт олиб кирадиган асл адабиёт бўлади! Бунинг учун зиёлилар, хусусан, миллат пешқадамлари бўлган ижодкорлар юксак ахлоқли, улуғ мақсадли, пок қалбли, теран тафаккурли, кенг илмли ва маърифатли шахслар бўлиши лозим.

Ана шу шарафли йўлда барча ижодкорларга муваффақият ва равнақ, баракотли умр ва ижод тилаб қоламан.

*Аслий дўсту ёрлар келсин биз томон,  
Ғамгинлар, беморлар келсин биз томон.  
Давлати борларни тўрға ўтқазинг,  
Фақат қалби борлар келсин биз томон!..*

**2016–2020**

## МУҲАРРИРДАН

Адабиёт мухлисларига маълум, Мирзо Кенжабекнинг «Ёшларга дил сўзларим» асари «Адабиёт зиёси» газетасининг 2019 йилги 15–19-сонлари ва 2020 йилги 1–12-сонларида тўлиқ чоп этилди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир бошчилик қилаётган мазкур газетадан баҳраманд бўлган баъзи мухлислар асар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб хатлар йўллаганлар. Қуйида ёш қаламкаш Отабек Бакиров мақоласи ва асарни ўқиб ўз фикрини билдирган баъзи истеъдодли қалам аҳлларининг сўзларини илова этишни мақбул санадик.

## БИР НАФАСДА ЎҚИЛАДИГАН СУҲБАТЛАР

Устоз ижодкор, таниқли шоир ва моҳир таржимон, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби Мирзо Кенжабекнинг «Адабиёт зиёси» газетасида давомли равишда чоп этилган «Ёшларга дил сўзларим» туркум суҳбатларини мириқиб, катта ҳаяжон билан ўқиб бордик. Афсуски, ҳар нарсанинг поёни бўлганидек, самимий гурунг ҳам ниҳоясига етди. Бироқ бу суҳбатлар мен каби юзлаб ёшларнинг қалбида акс садо бераётганига шубҳам йўқ.

Улуғ уламою шоирлар орасида шогирдларига, умуман, ёшларга пандномалар ёзиш анъанаси та-

рихдан мавжуд бўлиб, Имом Ғаззолийнинг «Эй фарзанд», Фаридуддин Атторнинг «Асрорнома»си бунга яққол мисол бўла олади. Абдулла Қаҳҳорнинг ўтган асрда яратилган «Ёшлар билан суҳбат»и ҳанузгача ёш ижодкорлар учун муҳим қўлланма бўлиб келмоқда. Аммо янги асрда устозларнинг ҳафсаласи бўлмадими ёки шогирдларнинг тинглашга вақти етмадими, бундай асарлар ёзилмай қолди. Орадаги катта бўшлиқни Мирзо Кенжабекнинг «Ёшларга дил сўзларим» рисоласи муваффақиятли тўлдира олганига аминмиз.

Ҳар қандай дори оз-оздан, мунтазам равишда қабул қилинса, шифо бўлади. Газетанинг ҳар сониди парчаларни ўқиб бориб, бутун бошли асарни тугатиб қўйганимизни сезмай қолибмиз. Устоз ижодкорнинг дил сўзлари ширали оҳанги, ҳаётий кузатувлари ҳамда диний-маърифий қиймати билан дилларга тўсиқсиз кириб боради. Мутолаа жараёнида газета орадан кўтарилиб, гўё жонли суҳбатда ўтиргандай завқ олдим. Мавзу «Маъжоз ва ҳақиқат» бўладими, «Жаҳон сиёсатини билиш зарурлиги» бўладими ёхуд «Хотира ёзиш одоби» бўладими, бирдай қабул қилинади. Дил сўзлар қатида шундай нозик ва дақиқ масалалар ечими баён қилинадими, ўқувчининг ҳайратланишдан ўзга чораси қолмайди. Суҳбатларни ўқиб тугатарканман, бутун бошли мактабни тамомлагандай ҳис қилдим ўзимни.

Сўзи ва амали бир бўлган инсонлар барча адолатли замонларда қадрланган. Камина наздида «Ёшларга дил сўзларим»нинг қадри яна шунинг учун ҳам баландки, муаллифнинг ёшларга илм беришга бўлган иштиёқига бевосита гувоҳ бўлган-

ман. Хайрли сабаб билан ёзувчиларнинг Дўрмондаги боғида Мирзо Кенжабек ва бир гуруҳ ёшлар суҳбатида бўлганман. Устознинг ҳар бир айтаётган сўзини дона-дона қилиб, шошмасдан сўзлаши, ҳар гапи олдидан нафас ростлаб, айтажак фикрини обдон текшириб, кейин тилга чиқаришига қойил қолганман. Мабодо, бирон жумла ёки маълумотда янглишса, шу заҳоти тингловчилардан узр сўраб, хатосини тўғирлаган ҳолат ҳам бўлган. Бу катта шоирнинг камтарлиги, кибрдан йироқлигига далолат. Боиси, бундай мавқе ва ёшдаги ижодкорлар биз каби ёшлар олдида хатосини тан олиб ўтирмайди...

Ўшанда устоз суҳбатига тўймай қолганим бор гап. Шукрки, унинг камини «Адабиёт зиёси»да берилган ўша асар билан тўлдиргандек бўлдим. «Ёшларга дил сўзларим» китоб ҳолида нашр этилса, китоб жавонларида турмаслигига, аксинча, қўлма-қўл бўлиб, қайта-қайта ўқилавериб, саҳифалари хатчўпларга тўлишига, ёш муҳибларнинг камида ёстиқлари тагида туришига ишонаман.

Одатда, ўқиётган асаримиздаги керакли сўзлар ва жумлаларни ёндафтарчамизга кўчириб қўямиз. Лекин бу асар тўлиғича керакли гаплардан иборат. Демак, «Ёшларга дил сўзларим» ҳар бир ёш ижодкорнинг ёндафтарчаси ёки йўл харитасидай доим ёнида ҳамроҳи, ҳаммаслагига айланади.

Гарчи бу мақолалар салкам беш йил (2016–2020 йиллар) мобайнида қоғозга туширилган бўлса-да, аслида, юрак тубида, тафаккур меҳробида булар жуда кўп йиллар давомида етилгани билиниб турибди.

Асар хотимасида шоирмиз шундай ёзган:

«Адабиёт ҳам халқ қалбига ҳаёт олиб кирадиган асл адабиёт бўлади! Бунинг учун зиёлилар, хусусан, миллат пешқадамлари бўлган ижодкорлар юксак ахлоқли, улуғ мақсадли, пок қалбли, теран тафаккурли, кенг илмли ва маърифатли шахслар бўлиши лозим. Ана шу шарафли йўлда барча ижодкорларга муваффақият ва равнақ, баракотли умр ва ижод тилаб қоламан.

Ижодкор дўстларимга устоз дилсўзларини, албатта, ўқишни тавсия қиламан. Эҳтимол, бу гапларни бир ўқишдаёқ тўлиқ англамасмиз. Лекин ҳар сафар ўқиганимизда янги маъно кашф қилишимиз муқаррар. Агар сиз ҳали ўқиб кўрмаган бўлсангиз, дарҳол «Адабиёт зиёси»нинг икки йиллик таҳламини қўлга олинг. Ишонинг, бу асар газета саҳифаларини излаб, давомини қидириб, топиб ўқишга арзийди. Ахир, матбуотда шунча пайт олди-қочди асарлар давомини интиқ кутганимиз, бу билан алдамчи ҳирсу эҳтиросларимизни семиртирганимиз етар! Энди маънавий-маърифий оламимизни бойитиш ҳақида ҳам ўйлайлик.

**Отабек БАКИРОВ,**

*Ангрен шахри.*

*«Адабиёт зиёси» газетасининг*

*2020 йил 21 май. 13 (32)-сон*

## **ГЎЗАЛ АДАБИЙ РИСОЛА**

Ассалому алайкум! Домла, китобни ўқидим. Жуда ажойиб. Маърифий, тарбиявий, айни дамда, гўзал адабий рисола бўлибди. Муборак бўлсин!

...Албатта сизнинг мақомингиздаги қалам соҳиби ҳар бир битигида исломий, ирфоний манбаларга таяниши, улардан муайян истифода этиши табиий. Аммо, муҳими, китоб жуда мағзи тўқ, файзи мўллиги билан китоб жавонимизга муносиб тухфадир.

**Шодмонқул САЛОМ,**  
*шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар*  
*уюшмаси аъзоси.*  
*2020 йил, апрель.*

### **ЖУДА ДИЛБАР ВА КЕРАКЛИ КИТОБ**

Ассалому алайкум, устоз. Китобни ўқиб чиқдим. ...Китоб ҳақида барча фикрларимни бирйўла айтолмайман. Савоб иш бўлибди. Раҳмат! Бугунги ёшлар учун айна керак масалалар кўтарилган. Ё насиб, китоб ҳолида тезроқ чиқишидан умидвормиз.

Устоз, шундай керакли асар, зарур китоб билан сизни ҳам, кўпроқ илк ўқувчилардан ўлароқ ўзимни ва ёш тенгқур авлодни ҳам қутлайман. Жуда дилбар ва керакли китоб. Эътирофингиздан бошим кўкка етди. Раҳмат. Аллоҳ умрингизни зиёда қилсин, устоз!

**Мансур ЖУМАЕВ,**  
*шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар*  
*уюшмаси аъзоси.*  
*2020 йил, апрель.*

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Шоир, таржимон, журналист, исломий китоблар му-  
саннифи Мирзо Кенжабек (Кенжабоев Мирза Тўйчиевич)  
1956 йилда Ўзбекистон жанубида – Сурхондарё вилоя-  
ти, Сарийосиё (ҳозирги Узун) тумани, Меҳнат қишлоғида  
туғилган. Ўрта мактабдан сўнг 1974–1979 йилларда Тош-  
кент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)  
нинг журналистика факультетида, 1999–2001 йилларда  
Имом Бухорий номидаги Ислом институтида таълим олди.  
1982 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

“Ёш гвардия” нашриёти, “Муштум” журнали, Ғафур  
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, “Ўзбеки-  
стон адабиёти ва санъати” газетаси, Абдулла Қаҳҳор уй  
музейи, Президент девони идораларида хизмат қилган.  
Ҳозир Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида  
Ислом меросини сақлаш бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017  
йил 27 сентябрь фармони асосида “Ўзбекистон Респуб-  
ликасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвони  
билан тақдирланди.

2019 йилнинг 14 феврилида Халқаро Бобур мукофо-  
тига сазовор бўлди.

2019 йил 27 март, ҳижрий 1440 йил ражаб ойининг  
11-куни, якшанбада Шайх Мирзо Аҳмад Хушназар Тер-  
мизий (Мирзо ибн Тўйчибой ибн Кенжабой ибн Хуш-  
назар) унвони ила Хожагон-нақшбандия шайхи иршод  
мақоми берилган.

## ШЕЪРИЙ КИТОБЛАРИ

**“Мактубларим”.** “Ёш гвардия” нашриёти, 1982.

**“Қуёшга қараган уй”.** Ғафур Ғулом номидаги Адаби-  
ёт ва санъат нашриёти, 1983.

**“Муножот”.** Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъ-  
ат нашриёти, 1986.



**“Шарқ тили”**. “Камалак” нашриёти, 1988.

**“Баҳорим еллари”**. Лирика. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999.

**“Хушхабар”**. Янги шеърлар ва рубоийлар. “Наврўз” нашриёти, 2018.

### ТАРИХИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ТАСАВВУФИЙ ВА ТАЗКИРА КИТОБЛАРИ

**“Термиз тазкираси”**. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001.

**“Буюк Термизийлар”**. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017.

**“Ҳазрати Қусам ибн Аббос – Шоҳи Зинда”**. “Ўзбекистон” нашриёти, 2017.

**“Бобур Мирзо асарларида арабий матнлар”**. Рисола. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2018.

**“Муршиди комил ҳикматлари”**. Тасаввуфий-фикҳий асар. “Янги аср авлоди” нашриёти, 2004.

### АДАБИЙ-ИРФОНИЙ КИТОБЛАРИ

**“Дунёнинг муршиди”**. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг “Рисолаи Волидийя” асари Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб назмий таржимасининг қисқа шарҳи; “Фан” нашриёти, 2004.

**“Рисолаи волидийя назмий таржимаси ва шарҳи”**. “Navroz” нашриёти, 2019.

**“Ошиқ Машраб ва тасаввуф олами”**. “Наврўз” нашриёти, 2019.

**“Ёшларга дил сўзларим”**. (Ёш ижодкорларга самимий тавсиялар). Асар “Адабиёт зиёси” газетасининг 2019–2020 йилдаги кўплаб сонларида тўлиқ чоп этилди. Адабиёт нашриёти” да нашрга тайёрланган, 2021.

### ФИҚҲИЙ-МАЪРИФИЙ КИТОБЛАРИ

**“Эътикоф”.** “Мовароуннаҳр”, 2005.

**“Қабристон зиёрати одоби”.** “Мовароуннаҳр”, 2005.

**“Мубайян ва насрий баёни” (Заҳрирдин Муҳаммад Бобур хазиначиси).** “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014.

**“Анварул-маносик”. Ҳаж фатволари мажмуаси.** Ёрқинжон Қори Фозилов таржимасида мусаннифлар жамоаси билан бирга нашрга тайёрланган. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014.

**“Энг гўзал саловотлар”.** “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, биринчи нашри – 2015; иккинчи нашри – 2017.

(Муаллиф фикҳий асарларини асосан Мирзо Аҳмад Хушназар таҳаллуси билан нашр этади. Хушназар бобо – муаллифнинг бобокалони, Кенжабой бобонинг оталаридир.)

### ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН ҚИЛГАН ТАРЖИМАЛАРИ

**А.С.Пушкин. “Евгений Онегин”.** Шеърлий роман, Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988; қайта ишланган иккинчи нашри кўп жилдлик “Рус адабиёти дурдоналари” туркумининг 1-жилдида А.С.Пушкиннинг шеърлий асарлари таркибида чоп этилди. “Ўзбекистон” нашр-матбаа уйи, 2019.

**Фаридиддин Аттор. “Тазкират ул-авлиё”.** “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 1997.

**Махтумқули. Сайланма.** Шеърлар. Туркман тилидан таржима. “Адолат” нашриёти, 2004.

**Махтумқули. “Ошиқлар Ҳақ ишқинда”.** Сайланма шеърлар. Туркман тилидан ўзбек тилига мувофиқлаштирилган. “Зилол булоқ” нашриёти, 2019.

**Жеймс Олдриж. “Ғаройиб мўғул оти”.** Қисса. Рус тилидан Ризоқул Усанов билан бирга таржима қилинган, “Tafakkur” нашриёти, 2012.

**Сирожиддин Усмон Ўший. “Омолий”.** Манзума. Араб тилидан таржима, “Мовароуннахр” нашриёти, 1999.

**Зайниддин Восифий. “Тошкент таърифида маснавий”.** Достон. Форс тилидан таржима. “Жаҳон адабиёти” журналы, 2002.

**Юнус Эбро. “Ўлмас кўнгул”. Шеърлар.** Усмоний турк тилидан таржима. Президент маъмурияти, 2020.

**Бошқа шеърлий таржималари:** *Форс тилидан:* Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Носир Хусрав Деҳлавий, Мавлавий Жунуний ғазаллари. *Турк тилидан:* Юнус Эбро шеърлари. *Рус тилидан:* И.В.Гёте (Олмония); Николас Гильен (Куба); Геворг Эмин (Арманистон); Ўлжас Сулаймон (Қозоғистон) шеърлари. Бу асарлар турли китобларда ва Республика журналларида нашр этилган.

### ТАРЖИМА ҚИЛГАН ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ҲАДИС КИТОБЛАРИ

**Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. “Сунани Термизий”** (“Ал-жомий ас-саҳих”). Ҳадислар тўплами таржимаси. Араб тилидан, 1-жилд, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 1999, 2012, 2013, 2017; 2-жилд – 2017.

**Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий. “Сунани Термизий”.** 2-жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017.

**Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий.** “Шамоили Муҳаммадийя”, биринчи наشري – “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2015, иккинчи наشري – 2017.

**Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий. “Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди”** (Соғлом исломий ақида), биринчи китоб, “Мовароуннахр” нашриёти, 1998, 2001, 2004. Бу китоб юртимиздаги кўплаб мусулмонларнинг, айниқса, ёшларнинг турли эгри оқимлардан ҳазар қилиб, тўғри йўлда юришида ўта муҳим аҳамият касб эт-

ган асарлардандир. Бу китоб ҳақида кўплаб мақолалар ва “Тафаккур шуълалари” номли китоб ҳам ёзилган.

**Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавий.** “Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди”. Иккинчи китоб (Шарҳи Омолий), “Мовароуннаҳр” нашриёти, 1998.

**Шайх Мавлоно Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий.** “Жомиъ ул-мутун”. Мотуридия эътиқод таълими ҳақида матн ва шарҳдан иборат китоб, 2000.

**Абул-Футуҳ Шайх Аҳмад Ғаззолий.** “Баҳрул маҳабба” (“Муҳаббат денгизи”). Юсуф қиссаси асосида тафсир китоби. Мажозий ва Илоҳий муҳаббат китоби. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019.

**Маҳмуд Асъад Жўшон.** “Ҳақиқий севги”. Маърифий-тасаввуфий китоб, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 1999.

**Қутбиддин Изникий.** “Муршиди мутааҳҳилийн”. (Ёш келин-куёвларга маслаҳатнома), “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2002.

**Маҳмуд Асъад Жўшон.** “Тасаввуф ва гўзаллик”. Маърифий-тасаввуфий китоб, “Адолат” нашриёти, 2004.

**Ҳожи Аҳмаджон Махдум Ҳанафий-Нақшбандий.** “Рисолаи сужуди саҳв”. “Адолат” нашриёти, 2004.

**Авроди шариф.** Ояти карималар ва ҳадиси шарифларда келган дуолар. Биринчи нашри – 2013, иккинчи нашри – 2015, учинчи нашри – 2017.

### НАШРГА ТАЙЁРЛАНГАН АСАРЛАРИ

**“Шеъроят ва руҳият”.** Мақолалар, шарҳлар, суҳбатлар. 2020.

**“Маънавият ва ҳаёт”.** Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ўзгаришлар, илм ва маърифат соҳасидаги хайрли ишлар ҳақида китоб, нашрга тайёрланмоқда.

### МУҲИМ ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАРИ

**“Дилдошлик”.** Ўзбек тилининг мустамлака давридаги хароб аҳволи ва уни давлат тилига айлантириш зару-

рияти ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1988).

**“Тил эрки – эл эрки”.** Ўзбек тили давлат мақоми бериш зарурияти ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1989).

**“Ҳар кунинг бўлсин наврўз”** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси пленумида Наврўз байрамининг тақиқланишига қарши ва Компартия идеология котибига қарши сўзланган нутқ асосида ёзилган мақола. Унда наврўз байрамининг диний эмас, миллий байрам эканлиги ва уни қайта тиклаш зарурияти баён қилинган (Собиқ “Ёш ленинчи”, ҳозирги “Туркистон” газетаси).

**“Инсон қалби билан ҳазиллашманг...”** – Абдулла Орипов билан суҳбат. Адабий ва ижтимоий муаммолар ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси).

**“Шоир ва шеър дунёси”** – Эркин Воҳидов билан суҳбат. Адабий, ижтимоий-ахлоқий масалалар ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси).

**“Юрагимда оёқ изи бор”** – Мустамлака даврида Ўзбекистондаги ижтимоий тенгсизликларни тугатиш, экологик фожиаларни бартараф этиш, соғлом ижтимоий ҳаётни жорий этиш масалалари ҳақида (Собиқ “Ёш ленинчи”, ҳозирги “Туркистон” газетаси).

**“Халқ номидан ёлғон сўзламанг”** – Бўстонликда қурилмоқчи бўлган экологик ва ҳаётий жиҳатдан зарарли завод ва уни тўхтатиш зарурияти ҳақида (Собиқ “Ёш ленинчи”, ҳозирги “Туркистон” газетаси).

**“Икки дарё оралиғида”** – иқтисод фанлари доктори, профессор Нурислом Тўхлиев билан суҳбат, Ўзбекистондаги иқтисодий тенгсизликларни бартараф этиш зарурияти ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси).

**“Хилма-хиллик тенгсизлик эмас”** – Мактаб дарсликларида Қуръони карим ҳақида айтилган бўҳтонлар ва уларни бартараф этиш зарурияти ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси).

**“Тижорат тарихи”** – янги даврда қадимий-тарихий тажриба ва анъаналардан фойдаланиш зарурияти ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси).

**“Фитна санъати”** – қонли Фарғона воқеалари, месхет турклари билан ўзбеклар орасидаги ихтилофлар шўро давлати томонидан махсус уюштирилгани, Россиянинг қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун меҳнаткаш месхет туркларини Ўзбекистондан кўчириб кетиш жараёнлари ҳақида рад қилиб бўлмас далиллар. Бу асар ўта машҳур бўлганидан баъзи чет тилларига “Фитна санъати ёки парда орқаси” нашр этилган. Жумладан, Туркия, “TOS yayınları” нашриётида чоп этилган. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” кутубхонаси рукнида чоп этилган икки жилдлик асар ҳам “Фитна санъати” деб номланган (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси).

**“Фақат тежалмаса эди ҳақиқат”** – Мустақилликнинг илк даврида Ўзбекистондаги иқтисодий ноҳақликлар, халқнинг оғир ижтимоий аҳволи, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ва бу муаммоларни бартараф этиш зарурияти ҳақида (“Ҳаёт ва иқтисод” журнали).

**“Бош қонун муаммолари”** – Мустақил Ўзбекистон Конституцияси қандай бўлиши керак? У Ўзбекистон халқларининг, жумладан, юртнинг эгаси бўлган ўзбек халқининг барча ижтимоий ҳуқуқ ва тенгликларини таъминлаши зарурлиги ва жаҳон Бош қонунлари билан тенг мақомда бўлиши муҳимлиги ҳақида (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Туркистон” газеталари).

**“Шукрона туйғуси омонми?”** – Мустақиллик давридаги ахлоқий ва ижтимоий муаммолар, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида (“Хуррият” газетаси).

**“Шеърят – ҳақиқат жарчиси”**. Журналист Умид Али билан суҳбат. “Кўнгилга сайр” адабий-ижодий суҳбатлар китоби (74–82-бетлар). “Янги аср авлоди” нашриёти, 2009.

**“Халққа қайтарилган хазина”**. Истиқлол даврида ижодлари ва адабий мерослари халққа қайтарилган

Йўлдошхўжа Доғий, Фақирий-Шаҳрисабзий, Назруллоҳ-хон Ғарибий, Дадахон Суҳайлий, Кул Азиз Туркистоний фаолиятлари ҳақида. “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали, 2011, 4-сон (271–274-бетлар).

**“Адабиёт келажиги – ватан келажиги”.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига (2010 йил, 26 февраль) оид самимий мулоҳазалар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2010 йил, март.

**“Рухнинг озукаси маънавият бозорларидадир”.** Публицистика. “Ёшлик” журнали, 2012, 5-сон (7–11-бетлар).

**“Ҳаёт ҳақиқатлари”.** “XXI аср” газетаси, 2017 йил, 21 декабрь, 51 (737)-сон, пайшанба.

**“Ватаннинг равнақи илмдадир”.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ислоҳ Академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида самимий мулоҳазалар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2017 йил, 22 декабрь, № 52 (4450).

**“Китобга қайтиш – виждонга қайтишдир”.** “XXI аср” газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Китоб нашрлари чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига муносабат.

**“Муҳаббат ва садоқат мактаби”.** “Хуррият” газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маънавият борасидаги фармон ва қарорлари шарҳи.

**“Парчаланмас бир диёр – ўзбек тили”.** “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2019 йил, 8 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат тили тўғрисидаги қарор ва фармонлари шарҳи.

**“Виждон ва диёнат баённомаси”.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ вакиллари ва сенат аъзоларига мурожаатига муносабат.

## АДАБИЙ-ИЖТИМОИЙ МАҚОЛАЛАРИ

**“Асл ватан қайғуси” (Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари).** “Тафаккур” журнали, 1993.

**“Навоий девонининг фазилатлари”.** “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали, 2013, 1-сон (18–20-бетлар).

**“Навоий назмида ҳадис ва ҳикмат”.** “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси.

**“Қудрат ва санъат соҳибига илтижо”.** “Сино” журнали, 2011, баҳор-ёз, 41–42-сонлар. Навоий ғазалининг шарҳи (77–82-бетлар).

**“Поклик ва муҳаббат тараннуми”.** Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ғазали шарҳи. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2009 йил, февраль, 2-сон (148–149-бетлар).

**“Жон ва жонон сирлари”.** Навоий ижодида жон ва жонон истилоҳларининг баёни. “Тафаккур” журнали”, 2013 йил, 2-сон.

**“Ҳақ айласа адолат”.** Навоий ижодида Куръон оятларининг маънолари (“Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар” китобидан, 2016).

**“Маъно оламидан олинган ғазал”.** Навоий ижодида ирфоний мавзулар, оят ва ҳадисларнинг маънолари (“Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар” китобидан), 2016.

**“Ошиқи содиқ Фузулий”.** Буюк Озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулий ижоди ҳақида. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2009, июнь, 6-сон (65–67-бетлар).

**“Сўфи Аллоҳёр – ошиқи дийдор”.** “Сўфи Аллоҳёр”, Халқаро илмий анжуман материаллари. 86–93-бетлар. “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр” нашриёти, Техрон – Тошкент, 2005.

**“Аллома шеърияти”.** Алихонтўра Соғуний шеърияти ҳақида. “Биздан эмасдирлар Ватанни севмаганлар” китобига сўзбоши. “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005.

**“Хитоблардан тузилган китоб”.** Шоир Абдуғафур Собир Мирзонинг “Инсоннома достони ҳақида сўз. “Инсоннома” китобига сўзбоши, 2007.



**“Махтумқули – валий шоир”.** “Жаҳон адабиёти” журнали, 2008 йил, декабрь, 12-сон (96–97-бетлар).

**“Дарс бошқа, ибрат бошқа”.** Атоқли олим Воҳид Абдуллаевни эслаб. “Илму маърифатга бахшида умр” китоби. “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2009.

**“Ватанга фидолик масъулияти”.** Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевни эслаб. “Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида” китоби (154–170-бетлар), Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.

**“Муҳаббатга сазовор манзил”.** Китоб шаҳри теран тарихи, буюк шахслар, меъморий обидалар. Салоҳиддин Исомиддиновнинг “Тоғ ичинда бир кишвар” китобига сўзбоши, “Муҳаррир” нашриёти, 2012.

**“Орифона қалб сирлари”.** Адабиётшунос олим ва шоир Ботирхон Акрамнинг “Ҳайратлар олами” китобига сўзбоши. “Turon Zamin Ziyο” нашриёти, 2014.

**“Аҳли дил инсон эдилар”.** Мутафаккир олим, нозиктаъб шоир, муҳаббатли инсон Ботирхон Акрамни ёд этиб. “Ботирхон Акрам. Маърифат фидойиси” китоби, “Mumtoz so‘z”, 2012 (150–153-бетлар).

**“Ўқитувчи туйғулари”.** Абдураҳим Абдусамад (Абдусаматов)нинг “Онамни эслаб” шеърий тўпламига сўзбоши. “TURON IQBOL” нашриёти, 2012.

**“Туркистонда (бугунги Ўзбекистонда) Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий ҳазратлари”**, 2013 йил 1–2 июнь кунлари Истанбул шаҳрининг Боғчилар баладиясида ўтган “Кумушхонавий халқаро симпозиуми”да сўзланган нутқ ва симпозиум материаллари китобидан ўрин олган мақола. 466–473-бетлар. 2013 йил, Истанбул.

**“Аттор дўконининг хушбўйликлари”.** Акмал Саидовнинг “Атторшунослик” асари ҳақида мулоҳазалар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2013 йил, апрель.

**“Сабр ва сабот зиёлари”.** Қашқадарёлик ногирон адиба Дилрабо Тоштемир қизининг “Исмсиз туйғулар” китобига сўзбоши. “Муҳаррир” нашриёти, 2013 йил.

**“Орифона қалб сирлари”.** Адабиётшунос олим ва шоир Ботирхон Акрамнинг “Ҳайратлар олами” китобига сўзбоши. “Turon Zamin Ziyu” нашриёти, 2014.

**“Китоб олами – шахслар олами”.** А.С.Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърий романи, Сергей Есенин сайланмалари, Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубайян” асари, Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китоби ҳақида мулоҳазалар (“Тафаккур” журнали, 2015, 1-сон).

**“Муборак даргоҳ насимлари”.** “Ижтимоий фикр – инсон ҳуқуқлари” журнали, илмий-ахборот нашри; 2016, 1 (73)-сон. Акмал Саидовнинг “Ҳазрат Занги Ота” (Т.: “Sharq”, 2015, 504-бет) китобига тақриз. 152–154-бетлар.

**“Дуновение благославленной земли”, рецензия** (рус тилида). “Демократизация и права человека” журнали; № 2 (70), 2016; ўзбек, инглиз, рус тилларидаги илмий-маърифий журнал; научно-просветительский журнал. – С.151–153.

**“Ошиқ Машраб ва тасаввуф олами”.** Машраб “Куллиёт”ига сўзбоши сифатида ёзилган тадқиқий мақола. “Муҳаррир” нашриёти, 2017.

**“Бобур Мирзонинг фикҳий ва тасаввуфий қарашлари”.** 2017 йил, 27–28 октябрь кунлари Андижон шаҳрида ўтган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларининг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни” халқаро конференцияда сўзланган илмий маъруза ҳамда “Бобур ва дунё” журнали, 2017 йил, 3-сонида чоп этилган мақола.

**“Мумтоз шеърият фидойиси”.** “Халқ академиги” деб номланган Жалолиддин Юсуфий вафоти сабаби билан ёзилган мақола. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2017 йил, 15 декабрь, № 51 (4449).

## МУНДАРИЖА

<i>Тахрир ҳайъати. Сўзбоши ўрнида</i> .....	3
Қисқа муқаддима .....	5
Дил сўзларимни айтишга сабаб нима? .....	6
Адабиёт адаб демакдир.....	7
Ижод аҳлининг ўз ахлоқий мезони бўлиши керак .....	8
Муҳитнинг ижодга таъсири.....	10
Адабиёт ўткинчи ташвиқот воситаси эмас.....	13
Ҳар бир қаламкашнинг қатъий ижодий интизоми бўлиши зарур .....	15
Буюк ёзувчи Лев Толстойнинг ҳаётий тартиб-қоидалари .....	17
«Мендек меҳнат қилса эди...» .....	18
Ҳасад-хусуматдан пок бўлиш.....	19
Буюк шоирлар ҳасаддан озор чекканлар .....	21
Ҳасадчининг насибаси .....	23
Гуруҳбозлик ва маҳаллийчиликдан узоқ бўлиш .....	24
Шон-шухрат ва тамаъга берилмаслик.....	25
Умрини иғвогарлик ва тухматчилик билан ўтказаятганлар.....	26
Ватан тарихини ўрганиш .....	27
Ижодкорнинг сўз бойлиги .....	29
«Йиғламоқ»нинг етти хил шакли.....	30
Навоийнинг сўз хазинаси .....	31
Инсоният тарихини ўрганиш зарур .....	32
Жаҳон сиёсатини билиш зарур .....	33
Мумтоз адабиётни кўп ўқиш ва англаш зарур .....	34
Жаҳон адабиётини кўп ўқиш ва ўрганиш зарур .....	36
«Халқни ўз ўлчовинг билан ўлчама...».....	37
«Лаҳвал-ҳадис»нинг замонавий таъвили .....	38
Номус ва ифбат фожиаси.....	39
Денгизлар ортида яшаган адиб.....	40
Таржима санъатининг гўзал сирлари .....	42
Уч улуғ зотнинг таржима мактаби.....	42
Тилларни билувчи кўпайди, аммо.....	44
Тасаввуф адабиётини, Нақшбандия таълимотини ўрганиш зарур.....	45
Гўзал манбалар.....	46
«Маърифатнома» манзумасидан байтлар .....	47
Мажоз ва ҳақиқат .....	48
Мажоздан мақсад – ишқи ҳақиқийдир .....	50
Ишқ ҳаётбахш ўлимдир .....	51

Мажоз адабиётининг ҳикмати .....	51
Инсоннинг янги бир ҳаёти .....	52
Ноқисдан комил иш чиқмайди.....	53
Ижодда нур бўлмоғи лозим .....	54
Ижодкор яхши ният қилиши керак .....	55
Ўлимни истаган қаламкашлар .....	56
«Ўлимни орзу қилманглар» .....	59
Тонги отмаган шоир .....	60
Янги асрнинг ўн олти йили.....	60
Ўлимни чақирманг, шоир дўстларим!.....	62
Чарли Чаплиннинг сўзсиз санъати.....	63
Тақлид.....	64
Ижод бу ҳикматдир, ҳикмат эса поклик маҳсулидир .....	65
Булоқлар ерда бўлади.....	67
Жаҳон адабиётида исломий маърифат баҳралари.....	67
Гёте ижоди – маърифат бўстони .....	68
Эгри қовурға тавсифи.....	71
«Садоқатли тўрт аёл бор...».....	72
Абадият булоғи .....	73
Бир нафасда икки неъмат бор .....	73
Гёте эътирофи.....	74
Пушкин ва Қуръон.....	75
Пушкин васф этган одоб намуналари .....	76
«Қани, чиқар куёшни ғарбдан!..».....	77
Иван Бунин ҳукмлари.....	78
Туркий-ўзбек адабиётида арбаъийн туркумлари.....	79
Курашда йиқитган паҳлавон эмас, нафсини енган паҳлавондир.....	81
Паҳлавон Маҳмуднинг паҳлавонлик сири.....	82
Маънавий-эътиқодий тамойилларга ҳурмат сақлашнинг зарурлиги.....	85
Ҳайвонни алдашдан қайтарган таълимот.....	87
Лев Толстойнинг бирлик ва дўстлик талаблари .....	88
Дантенинг дунёга фош бўлган сирлари.....	89
«Илоҳий комедия»га оид холис маълумотлар.....	90
28-боб бандларининг мазмуни ва муқаддимаси .....	93
«Илоҳий комедия»нинг туркча таржимасига рухсат берилмагани сабаби .....	94
«Илоҳий комедия»нинг уруш таҳдидига сабаб бўлгани .....	95
Башарият адиблари учун хулоса.....	96
Дантенинг бўҳтонини Гётенинг ҳақиқати билан инкор этиш .....	97
Бутпарастнинг бутини сўкманг.. ..	99
Маънавий омилларни ҳажв қилувчилар.....	100
Ижод аҳлида соғлом қалб ва субут бўлмоғи керак .....	102
Буюк адибнинг обрў ва шарафи .....	105

Илоҳий мавзуларни ўйин қилиб бўлмайдими .....	107
«Масхарабозликни саҳнада қил...» .....	107
Башарнинг чилимпарвар хаёли.....	108
Шоирнинг беўхшов «рассом»лиги .....	110
Энг яхши ирфон .....	111
Жаҳолатнинг чегараси борми? .....	114
Тавба эшиклари доим очиқдир.....	116
Мушрик дегани нима дегани ва кимлар мушрик саналади? .....	117
Дунёнинг шарафли аёллари .....	120
Шеърият маликалари ва фақр мақомининг ходималари .....	121
Темурий наслдан Зебуннисо бу.....	121
Ҳақиқат ёрининг вафодори – Жаҳон Отин Увайсий бу .....	123
Меҳру муҳаббат мулкининг султони – Нодира Бегим (Моҳлар Ойим) бу.....	125
Фазли илоҳийга эришган меҳрибон – Маҳзуна бу.....	129
Янги давр ўзбек шоиралари .....	135
Ҳаё пардаси.....	140
Шеърият шифокори .....	140
Аёл ва аския.....	141
Дин аҳлларини ҳақорат қилмайлик.....	142
«Тоғам рози бўлсин десанг...».....	144
Муҳаммад исми бор жойда таҳқир сўзлари бўлмаслиги лозим	145
«Муҳаббатидин отингни ҳабиб атаб маҳбуб...».....	147
«Отинг жанобиға кирган...» .....	147
Хайрли ва муборак манзиллар .....	148
Соҳибқирон Амир Темурабдуллоҳлар .....	149
«Сайидлар, шайхлар, уламо ва фузало зотларни ўзимга яқин тутдим» .....	151
Азиз зотларга нисбатан эҳтиром намунаси .....	152
Тарих бўҳтон воситаси эмас .....	152
Абжад ҳисобида битилган таърих.....	154
«Тарихи Муҳаммадий» асари ўзбек романчилигининг олий намунасидир .....	155
Беруний ҳақиқатлари .....	156
Тарихан нолойиқ шахслар қаҳрамон бўла олмайди.....	159
Босқинчиликни қўллаб-қувватлаш – инсоният эркига зиддир	161
Шоҳга ноҳолис маслаҳат берган ёзувчи .....	161
Никоҳ ва талоқнинг ҳазили ҳам, чини ҳам ҳақиқатдир .....	162
Халқ ҳаётини билмаслик оқибати.....	163
Биз кимларнинг авлодимиз?.....	164
Дунёнинг жаннати қаерда? .....	165
«Бу қирлар – дунёнинг жаннати» .....	166
Ошиқлик бўй-баст танламайди .....	167

Ичкилик балосининг адабиётга етказган талофатлари.....	168
Яхшидир аччиқ ҳақиқат.. ..	169
«Туркистон вилоятининг газети» .....	172
Мотамдаги қувноқ ашула .....	172
«Бу – миллатни ўлдириш-ку!» .....	173
«Нишонга уриш эмас, нишонга урмаслик маҳоратдир...» .....	173
Ақлни ва наслни бузадиган иллат .....	175
Хотира ёзиш одоби.....	176
Нолойиқ ишларга хуррият йўқ .....	177
Хотира ёзиш қаламкашни таҳқирлаш бўлмасин .....	178
Ҳаёт ҳангомадан иборат эмас .....	182
Умрнинг аввалидан кўра охири муҳимдир .....	183
«Тавбамнинг изҳори – шу шеърни ёздим...» .....	184
Бир томчи қон, бир қозон таом.....	186
Рауф Парфи юрагидан шеърини парчалар.....	189
Шоҳмотда ютқизган улуғ адиб.....	191
Бир гуноҳ кечирилган бўлса.. ..	191
Ҳамма рост гап ҳам дегулик эмас.....	192
«Ўлганларни сўкманглар...» .....	194
Умрингиз давомида икки ҳолатга дуч келасиз.....	194
Яхшилик қилиш қондасини суистеъмол этмайлик .....	195
Сиёсий айб тақашдан сақланмоқ .....	196
Танқид душман излаганда .....	197
Тахаллус танлаш масаласи.....	198
Хотима .....	200
Муҳаррирдан.....	202
<i>Отабек Бакиров</i> . Бир нафасда ўқиладиган суҳбатлар.....	203
<i>Шодмонқул Салом</i> . Гўзал адабий рисола.....	206
<i>Мансур Жумаев</i> . Жуда дилбар ва керакли китоб.....	207
Муаллиф ҳақида.....	208

*Адабий-бадий нашр*

Мирзо КЕНЖАБЕК

# ЁШЛАРГА ДИЛ СЎЗЛАРИМ


*Ёш ижодкорларга самимий тавсиялар*

Муҳаррирлар *Жўрабек Жаҳон*  
*Мавжуда Жўраева*

Бадий муҳаррир *Шуҳрат Одилов*  
Мусахҳиҳ *Азамат Қаюмов*  
Саҳифаловчи *Ихтиёр Саидов*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«ADABIYOT NASHRIYOTI» МЧЖ

Наشريёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020  
100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

 (+98) 128-30-04.

Босишга 2021 йил 18 январда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма. “Cambria” гарнитураси.  
Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт босма табоғи 16.  
Адади 2000 нусха. Буюртма №

«AZMIR NASHR PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
100200, Тошкент шаҳри, Адҳам Раҳмат кўчаси, 10-уй.